



ИИТИЛАРГА

Иитлар — халқларнинг мақтови, кўрғи,
Наслнинг жавҳари, давлат таяғи;
Юртининг ободлиги, тўғлар сабаби,
Элини тўқираши, файзи, қувонғи...

Иит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор: қалға бут, кўрғон саломат;
Қизлар кўтуғида авж-даромад,
Чоллар уйғусида жаннат, фароғат.

Иитлик умрининг бир кўжамига
Бир бутун замонни алтишгани арзий.
Арзий ўз иитини қадами уғун
Замонлар, кўжамлар бўлса муштазий.

Бир иит хижрони бағзан отанини
Балғини, дўстларим, доғ-доғ ўртаф...
Расо қаматининг бизга асодиф,
Ўғурини, боғимиз бўлсин муаштаф.

Сиз, ахир, ўлимни юртдан қоғириб,
Ҳаётни пойидор қилган асқарсиз.
Сиз, ахир, улуғ юрт иқболи уғун
Жон тиккан эрларсиз, Зотсиз, нафрасиз.

...Атомлар қуввати пок қалбинингизда
Ва сиздан кўтади тақдирин жаҳон;
Жаҳон, замон, халқлар, Ватан ва давлат
Сизга таянади, сиздир посбон.



Tafakkur



Ижтимоий - фалсафий, маънавий - маърифий, рангли - безакли журнал

Бош муҳаррир
Эркин АЪЗАМ

Таҳрир ҳайъати:

- Ҳалим БОБОЕВ
- Хуриш ДАВРОН
- Баҳодир ЖАЛОЛ
- Азамат ЗИЁ
- Анвар ЗИЁ (ЙЎЛДОШЕВ)
- Нажмиддин КОМИЛ
- Хайриддин СУЛТОН
- Убайдулла УВАТОВ
- Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ
- Муртазо ҚАРШИБЎЙ
- (бош муҳаррир ўринбосари)
- Иброҳим ҒАФУР
- Раҳима ҲАКИМОВА

Муассис — Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази

Матнларда фойдаланилган мисол, кучирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.
Журналдан кучириб босилганда манба қайд этилиши шарт.

Манзилимиз: 700029, Тошкент шаҳри, Отатурк кучаси, 24-уй.

“Шарқ” нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. 700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кучаси, 41-уй.


1995 йил 8 июлда босмахонага топширилди. 1995 йил 11.08 да босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими 70x100 1/16. 6 босма тобоқ, 3861-буюртма. Нашр адади 5000 нусха.

Бадий муҳаррир
Одилбек БОБОЖОН
Техник муҳаррир
Бойназар Боймурод
Мусаҳиҳ Юлдуз БИЗААТОВА

Ушбу сонда Рихситилла Нуриноев, Анатолий Зуев, Анвар Илёсов, Сергей Наследовлар олган суратлардан фойдаланилди.



МАЪНАВИЙ - ФАЛСАФИЙ ОДАМИШ ОДАМИШ ОДАМИШ ОДАМИШ ОДАМИШ



ЖУРНАЛ САҲИФАЛАРИДА

ИФТИХОР

Туркистон нурга тулгай..... 4

ОЛИЙ МЕЗОНЛАР

Пок юраклар ният қилса ...
Эркин ВОҲИДОВ билан суҳбат.....8

ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Азамат ЗИЁ. Бир макон ичра юз
очган жаҳон.....12

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Анвар ЗИЁ. Оила — Ватан рамзи.....24

КАМОЛОТ ТИЛСИМЛАРИ

С. ОТАМУРОДОВ, Ж. БАҲРОНОВ.
Нажот — маърифатда.....29

ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Муҳаммад ЮСУФ. Менинг курким —
кунгил. Шейрлар.....33

ЕТТИ ИҚЛИМ МУЖДАСИ

Маданият — энг ишончли йул.
Япония элчиси Укеру МАГАСАКИ билан
сухбат.40

МАЪНАВИЯТ ФИДОЙИЛАРИ

Хайриддин СУЛТОН. Бобурийлардан
бири.....47

ИБРАТНОМА

Утқир ҲОШИМОВ. Дафтар ҳошиясидаги
битиклар..... 55

ТУРКИСТОН АЛЛОМАЛАРИ

Қалдибек СЕЙДАНОВ. Буюк оқин.....60

АБАЙ. Насиҳатнома. Парчалар.....61

ШАРҚУ ҒАРБ ФАЛСАФАСИ

Хайрулла ИСМАТУЛЛА. Бир хол савдосидан
бошланган тарих.....67

ҚУТЛУҒ ЁШГА ЁТГАНЛАР

Ҳамид ОЛИМЖОН. Хайрлашув.....75

БОҚИЙ САРЧАШМАЛАР

Евгений БЕРЕЗИКОВ. Янги давр саси.....76

ҚУТЛУҒ ЁШГА ЁТГАНЛАР

Саид АҲМАД. Умрим лаҳзалари82

НАСЛИМИЗ — АСЛИМИЗ

Фозил ОТАХУЖАЕВ. Камолот бешиги.....84

НАСР ЖАВОҲИРЛАРИ

Ги Де МОПАСАН. Улиб тирилган.
Новелла.....87

МУҲАББАТНИНГ САРОЙИ



Алишер НАВОИЙ. Шириннинг мактуби.....91

Наполеон БОНАПАРТ. Жозефинага
мактуб..... 93

ШАРҚУ ҒАРБ ҲИКМАТИ

АРАСТУ бисотидан..... 94

Журналнинг англизча мухтасар мазмуни..... 95



Тасаввур қилинги, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тукин бўлади.

Ислом КАРИМОВ



ТУРКИСТОН НУРГА ТЎЛГАЙ

Олам ислоҳга муҳтож. Одамзод бу ҳақиқатни англаганидан буён тиниб-тинчимаydi: гоҳ курса, гоҳ бузади, бирда бию қилса, бирда вайрон этади. Алқисса, ислоҳ йўли мураккаб. Қурмоқ — осон, тузатмоқ — қийин, дейди халқимиз.

Биз тўрт йил муқаддам ислоҳот йўлига — тузатишлар йўлига кирдик. Табиийки, бу ҳаракат асносида маънили-маънисиз таклифлар ҳам бўлди. Кимдир, эскидан тезроқ халос бўлайлик, деса, бошқа биров, барчасидан воз кечиб, бутунлай янги жамият қурайлик, деб куйинган бўлди. Аммо, ҳаёт — донишманд, О.глоҳ — энг билгир. Зарур неъматни зарур фурсатда муҳайё этади. Шундай бўлди. Зарур фурсатда Ўзбекистон Республикасининг тараққиёт йўли, ислоҳот дастурини белгиловчи машҳур беш тамойил дунёга келди. Кўнгиллар таскин топди, диллардан шубҳа ариди. Ўзбекистон тараққиёт йўлидан сакраб, чопқиллаб эмас, қадам-бақаддам, уриниб-суринмай, тез ва илдам бораверди. Ватанимизнинг янги тарихи ана шундай бошланди, буюк истиқбол одими ана шундай ташланди.

Ватанимизда тараққиёт йўли тўғри танлангани

хусусида кўп гапирилади. Биздаги ўзгаришларга тан бериб, тажрибаларимиздан андоза олиш ишпийёнда юрганлар ҳам оз эмас. Булар барчаси яхши, кўнгилда гурур, дилда ифтихор туйғусини тоширади. Аммо энг муҳими — мамлакатимиздаги ислоҳот халқ хоҳиш-иродасига мос кечаётганидир.

Буюк мақсадлар йўлидаги ғалабанинг катта-кичиги бўлмайди. Шу боис, муस्ताқил мамлакатимизда юз берган ҳар бир ўзгариш бизга жон қадар азиз, виждон қадар мукаррамдир.

Жорий йилининг олти ойида кечган воқеалар таҳвили муस्ताқил миллий сиёсат самаралари тобора салмоқлироқ бўлиб бораётганини кўрсатади.

Мамлакатимизда янги парламент — Олий Мажлиснинг иш бошлагани сиёсий ва демократик ислоҳот йўлидаги катта воқеа бўлди. Олий Мажлиснинг республика Президенти ваколат муддатини икки мингичи йилгача узайтириш бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги қарорига биноан юртимизда умумхалқ сўрови ўтказилди. Бу улкан сиёсий воқеа халқнинг республика Президенти Ислом Каримов юритаётган сиёсатга муносабатини яна бир қарра намойиш этди. Халқ хоҳиш-иродаси билан Ислом Каримовнинг президентлик ваколати икки




мингинчи йилгача узайтирилди. Шу тариқа мамлакатимиз қонун чиқарувчи ва ижро ҳоқимиятларининг ваколат муддати тенглаштирилди, улар фаолиятини янада мувофиқлаштириш имкони туғилди. Энг муҳими, юртимиздаги тинч ва барқарор ҳаёт негизи мустаҳкамланди.


Мамлакатимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар рамзи — умумхалқ байрамлари йил сайин янгича мазмуну мақомда нишонланмоқда. Айниқса, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 50 йиллик тантаналари ўзгача руҳ касб этди. Дунёни фашизм балосидан халос этишга муносиб ҳисса қўшган шавкатли ота-боболаримиз жасоратига олий аҳтиром ифодаси ўлароқ Ватанимиз пойтахти Тошкентда Ғалаба паради ўтказилди. Бу — узбек миллий ўрдусининг (армия) илк ҳарбий кўриги бўлди.

Йигирманчи аср — дунё халқларининг бирлик ва ҳамкорликка интилиш асридир. Бу жаран, айниқса, аср сўнгига кучайди. Жаҳондаги турли мамлакатлар ягона минтақавий манфаатлар асосида иқтисодий, маданий ва маънавий бирлик сари ҳаракат қилмоқда. Бу — умуминсоний тараққиёт тамойили. Бу тамойил бизнинг минтақа — Туркистон заминиди ҳам

тобора устун йўналиш касб этмоқда. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов минтақа мамлакатларининг умумий ва ўхшаш жиҳатлари, халқларимизнинг азалий алоқалари хусусида мудом ифтихор билан гапирди. Президентимиз Олий Мажлис иккинчи сессиясида сўзлаган нутқиди бу мавзуга атрофлича тўхталди. Айниқса, Ислам Каримовнинг “Туркистон — умумий уйимиз” деб номланувчи жамоатчилик ҳаракатини тузиш ва уни минтақа мамлакатлари ва халқларининг муштарак манфаатларини рўйбга чиқаришга хизмат қилдириш ҳақидаги гоялари нафақат юртимиз фуқароларини, балки барча Туркистон фарзандларини тўлқинлантириб юборди. Бинобарин, айни ислохотлар — тузатишлар даврида бир замонлар зўрлик билан вайрон этилган ягона Туркистон хонадонини қайта обод этиш — минтақамиздаги ҳар бир халқ вакилининг орузусидир.

Ишончимиз комил, ана шу соф орзу-интилишлар самараси ўлароқ Туркистон халқлари фаровон кулларга етажак. Яна, бир замонлар бўлгани каби, тўйларимиз тўйларимизга улашиб кетади, иншооллоҳ! Туркистон обод бўлғай, Туркистон нурга тўлғай!





ПОК ЮРАКЛАР НИЯТ ҚИЛСА...

Ўзбекистон халқ шоири Эркин ВОҲИДОВ билан суҳбат

Устоз Эркин Воҳидов билан суҳбат қуриш маслаҳати таҳририятда узоқ вақт давом этди. Биз бўлажак гурунг режасини тузиб утирган, бир маҳаллар “Билимлар уйи” бўлган, ҳозирда Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилиги марказига айлантирилган бино жойлашган куча илгари Сергей Киров номи билан юритиларди. Ҳозирги кунда ушбу кучага Мустафо Камол Отатурк номи берилган. Чап ёнимизда “Турк ҳаво йуллари” авиакомпаниясининг Ўзбекистондаги бўлими, унги томонимизда эса нусха кўчириш корхонаси, сал нарироқда “Онадули” дукони жойлашган. Илгари Карл Маркс тошҳайкалига етакловчи Пролетарская кўчаси эндиликда Мовароуннаҳр деб аталади. У энди Соҳибқирон Амир Темур қошига элтади.

Икки ёндош куча тимсолида қисқа муддатда рўй берган бу узгаришларни истиқлолга эришган юртимиз миқёсига кўчирадиган бўлсак, кўнгилни орзиқтирувчи гоётада маҳобатли манзара намён бўлади. Суҳбатдошимизнинг Ватан истиқлолига бевосита дахлдорлигини инobatга олиб, гапни узоқроқдан бошладик, узр.

Ёдимда, етмишинчи йилларнинг урталарида биз ерда бир шеърий анжуманининг гувоҳи бўлганмиз. У Эркин Воҳидов шеъриятига бағишланган эди. Таниқли рус шоири Евгений Евтушенко жинси шимда чиқиб ҳайқирган, Андрей Вознесенский парижона йусинда зални гулдиратган, шоира Белла Ахмадуллина назокат ила шеърий таманнолар улашган ушбу бино саҳнасида Эркин Воҳидов ҳам бир гал ўзбекона лутфу зарофат ила газаллар уқиган эди. Мана, орадан йигирма йил утибди...

— Муҳтарам Эркин ака! “Тафаккурдан холи сукут — гафлатдир” деган фозиллар ҳикмати-га қийслайдиган бўлсак, шўро замони элу юртимиз учун маълум маънода гафлат замони ҳам эди. Кўп аҳли фикрлар каби Сиз ҳам у йилларнинг сукунати “бузган”, истиқлол гоёлари тараннум этилиши “Ўзбегим”ни ёзиб, ҳам ном қозонган, ҳам таънаю маломатларга қолган, бугунги кунга келиб юксак рутбага эришган арбоб шоирсиз. 1991 йилда ёзилган “Ватан умиди” газалингизда ҳам у йилларнинг изтироблари ифодасини тошган. Узингиз айтмоқчи, бугун Сиз “соҳиби чаман”, яъни озод юртнинг фараздисиз. Шу маънода кўнглингиздан не-

лар кечмоқда, аҳволи руҳингиз қандай, уй-хаёлларингизда нима гаплар?

— Ватани мустақил бўлган, умрлик орауси ушалган ва бунга кўзи билан кўриш бахтига муяссар бўлган киши кўнглидан нелар кечиши мумкин бўлса, менинг ҳам кўнглимда шундай ҳислар бор. Албатта, шукроналик, масъудлик баробарида дилни қийнаган саволлар ҳам йўқ эмас. Лекин, шеърда айтилганидек, бу дунёда армонсиз одам — бечоралар ичра бечора!

Биз мустақилликнинг тўртинчи йилида яшамоқдамиз. Дастлабки ҳаяжонлар босилиб, баланд пардадаги оқиш сузаларнинг мавриди ўтди. Энди Ватан учун меҳнат қилиш, унинг қад кўта-

раётган биносига ҳеч бўлмаса бир гишт қўйишга интилиш даври бошланди.


Орзу қиламанки, келажак авлодлар мустақил Ватанимизнинг тамал тошини қўймоқда бўлган ҳозирги авлодга ҳавас қилажаклар. Уларнинг кўзи билан ўзимизга боқайлик ва сўзимизни, босар қадамимизни шунга кўра белгилайлик.

— Ватан мавзуси шеърларингизда муҳим урин тутади. “Ватандин яхши ёр ўлмас” сатри ҳам Сизнинг қаламингизга мансуб. Айтинг-чи, Ватан нима? Ватани қандай тушунмоқ, тушунтирмоқ керак? Умуман, “Ватани тушунмоқ” деган тушунчанинг ўзи ўринлими?

— “Ватани тушунмоқ” деган тушунча уринли. Лекин, Ватани расмона тушунишни ҳеч кимга раво кўрмас эдим. Гапимга ҳайрон бўлманг. Сиз билан биз Ватан нима эканини расмонасига теран англамаймиз. Илоҳим, англамайлик ҳам. Негаки, Ватан нима эканини Ватандан жудо бўлган ғарибларгина тўлиқ англайди. Инсон сихатликда соғлиқнинг, дўст ёнида дўстнинг, севгили ёр ёнида ёрининг қадрига етмайди. Ақлсизлиги учун эмас, табиатан шундай яралгани учун. Шу боис, Ватан ҳақидаги энг буюк шеърларни Бобур, Фурқат, Машраб каби Ватанга зор бўлган шоирлар битганлар.

— Бир суҳбатингизда “Дунёда энг қийин, мураккаб иш одамлар кўнглига йўл топишдир”, деб айтгансиз. Даламиз ўша, ўру қиримиз ўша, лекин одамлар кўнглини ўн йил аввалги ҳолатда тасаввур қилиш қийин. КўНГИЛ деган юксаклик, муқаддас хилқат ўз рафторини андак ўзгартиргандек, маънавий-рузгорий ташвишларга ўралашиб қолгандекмиз... Кўнгили маърифати, қалб маънавияти ва тарбияси қорин гамию бозор олди-сотдилари олдида чекиниб қолмаяптими?

— Мен ундай деб ўйламайман. Билъакс, адибларимиз, шоирларимиз халқ юрагидаги кечинмаларни топиб айтиптилар, деб ўйлайман. Бозор аввал ҳам бор эди, турмуш ташвишлари бўлган, бор ва ҳеч қачон адо бўлмайди. Одамлар юрагидаги гузалликка муҳтожлик ҳам азалдан мавжуд нарсас. Шу кунда халқнинг улуг шоирларга эҳтиёжи бор. Шундай ёш, навқирон, оташнафас бир шоир пайдо бўлсаю юракларни титратиб нидо қилса! Ҳаёт нима, муҳаббат нима, яшашнинг маъноси не — ҳозирги авлод кўзи билан боқиб бадний таҳлил этса. Ана унда кўринг шеърятга ҳаваснию ишқи-



бозликни! Шоирлик шеър ёзиш эмас, оламни ларзага келтиришдир. Шеъриятга оммавий меҳр-муҳаббатни буюк шоирлар яратади. Буюк шоирларни эса шеърый муҳит беради. Тарихнинг бурилиш нуқталари шеърый муҳит учун энг мувофиқ даврдир. Ҳозир эса биз тарихнинг бурилиш нуқтасидамиз.


— Энди Матмусадан сўзласангиз. У ҳозир нима қилипти? Не юмушлар билан шугулланмоқчи?

— Ҳаёт бор экан, кулги бор, Матмуса бор. Унинг янги ҳангомаларини ёзиш ниятим йўқ эмас. Хуллас, Матмуса туркуми ҳам бир китоб бўлиб қолди.

— Эркин ака, Сиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг раисисиз. Айтинг-чи, давлатлараро борди-келди дегандай, халқаро миқёсда маданий-маърифий муносабатларда нималар қўзда тутилмоқда? Бу алоқалар келажакда қай тарзда, не йўсинда, қандай кўринишда намоён бўлади?

— Жаҳон саҳнида қад кўтарган ҳар бир янги давлат дунёнинг диққат марказида туради. У қандай давлат бўлади тараққиёти қандай тамойилларга асосланади, қайси давлатларга эргашади — жаҳон ҳамжамияти бу жиҳатларни ҳисобга олади. Ўзбекистонимиз илк қадамларидан мустақил ташқи сиёсатини шакллантирмоқда ва дунёда муносиб мавқеини, эътиборини топмоқда. Йчки ва ташқи сиёсатимизнинг бош йўналишлари Президентимиз Исломо Каримов асарларида баён этилган. Қўмитамиз олдидаги вазифа — жаҳон мамлакатлари парламентлари билан алоқани мустаҳкамлаб, Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятига тезроқ кириб боришини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборатдир.

— “Шом” туйғуси, “шом” қайғуси ҳамisha одамзодни ўйлангитириб келган. Халифда “Намоз-шом бўлдию кўнглим бузилди” деган гап бор. “Саъдий насихатномаси”да “Аз субҳ ҳамеша жониб шом равем, 3-огоз ҳамеша сўйи анжом равем”, яъни “Ҳамиша тонгдан шом сари, ибтидодан интиҳо сари борамиз”, дейилади. Биз, таъбир жониз қурилса, XX аср шомини бошдан кечирмоқдамиз. Шоирлар маълум маънода башоратчи ҳамдирлар. Икки мингинчи йилда дунёни, Ўзбекистонни қандай тасаввур қиласиз? Одамзод яна қандай жараёнлар, синволларга рўбару бўлиши мумкин?



— Келинг, “шом”дан гапирмайлик. Ният қилайликки, асримизнинг сўнги йиллари яхшилик билан ўтсин ва келгуси аср тонги бизга кўп ёруелиklar, бахт-саодатлар келтирсин. Шоирларни башоратчи, дедингиз. Балки шундайдир. Лекин, менинг назаримда, шоирларда башоратдан кўпроқ ният бўлади. Ният бўлганда ҳам кучли ният бўлади. Пок юракнинг астойдил нияти эса Хизр алай-ҳиссаломнинг дуоларига тенгдир. Инсон боласи гофил. Эртага не бўлади — билмайди. Фақат пок ҳаётига инсонни билгич қилади, сезгир қилади. Илоҳим, барча яхши ниятларимиз йўлдошимиз бўлсин!

*Бўлинг, Эркин, донмо эзу ҳаёлга ошно.
Пок эса ният, сени олижаноб айлаф ҳайл.*

— Қўлуқ, Эркин ака! Энди сўнги саволимиз: охири марта қачон, қанақа шеър ёздингиз? Агар мумкин бўлса, ўшани журналхонларимизга тўхфа қилсангиз...

— Агар чоғиштириб ўрганилса, ўзбек тили дунёнинг энг бой тилларидан бўлиб чиқишига ишонаман. Негаки, мен тушунчага эга бўлган тиллар орасида ўзбек тиличалик маънодош сўзлари кўп тил йўқдир. Аския санъати халқ ичида кенг ёйилган юрт ҳам ягона Ўзбекистондир. Унинг бойлигига сабаб, юртимиз тарихан қарвон йўлларида жойлашган бўлиб, туркий, форсий, арабий сўзлар мудом аралаш ишлатилган ва тилимиз барчасини ўзига сингдирган. Сизга тақдим этаётганим бу газал тилимиз бойлигини намойиш қилиш йўлидаги бир уринишдир.



СЎЗЛАР ЧАМАНИ



(Ҳа шаклу бир маъно)

Сенга Оллоҳ, ёр, танифим
Чирой, кўрқу жамол бермиш,
Чирой, кўрқу жамолни
Менга орзу, уй, хаёл бермиш.
Жафо бирлан вафо иффа
Жаҳону олуну олам
Сену менга етуклик,
Сарбаландлик, камол бермиш.
Сени кўрмишди айну ташму кўз
Шуш, хоб, маномида,
Лабини, лагзини, дудонини
Бу на дафъ, деб савол бермиш.
Кўлини, дастини, ядинида
Май, шароб, соғар тугтиб масруф,
Лисонини, тил, Забониниким,
Асал, шахд ила бол бермиш.
Ўзини, васлу дийдоринида етмоқ,
Ғар насиб эрмас,
Менга тақдир, менга ўзмиш,
Менга рўзи Завол бермиш.
Сенга Эркин назал битмишки,
Шарт — уй шаклу бир маъно,
Дарий, туркий, аробинида
Сухан, сўзу мақол бермиш.



Сирожиддин САЙИД
суҳбатлашди.



Азамат ЗИЁ

БИР МАКОН ИЧРА ЮЗ ОЧГАН ЖАҲОН



Бу кунга қадар жуғрофий маъно касб этиб келган “Овруосиё” тушунчаси дафъатан сиёсий тус ола бошлади. Бу ҳол кейинги йилларда шу улкан ҳудудда кечган буюк тарихий ўзгаришлар билан боғлиқ, албатта. 1991 йилнинг иккинчи ярмида нафақат Овруосиё, балки бутун жаҳон тарихида ўзига хос ўрин тутиб келган Россия империясининг (коммунистлар даврида у СССР номи билан машҳур эди) парчаланиш жараёни ниҳоясига етди. Натижада дунё харитасида яна ўн тўрт мустақил давлат пайдо бўлди. Адолат юзасидан шуни қайд этиш лозимки, улардан баъзилари тарихан мустақил давлатини қайтадан тиклашга эришган бўлса (масалан, Ўзбекистон), айримлари эса империя даврида амалга оширилган маъмурий чегаралаш туфайли шаклланган “иттифоқдош республика — давлат” мақомидан фойдаланиб, илк бор ўз миллий давлатига асос солди.

Империянинг парчаланиш жараёни нечоғлиқ қийин кечган бўлса, ундан сўнгра юзага келган “постимперия” — Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДҲ) маконидаги сиёсий, иқтисодий, маданий муносабатлар тарзи ҳам шу қадар мураккаб тус олди ва бу ҳол то ҳануз давом этмоқда. Бу мураккабликнинг камида икки асосий жиҳати мавжуд. Биринчи жиҳат — мустақил давлатларнинг бундан буёнги тараққиёт йўли қандай кечади? Иккинчиси — “постимперия”, ҳозирги МДҲ маконидаги ўзаро сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлар жараёнининг бугуни ва келажаги қандай бўлади? Бу икки жиҳат ўзаро чамбарчас боғлиқ. Бу боғлиқликни коммунистик мустамлакачи тузумнинг жуда узоқни кўзлаб-сиёсат юритгани асосида тушунмоқ керак. Кичик бир мисол. Советлар даврида ўзбек пахтаси олис Болтиқбуйи республикаларига қайта ишлаш учун жўнатилар эди. Кейин у тайёр

махсулот шаклида яна Ўзбекистонга келтирилди. Ақли расолик нуқтаи назаридан хомашё шу ернинг ўзида ишланиши лозим эди. Аммо бу йўлдан борилганда тузумнинг асосий ўзаги — империячилик мазмунига зарба етарди. Зеро, йил-ўн икки ой далада юриб, тузукроқ ўрта маълумот олишга ҳам улгурмаган деҳқон сиёсий ва маданий савия жиҳатидан олий таълим ё малака эгаси бўлмиш муҳандис, уста ва ишчидан анча орқада бўлиши турган гап. Сиёсий-маданий онгнинг ўсиши эса ҳар доим миллий онг ва миллий гуруҳ юксалишига сабаб бўлиб келган. Мустамлакачи тузум учун, табиийки, миллий онг шаклланиши ва юксалишидан кўра хатарлироқ хавф йўқ. Қолаверса, бир республика иқтисодиётининг бошқа республика хомашё захирасига боғлиқлиги ва бир қарашда унча кўзга ташланавермайдиган иплар билан боғлаб ташлангани ҳам “марказ”нинг ўзига хос ижоди эди.


Воқеликка гайримантиқий ёндашиш одати, афсуски, собиқ иттифоқ республикаларининг айримларида ҳануз давом этмоқда. Бу ҳолни бугунги кунда зўр бериб илгари сурилайётган “Овруосиё иттифоқи” масаласида ҳам кўришимиз мумкин. Овруосиё иттифоқи ғояси “постимперия” — ҳозирги МДҲ маконининг истиқболдаги яшаш шакли сифатида таклиф этилаётган экан, уни мазкур маконнинг тарихий йўли, унинг дунё тараққиётида тутажақ сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий-маънавий ўрни каби масалалар доирасида тасаввур этиб кўриш зарур.

Шундай қилиб, таҳлилни “постимперия” — МДҲ макони тарихидан (бундан буён уни қисқа қилиб “макон” деб юртамиз) бошлаймиз. Аёнки, бу макон Фин қўлтигидан Япон денгизигача, Беринг бўғозидан Шарқий Карпат тоғларигача, Шимолий Муз океанидан Копетдоғ тизмаси ва Аракс дарёсигача бўлган улкан ҳудудни қамраб олади.

Гапни милоддан аввалги дастлабки минг йилликнинг иккинчи ярмидан бошлаб, асосий ургуни сиёсий тарих масаласига қаратамиз. Демак, 2500 йил муқаддам мазкур маконнинг бугун Марказий Осиё деб аталаётган минтақасида-

гина давлатчилик асослари қарор топган эди. (Буюк Хоразм, Бақтрия давлат бирликлари ўзбек давлатчилигининг ибтидосидир.) Бошқа ерларда ҳали давлатчилик шаклланмаган эди. Милоддан аввалги, тахминан, III асрларда Буюк Арман подшоҳлиги, илк Гуржистон (Иберия) подшоҳликлари юзага келди. Янги милод бошларида эса ҳозирги Озарбойжон ҳудудида Кавказ Албанияси номли машҳур давлат бирлиги қарор топди. Макон сиёсий тараққиётидаги аҳвол юз йиллардан кейин ҳам, масалан, VI асрда ҳам ўзгармади ҳисоб. Бу асрда Марказий Осиё давлатчилиги янада равнақ топиб, у Қора денгиздан то Тинч океанигача бўлган ҳудудда, яъни деярли биз ҳозир назарда тутаётган маконда фаолият кўрсатар эди. Бу даврда Турк хоқонлиги дунёнинг энг қудратли давлатларидан бири ҳисобланиб, Шарққа Хитой, Жанубда Эрон, Ғарбда Византия сингари мамлакатлар унинг йўриги билан иш тутарди. Кавказорти халқлари эса Эрон ва Византия қарамлигида эди. Рус тадқиқотчиларининг шаҳодат беришича, славян халқлари VI асрда Висла ва Дунай оралигидаги ҳудудларда жамоауруғчилик тузумининг сўнги босқичида ҳаёт кечирган экан. Мазкур ҳудудга ҳозирги Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Руминия, Ғарбий Украина каби ўлкалар эгаллаб турган минтақа тўғри келишини назарда тутсақ, бу вақтда славянлар биз назарда тутаётган маконга деярли алоқадор бўлмаган. Славянларнинг Шарққа қараб силжиши VII асрда Византия ва Аварлар хоқонлиги таъкиби туфайли юз берган. Шунинг натижасида славянлар Ока дарёсининг ўрта оқимигача бўлган ерларга (Москвадан жанубда) бориб ўрнашди. Улар, асосан, маҳаллий аҳолиси кам бўлган овлоқ жойларни эгаллаб борган.

Энди яна беш юз йил илгарилаб, X—XI асрларга назар ташлайлик. Бу вақтда Арманистон ва Озарбойжон ҳудудлари вақтинча мустақилликдан сўнг яна қарамликка тушиб қолади. Гуржистон маҳаллий сулоалар қўлида эди. Бу асрларда славянлар тарихида ҳам буюк ўзгаришлар юз берди: 882 йилда Новгород князи Олег Киевни ишғол этиб, уни



Истиқлол Мансомлари

пойтахтига айлантирди. Шу боис, бу давр рус давлатчилигига асос солинган йил деб ҳисобланади. Айнан ўша вақтда Рус давлати Днепр урта оқими, Припят, Десна воҳаларидан иборат эди. Маконнинг қолган ерларида илгаригидек туркий сулолалар ҳукмронлик қиларди. Милодий биринчи минг йилликка яқун ясаб, уни фан ва маданият тараққиёти нуқтаи назаридан баҳолайдиган бўлсак, худди шу асрларда Марказий Осиё инсоният тарихидаги илк Уйғониш даврини бошдан кечиради эди. Тараққиётда энг юксак чўққига эришишни аңглатадиган Уйғониш даври тарихда яна Ғарбий Овруро мамлакатларига насиб қилган. Аммо у ерда бу жараён ярим минг йилдан кейингина, шунда ҳам Марказий Осиёдаги юксалиш таъсирида юзага келганини эслатиб утмоқ лозим.

XIII асрда бутун макон чингизийлар асоратига тушади. XIV асрнинг сўнгги чорагида эса босқинчилар зулмига узил-кесил чек қўйилади. Бу халоскорлик ҳам Марказий Осиё давлатчилиги, хусусан, буюк соҳиби салтанат Амир Темур номи билан боғлиқ. Мазкур ҳудудда жойлашган Рус давлати эса анча кечроқ — XV аср охирига келиб истибоддан қутулди. Гарчи барча рус тарихчилари ҳам тан олавермаса-да, халоскорликда ҳазрат Амир Темур беқиёс урин тутган.

XVI аср, айниқса, XVII асрдан бошлаб маконнинг сиёсий тарихида янги йўналиш яққол кўзга ташлана бошлади. Бу йўналиш Рус давлатининг тарихий жугрофий чегараларига қаноат қилмай, Жанубий ва Шарқий ўлкалар сари ҳарбий-босқинчилик сиёсати юрита бориши ва унинг Россия империясига айланиши билан изоҳланади.

Бу даврда, яъни XVI асрда, кечагина Рус давлатини тобе этиб келган Олтин Ўрда сиёсий кучлари ўзаро сулолавий, бугунги кун таъбири билан айтганда, фирқавий келишмовчиликлар оқибатида бир талай хонликларга бўлиниб қолган эди. Бўлинганни бури ер деганларидек, 1552 йилда Қозон хонлиги (Ўрта Волга — Итил буйлари), 1556 йилда Астрахан (Аштархон, Ҳожитархон) хонлиги (Қуйи Волга — Итил буйлари) Россия истибодига тушиб қолди. Натижада

Итидан Иртиш дарёсигача бўлган ҳудудда фаолият кўрсатаётган Нуғой Урдаси ҳам янги империяга бўйин эгди. XVI аср охирида рус қўшини Шимолий Кавказга қадам қўйди; Шарқда эса машҳур шайбонийлар сулоласидан бўлмиш Кучумхон бошқариб турган Сибир хонлигига тажовуз қилиб, кўп қаршиликлардан сўнг, XVII аср бошларида бу ўлкани ҳам эгаллади. Шу тариқа Ғарбий Сибир Россия асоратида қолди. Шарқий Сибир ҳам худди шу асрда забт этилган. 1725 йилда Россия расман империя деб эълон қилинди.

1726 йилда ҳозирги Шарқий Туркистоннинг шимоли ва Мўғулистоннинг гарбида қарор топган Жунгор хонлиги таъсиридан чўчиган Кичик Жуз қозоқлари хони Абулхайр Россияга мурожаат қилиб, тебелликка олишни сўрайди. Адолат юзасидан айтиш керакки, Абулхайрхон давр шарт-шароити, давлати имконияти ва манфаатлари доирасида иш тутади. Бу иш қозоқлар учун шамолдан қочиб бўронга тугилишдек бир гап эканини у тасаввур ҳам қилмайди, албатта. Хуллас, Кичик Жуздан сўнг Ўрта Жуз, XIX аср ўрталарига келиб эса Катта Жумда маҳаллий ҳокимият тугатилиб, Россия ҳукмронлиги ўрнатилади. Кавказорти масаласига келсак, XIX асрнинг биринчи ярмидаёқ унинг аксар қисми Россия тасарруфига ўтган эди.

Қисқаси, XIX асрнинг 60-йилларида бугунги Жанубий Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистоннинг бир қисми, Туркманстон (Тожикистондан ташқари) — маконнинг деярли барча ҳудудини Россия ҳарбий-сиёсий йўл билан забт этиб бўлган эди. Рус давлатининг ўлкамизга қизиқиши Пётр Биринчи давридаёқ бошланган. Худди шу даврда Россиянинг Шарқу Жануб йўналишидаги давлат стратегияси шакланган эди, десак хато бўлмайди. Александр Пушкин “Пётр тарихи” асарида бундай деб ёзади: “Савдо-сотиғимиз равнақи учун Ҳиндистонга йўл топиш фикри унинг (яъни, Пётрнинг — А. З.) даҳолигига яраша эди”.

Курииб турганидек, мақсад олдиндан аниқ белгиланган: Ҳинд океанига, яъни жанубий чегараларга етиб бориш

ва то шу сарҳадгача бўлган ерларнинг иқтисодий, табиий ва бошқа имкониятларидан Рус давлати манфаатида фойдаланиш. Хуллас, XVIII аср бошларидаёқ Россиянинг минтақамизга нисбатан стратегия ва тактикаси шаклланиб бўлган ҳисоб. Кейинги даврларда эса у амалга оширилди, холос.

XX аср бусағасида бутун макон бўйлаб Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилди.

ган халқлар учун миллий ва давлат мустақилликлари йўлида курашга шароит яратиб берди ҳамда 1991 йили империянинг бирламчи парчаланиш жараёнига муқаддима ясади. Натижада, қарам республикалар давлат мустақилликларини қўлга киритди. Маконда вужудга келган реал сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароит ҳамда халқаро муносабатлар назарда тутилиб, мустақил давлатлардан ўн иккитаси, жумладан, Россия



МДҲ давлат бошлиқлари. Ашхабод, 1994 йил.

1917 йилги давлат тўнтаришидан сўнг миллий зулм, мустамлака сиёсати исканжасида яшаб келган тобе ўлкалар бошига коммунистик мафкура ва тоталитар тузум балоси ёғилди. Бу жараён то 80-йиллар урталаригача давом этди. Ҳар томондан нураб бораётгани маълум бўлган империяни мустаҳкамлаш мақсадида бошланган “Перестройка” ҳаракати амалда мустамлака ва коммунистик-тоталитар сиёсатдан эзилиб кел-

иштирокида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тузилди. Тақдир тақозоси билан Россия давлати жуғрофий жиҳатдан XVIII аср биринчи ярмида эгаллаган мавқеига тушиб қолди.

Демак, маконнинг ўтган 2500 йиллик тарихига шунчаки ташланган назар қуйидаги хулосаларни асослаш имконини яратади:

1. Макондаги энг қадимги маданият учоқлари — Марказий Осиё ва Кавказ-

орти улкаларидир. Ҳар қандай жамиятнинг маданий тараққиёт даражасини баҳолашда муҳим омил булган давлатчилик асослари Марказий Осиёда камида 2500 йил муқаддам, Кавказортида 2200 йил бурун, славян давлатлари, хусусан, Россияда 1100 йил илгари қарор топган.

2. То XVI аср урталарига қадар, яъни дастлабки 2000 йилдан зиёд вақт мобайнида маконнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, халқро муносабатлари жараёни, асосан, азалдан шу ҳудудда яшаган туркий халқлар ва улар орасидан чиққан сулолалар фаолияти билан боғлиқ бўлган.

3. Маконнинг Марказий Осиё ҳудудида ҳукм сурган давлатлари ва бир қадар Кавказорти улкалари азалдан табиий, иқтисодий, маданий, жугрофий шарт-шароитлари ва имкониятлари асосида ривожланган бўлса, Россия давлати тараққиётида ҳам Шарқ, ҳам Ғарб мамлакатларининг маданий таъсири катта бўлган. Бу ҳол маълум маънода Россиянинг ички имкониятлари салмоғини пасайтириб юборди ва юзага келган бўшлиқ, етишмовчиликни ташқи имкониятлар ҳисобига тўлдириш тамойилини кучайтирди.

4. XVI—XVII асрларда юксалиш йўлига кирган Россия давлати сиёсий ва иқтисодий мақсадларни кўзлаб, ўзга юртларни босиб олиш сиёсатида муҳим аҳамият бера бошлади. Натижада сўнгги уч юз йил ичида Фин кўрфазидан то Тинч океанигача булган улкан ҳудудни тасарруфига олишга муваффақ бўлди. Аммо, иккинчи томондан, тараққиётни ташқи омиллар ҳисобига ҳал қилишга мослашган ижтимоий-сиёсий қараш, иқтисодий сиёсат пировардида мамлакат раванқини ўша омилларга боғлиқ қилиб қўйди, ички имкониятлардан фойдаланиш тажрибаси ва анъанасининг шаклланишига путур етказди.

5. 1991 йилда мавҳум Совет Иттифоқи эмас, амалда Россия империяси парчаланди. Чунки у миллий зулм, мустамакчилик ва коммунистик мустабидчилик асосига қурилган эди.

6. 1991 йилдан кейин маконда вужудга келган вазият — марказга қарам рес-

публикалар ўрнида мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши ўтган 2500 йиллик даврда шаклланган қонуниятлар, анъаналар, қарашлар, истиснолар, қарама-қаршиликлар билан муайян даражада боғлиқдир. Маконнинг бундан кейинги тақдири ҳозирда мавжуд ва юзага келиши мумкин булган бир талай омилларга биноан белгиланади.

Юқорида таъкидланганидек, макон бирлиги турли даврларда турфа омиллар асосида ҳар хил шаклларда кечган. Масалан, Турк хоқонлиги ва теурийлар даврида сиёсий бирлашув тарихий-маданий муштараклик, яхлитлик, яқинлик чегарасида эди ҳисоб. Аксинча, чингизийлар салтанати ва Россия империяси бегона тарихий-маданий макон ҳисобига барпо этилди. Бугун эса макон бирлигининг янгича мазмун ва шакли—Оврусиё таклиф этилмоқда. Табиий савол туғилади: эндиги “бирлашиш” аслида зарурми, зарур бўлса нимага зарур? Бирлашиш шу қадар муҳим экан, тўрт йил аввал нега эски “Иттифоқ” тарқаб кетди?

Баъзилар “Иттифоқ”нинг парчаланишига Россия, Украина ва Беларус раҳбарлари Беловежда имзолаган битимни асосий сабаб деб кўрсатадилар. Ҳақиқатга зид бундай тахминлар замирида аслида бошқа мақсад бор, яъни: “Иттифоқ” маконда истиқомат қилувчи халқлар хоҳишига қарши ўлароқ, уч республика президенти қарори билан тарқатиб юборилган, улар халқдан бесуроқ бундай ишга қўл урган, шу боис, бу битим қонун кучига эга эмас, деган фикрни оммага сингдириш. Шу гапнинг мантиқий давоми ўлароқ мақсад — “Иттифоқ”ни яна уч-тўрт раҳбар иштирокида “тиклаш” учун зарурий ижтимоий фикрни шакллантириш. Ваҳоланки, бу “Иттифоқ” моҳият-эътибори жиҳатдан қандай сиёсий ташкилот эканини юқорида кўрдик. Иккинчи томондан, агар Ўзбекистон мисолида фикр юритадиган бўлсак, халқимиз 1991 йил 31 августда узининг олий ваколатли идораси — Олий Кенгаши ва умумхалқ овози билан сайланган президенти сиймосида давлат мустақиллигини эълон қилди ва бундан буён ҳеч бир сиёсий “Иттифоқ”

билан алоқамиз йўқлигини бутун жаҳон биледи. Бошқа собиқ “Иттифоқ” республикалари ҳам мустақилликларини эълон қилиб, ўз тараққиёт йўлини танлаган. Гапнинг лундаси шуки, 1991 йилнинг кузига бориб “Иттифоқ” масаласи аллақачон ҳал бўлган эди. Беловеж учрашуви эса уша йилнинг сўнгида ўтказилди ва таъбир жоиз бўлса, бор-йўғи “Иттифоқ”нинг ўлими ҳақидаги “ЗАГС қоғози”ни қоралаб берди, холос.

Халқ нечоғлиқ онгли ва фаол бўлмасин, унга ҳар доим зукко йулбошчи раҳбар ва йўналтирувчи куч зарур. Агар раҳбар куч халқ иродаси асосида фаолият юритса, салоҳиятли бўлса, тарихни яхши англаб, келажакни аниқ кўра билса, унга тақдирини ишониб топширган халқ ютқазмайди. Ўзбекистон раҳбарияти, халқининг фидойи фарзандлари сифатида, юртимиз тутқунликда яшашини истамди, халқ эса, қарамликдан қутулиб, озодликка чиқишни хоҳлар эди. Демак, мустақиллик масаласида халқ ҳам, раҳбарият ҳам аввал-бошданоқ яқдил эди. Шу боис, биз озодликка эришдик. Агар раҳбарият ва халқнинг хоҳиш-иродаси бошқа-бошқа бўлганида борми, мустақиллик қуруқ гап бўлиб қолаверарди.

“Иттифоқ” парчаланишини фақат маҳаллий сиёсий кучлар, “янги президентлар” билан боғлашнинг яна бир гаразли томони бор. Унинг моҳияти шундаки, “Иттифоқ”нинг тарқаб кетишида сиёсий арбобларгина ҳал қилувчи ўрин тутиб, халқ бепарқ бўлган экан, нима учун энди яна маҳаллий сиёсатчилар кучидан фойдаланиб, “Иттифоқ”-ни тиклаш мумкин эмас қабилдаги таклифни кун тартибига қўйиш. Бунинг учун “Иттифоқ”ни ёқловчи президентлар раҳбарлик курсисига ўтқазилса бас... Қуриб турганимиздек, “Иттифоқ” тарафдорларининг бу даъволари ҳам гаразлидир.

Президентимиз Ислам Каримов бир нутқида бундай деган эди: “Иттифоқнинг сўнги ўн йили давомида “марказ”, фақат пахта ва олтинни ҳисоблаганда, Ўзбекистондан 15 миллиард доллар қийматга тенг бойликни олиб кетган”.

Юртбошимиз мазкур рақамни келтира туриб, мана бундай ҳақли савол берган эди: “Хўш, ана шу 15 миллиард доллар эвазига “марказ” Ўзбекистонга нима берди?” Дарҳақиқат, “марказ” бизга нима берди? У бойликларимиз эвазига хўрлик ва зулм ўтказди, халқни алдаб, хонавайрон қилди, холос. Шуми тенглик? Ахир, оила тенглик асосида қурилади-ку?!

Бугунги иқтисодий қийинчиликларни “Иттифоқ”нинг парчаланиши билан боғлаш нотўғри. Аксинча, биз шу “Иттифоқ” даврида юритилган иқтисодий сиёсатнинг аччиқ меваларини татишмоқдамиз.

Совет Иттифоқи табиий бойликлари, бир талай беҳудуд минтақаларни эгаллагани, жуғрофий жойлашуви нуқтаи назаридан дунёдаги энг қулай ва устун макон ҳисобланарди. Лекин, шунга қарамай, унинг халқни мудом етишмовчилик ва танқисликда, умумий қашшоқликда яшаб келди.

Биз ўтмишда фан ва маданият соҳасида эришган муваффақиятларимиз, буюк алломаларимиз ҳақида ифтихор билан гапирамиз-у, бир нарсага кўп ҳам эътибор беравермаймиз: иқтисоди заиф улқадан ҳаргиз бу қадар кўп аллома, мутафаккир етишиб чиқмайди. Зеро, юксак илм ва маданият самарадор иқтисодиётга асосланади. Демак, биз Россия империяси истибдодига тушганимизча иқтисодиётни юритиш илмини яхши билганмиз, халқимиз ҳам бошқалардан кам яшамаган. Хўш, бунга қандай эришилган? Ўлкамизда азалдан бозор иқтисодиёти муносабатлари ҳукмрон бўлган.

Одатда, иккита омил тўлиқ амал қилгандагина тўқчилик ва фаровонликка эришилади. Биринчиси — қазимла бойликлар, деҳқончилик, ҳунармандчилик маҳсулотлари ва савдо йўлларига ўзимиз эгаллик қилсак; иккинчиси — иқтисодиётга оқилона ёндашилса. “Иттифоқ” даврида ўзбеклар ўз юртида бегона эди. Нафақат қазимла бойликлару ишлаб чиқарилган ва етиштирилган маҳсулотга, балки тилимиз, динимиз, фикримизга ҳам ўзгалар хўжайин эди. Пахтакорларимиз минг машаққат билан етиштирган ҳосилни икки қўллаб “марказ”га топши-

рар эдик. Олтин конларидан олинаётган бойлик миқдорини ҳатто республика раҳбарияти ҳам билолмасди.

Бугун иқтисодиётга табиий ва тарихий қонуниятга зид ҳолда ёндашиш азобини тортяпмиз. Шу боис, энди ҳеч қандай сиёсий иттифоқ бизга ёрдам беролмайди. Фақат мустақиллик шароитида бозор иқтисодиётига хос азалий анъаналаримизни замонавий талаблар ва тажрибалар билан бойитиш воситасидагина биз яна тўқ ва фаровон ҳаётга эришишимиз мумкин.

Айрим эски давр талабгорлари “Янги пайдо бўлган давлатларни бугун биров билмайди”, деб сафсата сотади. Ватанимиз мисолида айтадиган бўлсак, авваламбор, ўзбек давлатчилиги, юқорида таъкидлаганимиздек, 2500 йил муқаддам қарор топган. Иккинчидан, худди шу “Иттифоқ” даврида биз жаҳон юзини кўролмай, дунёга унут бўлдик. Энди эса олам бизни бошқатдан танимоқда; тарихимизни, илму фан, маданият тараққиётига қўшган мислсиз ҳиссамизни эсламоқда. Бугунга қадар юздан зиёд мамлакат билан сиёсий-дипломатик алоқалар ўрнатдик. БМТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, улар таркибида фаолият юрита бошладик.

Шундай қилиб, биз таҳлил этилаётган маконни сиёсий асосда қайта бирлаштириш илнжида рўкач қилинаётган “далил”лар замирида аслида не гаплар ётгани ва уларнинг асосиз эканини кўрдик. Маконни сиёсий жиҳатдан бирлаштиришнинг номақбуллигини унда ҳукм сураётган бугунги сиёсий вазият ҳам исботлайди. Маконнинг замонавий сиёсий манзарасига хос асосий жиҳатлар қуйидагилардан иборат дейилса бўлади: сиёсий мустақил тараққиёт йўли; демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидаги савий-ҳаракатлар; собиқ “Иттифоқ” ё Россия империясини тиклаш сиёсати.

Овруосиё иттифоқи гоёсига юқоридаги тарихий таҳлил, “Иттифоқ” парчаланишининг асл сабаблари ва худди ана шу уч жиҳат асосида ҳам баҳо бериш лозим. Шу боис, “Овруосиё” гоёси нечоғлиқ эзгу ният ифодаси бўлмасин,

у барибир, охир-оқибатда боёги учинчи жиҳат — иттифоқ-империяни тиклаш сиёсатига хизмат қилади ёки шу тариқа унга яқинроқ туради. Зеро, бу гоё биринчи жиҳат — мустақил тараққиёт йўлига зид. Ҳеч бир замонда бирон бир давлат мустақиллиги эвазига қандайдир мавҳум бир сиёсий иттифоқ таркибига кирмаган. Тўғри, тарихда турли иттифоқлар бўлган. Аммо улар аъзо давлатларнинг сиёсий мустақиллигини сақлаш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган. Биз эса ҳозир гоёт кам учрайдиган ҳолатдамыз: мустақиллигимизни сақлаш учун сиёсий мақсадга қаратилган ҳар қандай иттифоққа аъзо бўлишдан тийилишимизга тўғри келади. Биз “Овруосиё” ё шунга ўхшаш давлатлар уюшмаси пировардида барибир сиёсий мақом касб этишига ишора қилмоқдамиз. Бунинг сабаблари қуйидагича: биринчидан, ягона сиёсий макон хусусидаги гоё ва таклиф муаллифлари унинг иқтисодий (майли, сиёсий ва бошқа жиҳатларини қўятурайлик) афзалликлари қандай ва улар нималарда акс этади — лоақал назарий бўлсин, исботлаб бергани йўқ. Бунинг уддасидан чиқолмайдилар ҳам. Нимага? Сабабини оддий бир мисол билан тушунтира қолайлик. Аввал бўлиб юборилган Олмониянинг қандай бирлашганини эсланг. 80-йилларнинг иккинчи ярмида, таъбир жоиз бўлса, икки олмон давлати иттифоқи юзага келди. Лекин шу билан шарқий олмонлар — собиқ ГДР аҳолисининг иқтисодий аҳволи яхшиланиб қолгани йўқ. Аксинча, олмон сиёсатчи ва мутахассисларининг таъкидлашича, шарқий ҳудудни ҳар тарафдан гарбий қисмга яқинлаштириш, тенглаштириш учун талай муддат ўтиши, миллиард-миллиард маблағ сарфлаш ва оқилона иқтисодий сиёсат юргизиш талаб этилади. Мазкур вазифа ягона тарих ва маданиятга эга яхлит халқ ҳаётида, мамлакатнинг тенг ярми юксак тараққиёт мақомида турган шароитда, дунёнинг энг юксак саноат ва тараққиёт минтақасининг қоқ ўртасида амалга оширилаётганини назарда тутиб, биз таҳлил этаётган макон имкониятлари ва тараққиётга эътибор берайлик. Бу макон-

даги халқларнинг тарихий-маданий йўли ҳар хил кечган, иқтисодий имкониятлари ҳам бирдек эмас, мамлакатлардаги сиёсий вазият ва бошқариш шакли ҳам турлича ва ҳоказо.

Макондаги ҳар бир мустақил республика демократик-ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлидан бораётгани барчага



Ислом КАРИМОВ: "Биз азалдан буюк Турон — Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта қуёш нур сочади, бир булоқ ва дарёдан сув ичамиз".

Нурсултон НАЗАРБОЕВ: "Биз азалдан ризқ-рўзи бир халқмиз. Тарихимиз бир, тилмиз бир, динимиз бир. Ўзбек ҳам, қozoқ ҳам болалигидан бошлаб "Ал-поминш" дostonи билан танишади, икки халқ уни ўзининг рўҳий мероси ҳисоблайди".

маълум, Шу билан бирга, улардаги сиёсий стратегия, миллий манфаат, бошқарув бир хил эмас. Аммо, юзаки қараганда, худди мана шу жиҳат — демократик-ҳуқуқий жамият барпо этиш мақсади давлатлар яқинлашуви ва бирлашувига зарур асос бўлиши мумкин-дай. Бироқ, афсуски, бу борада ҳам биз турфа хилмиз. Зеро, демократия қадриятларини англаш, изоҳлаш, уларга риоя этиш маконнинг турли қисмларида турлича. Аслида шундай бўлиши ҳам табиий. Сабаби — юқорида таъкидланган тарихий-маданий тараққиёт, миллий онг ва дунёқараш ҳамда иқтисодий имкониятларда ҳам фарқ бор. Чунки, бизнинг назаримизда, бугунги умумтушунчадаги амалий демократия — дунёнинг нисбатан катта бўлмаган қисмида, яъни Америка, Оврупо ва яна баъзи минтақалардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий муносабатлардан

ташкил топган турмуш тарзининг инъикосидир. Бизнинг макондаги аксари демократия тарафдорлари ана шу инъикосни (асосни эмас) жорий этишни демократиянинг амалий ифодаси деб тушунади. Бошқа бир тоифа эса ундан ўзининг қабих ниятларини амалга оширишда фойдаланмоқчи булади (масалан, ультра-шовинистлар, салтанатпарастлар). Яна бир гуруҳ борки, улар демократия қадрияти ва имкониятларидан геополитик сиёсатни юритишда фойдаланишга интилади. Демак, реал шароитда, ҳатто энг демократик йўллар билан яқинлашилган тақдирда ҳам, бу жараён сиёсийлашиб кетмаслигига кафолат йўқ. Бу масалани янада теранроқ ҳис этиш учун юқорида қайд этилган жиҳатнинг сўнггисини асослаб кўрайлик.

Маълумки, Россия ҳарбий, иқтисодий, ҳудудий, демографик имкониятлар нуқтаи назаридан маконнинг бошқа давлатларидан устун. Бугунги шароитда бирлашишнинг ҳар қандай шакли ушбу омилни инкор этолмайди. Боз устига, худди шу ҳақиқатдан наҳот излаган Россиянинг бир тоифа сиёсатчилари эски "Иттифоқ" ни тиклаш мақсадида юргани ҳам сир эмас. Демак, узаро яқинлашув жараёни муайян бир шаклда ривожлиб боради экан, давлатлараро турли соҳалардаги чегаралар ҳам йўқолиб боради. Бу ҳол империяни тиклаш ғояларини тарқатиб, уни амалга ошириш чораларини куриш имкониятини ҳам кенгайтириб юборади. Айримлар, салтанатпарастлар, советпарастлар — асл Россия дегани эмас, бу мамлакатда чин демократ, умуминсоний қарашлар устунлигини эътироф этувчи инсонлар ҳам бор-ку, деб эътироз билдириши мумкин. Аммо қуйидаги уч мулоҳаза кишини барибир эҳтиёткорликка ундайди.

Биринчи мулоҳаза. Салтанатпарастлик, шовинистик қарашлар неча асрлар мобайнида Россиядаги ижтимоий онгнинг таркибий қисми бўлиб келган ва уни бутунлай йўқотиш, ҳеч бўлмаганда, амалий таъсирини кесиб учун узоқ муддат ва катта саъй-ҳаракат талаб этилади. Бу ўринда гап фақат Владимир Жи-

риновский хусусида эмас, аксинча, унинг қарашларига ишониб, унинг партияси сафини тўлдириб, унинг тарафдорлари давлат идораларида фаолият кўрсатишини истаётган миллионлаб кишилар ҳақидадир.

Иккинчи мулоҳаза. Маълумки, Владимир Жириновский бошқа халқлар ва давлатларга нисбатан айтган ҳақоратомуз сўзлари учун бирор марта қонуний жавобгарликка тортилмади. Бошқача айтганда, бирон бир давлат бошқа давлатларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларини асосий қонунларида расман қайд этдими, бас, унга риоя қилиши зарур. Россия ҳукумати ҳозирча Владимир Жириновский қарашлари хусусида бир нарса дегани йўқ. Аксинча, унга давлат телевидениесидан фойдаланишга имконият яратиб беради. Демак, Жириновский ва унинг партияси кимларгадир керак...

Учинчи мулоҳаза. Салтанатпарастлик гоёларига Россия демократларининг муносабати қандай? Бу давлат демократларининг пири саналмиш Александр Сахаров совет тузумига қарши фидокорона курашиб, собиқ СССРда умуминсоний демократик қадриятлар барқарор бўлиши йўлида заҳматлар чеккани барчага аён. Лекин, шунга қарамай, бу муҳтарам зот ҳаргиз СССР таркибидаги республикаларга озодлик, мустақиллик бериш хусусида гапиргани маълум эмас. Аксинча, у кишининг Оврупо ва Осиё давлатлари иттифоқи конституциясини таклиф қилгани эсимизда. (Балки бугунги “Овруосиё иттифоқи” гоёси шу ташаббуснинг давомидир?) Бошқача айтганда, Сахаров ҳам “иттифоқдош республикалар” келажагини уларнинг сиёсий уюшмасисиз тасаввур этолмаган ва бу “бирлик”нинг ўтмиш тарихини инкор этган. Энди, мустабид коммунистик тузум таъқибига учраб йигирма йил ватанидан йироқда, демократиянинг “киндиги” — Америкада яшаган машҳур рус ёзувчиси Александр Солженициннинг қўшни республикаларга муносабатини эслайлик. Унга қолса, ҳеч уйлаб утирмай Қозоғистонни Россияга қўшиб юборса!..

Шундай қилиб, масаланинг сиёсий жиҳатини таҳлил қилар эканмиз, қуйидаги хулосага келамиз: бугунги шароитда 1991 йилдан сўнг маконда юзага келган миллий-сиёсий мустақиллик жараёнини инкор этиб, уни сунъий тарзда барча республикалар учун умумий тузилмаларга эга бўлган “иттифоқ” қа тортиш охир-оқибатда сиёсий натижа билан тугаши — янги мустақил давлатлар истиқлолдан маҳрум бўлиши шубҳасиз.

Макондаги бугунги иқтисодий аҳвол ҳақида гап кетса, авваламбор қуйидаги масалага ойдинлик киритиш зарур бўлади: МДХ аъзоларининг бугунги кундаги иқтисодий салоҳият ва имкониятлари бир хилми? Бир хил эмас. Яна бир гап: МДХ мамлакатлари ҳар бирининг ички иқтисодий муаммоларини ҳал этиш бўйича танлаган йўллари бир хилми? Йўқ. Масалан, Россия бозор муносабатларига утишни “шок терапия” дан бошлади. Ўзбекистон эса аввал-бошданок босқичма-босқичлик — янгисини қурмай, эскисини бузмаслик йўлини танлади. Грузия, Молдова, Арманистон, Озарбойжон, Тожикистон каби давлатлар ҳар турли ихтилофлар сабаб ҳарбий иқтисод усулини қўллашга мажбур бўлди. Қирғизистон Республикаси эса ташқи омилларга боғланиб қолди. Қозоғистон узига хос шарт-шароити тақозосига кўра, юқорида айтилган барча йўл ва усуллар тажрибасидан фойдаланди. Беларус ва айниқса Украина Республикаси сиёсат ва иқтисод муштарақлигини ҳисобга олиб иш бошлади. Бугунга келиб бу мамлакатлар ўртасида энг мақбул сиёсат ислохотларни ортиқча ларзаларсиз, босқичма-босқич амалга ошириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўли экани маълум бўлиб, кўпчилик шуни тан олаётган бўлса-да, аммо 1991 йилда бошланган мустақиллик жараёни ва ҳар бир давлат иқтисодидаги номуаносиб ўзгаришлар бизни бир-биримиздан бирмунча узоқлаштирди. Бошқача айтганда, МДХ давлатлари иқтисодий ҳолати ва имкониятларига кўра, 1991 йилда ҳозиргига нисбатан бир-бирига анча яқин эди. Буни мана бу маълумотлар

мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозирда макондаги айрим давлатлар миллий валютаси барқарор бўлиб турганда (масалан, Ўзбекистонники), бошқа миллий пулларнинг қадри тушиб бормоқда (масалан, Россия, Украина, Грузия, Арманистон ва бошқа мамлакатларники). Баъзи давлатлар (масалан, Ўзбекистон, Туркменистон) кредитор (қарз берувчи), яна баъзилари қарз олувчи, қарздор (масалан, Украина, Грузия, Россия, Қирғизистон каби давлатлар). Бир хил мамлакатлар қазилма бойликларга сероб, бошқаларида эса у тақчил. Ҳамдўстлик давлатларида инфраструктура ҳам турлича. Қисқаси, иқтисодий муаммоларимиз ва уларни бартараф этишдаги интилишларимиз бир бўлган тақдирда ҳам амалдаги фаолият имкониятларимиз ҳар хиллиги кўриниб турибди. Биз МДҲ доирасидаги иқтисодий интеграцияга асло қарши эмасмиз. Аксинча, биз шундай иттифоқ тарафдори ўлароқ, бу жараён ҳар бир мамлакат имкониятлари даражасида босқичма-босқич амалга ошишини хоҳлаймиз. Марказий Осиё иқтисодий иттифоқи бунга мисол бўла олади. Бу иттифоқ макон ичра янги бир жаҳоннинг юз очиши бўлди. Аммо, кўриниб турибдики, бу жараён Марказий Осиёда ҳам осон кечаётгани йўқ. Бу минтақа халқларининг тарих ва маданияти, урф-одати ҳамда дунёқарашини не қадар яқин бўлмасин, мустабид коммунистик тузум қиларини қилди — бугунги беш давлат тақдирида маълум таъсирини қолдирди. Буни инкор этолмаймиз. Шу боис ҳам ўзаро яқинлашув жараёнининг босқичма-босқичли, рационал-прагматик йўли танланди. Ҳозирча бу жараёнда Тожикистон, Туркменистон каби давлатлар иштироки кўнгиладигдек эмас. Лекин, нега шундай бўляпти, деб ҳеч ким айюҳаннос солаётгани йўқ. Чунки биз бу ҳолат сабабларини тўғри тушунамиз ва қолаверса, минтақамиздаги давлатларнинг ўзаро алоқалари қайси шаклда бўлишидан қатъи назар, ихтиёрийлик асосида кечиши тарафдоримиз. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон республикалари ўртасида амал қилаётган иқтисодий иттифоқ бошқа минтақалар эти-

борини ҳам тортмоқда. Болтиқбуйи мамлакатлари бизнинг бу тажрибага катта қизиқиш билан қараётгани фикримиз исботидир. Энг жаабланарлиси (тушунарлилиги эмас) шундаки, макондаги ўзаро алоқа — интеграцияни тезлаштириш тарафдорлари Марказий Осиё тажрибасини нафақат инкор этмоқда, балки унга қандайдир бир шубҳа билан ҳам қарамоқда. Улар: “Бутун дунё яқинлашяпти, бирлашяпти, биз эса ўз миллий кватираларимизга биқиниб оляпмиз”, деб айюҳаннос солади.

Адашмасак, “Оврупо уйи” гоёси XIX аср урталарида кун тартибига қўйилган. Демак, гоё юзага келишидан то у амалий ифода шаклига киргунича, яъни шу кунларга қадар бир ярим аср вақт керак бўлди. Бу гоё Иккинчи жаҳон урушидан кейингина амалий ифода йўлига кирди ва рационал, ўзаро ишонч усуллари мавжуд шароитда кечди, вақт синовидан ўтди. Шу ўринда қизиқ бир савол туғилиши мумкин: хўш, мазкур жараёнда Оврупо давлатларининг иштироки қандай бўлди? Бу саволга жавоб бериш учун гоёни амалга оширишда асосий ўрин тутган Оврупо Иқтисодий Ҳамжамияти — умумий бозор маконининг пайдо бўлиши ва ривожлана боришига назар ташлаш кифоя. Бу иқтисодий ташкилот дастлаб 1957 йили Римда, Франция, ГФР, Италия, Бельгия, Голландия, Люксембург давлатлари иштирокида ташкил этилган. Маълумки, бу даврда Оврупода “социалистик лагер” мамлакатлари ва яна йигирмага яқин капиталистик давлатлар бор эди. Чунончи, Англия, Австрия, Швейцария, Швеция, Ирландия, Испания ва бошқа мамлакатлар. Мазкур ҳамжамиятга Англия, Дания, Ирландия 1973 йилда, яъни ун олти йилдан сунг; Греция 1981 йилда; Испания, Португалия эса 1986 йилда аъзо бўлган. Демак, “Оврупо уйи” осмондан тушган ёки уйлаб топилган нарса эмас, мураккаб ва давомли жараён натижаси экан. Иқтисодий интеграция нечоғлиқ масъулиятли ва узоқ муддатли жараён эканини шундан ҳам билиб олса бўладики, илгари “социалистик лагер”га мансуб бўлган Шарқий Оврупо давлатлари учун бугун бу “уй” га

кириш осон кечаётгани йўқ. Зеро, бунинг ҳам ўзига яраша талаб ва қоидалари бор. Ҳамжамият аъзоси бўламан деган давлат ўз ички ҳаётини шу ташкилот шартларига мослаши керак. Бу эса гоёт оғир жараён. Афтидан, худди шу ҳақиқатни Болтиқбўйи мамлакатлари яхши тушуниб олган. Шу боис улар Марказий Осиё иқтисодий иттифоқи тажрибасига катта қизиқиш билан қарамоқда.

“Овруосиё” гоёси макондаги маданий-маънавий вазиятга нечоғлиқ мос тушади? Биз бир халқ маданият ва маънавиятини бошқасидан устун қўймоқчи эмасмиз. Аммо ҳар бир халқ тарихи, маданияти ва маънавий йўлига эга ва худди шу нарса унинг миллий ўзига хослигини шакллантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини эслатиб ўтмоқчимиз, холос.


Овруосиё иттифоқи тарафдорлари кўпинча макон халқларининг ўн йиллар, юз йиллар давомида кечган маданий-маънавий ҳамкорлигини бирлашув негизларидан бири сифатида кўрсатади. Бу бир томондан тўғри. Масалан, бизнинг халқимиз минг йиллар мобайнида кўпгина халқлар билан маданий алоқа қилиб келган. Бу анъана ҳануз давом этмоқда. Зеро, бу одат умуман инсониятга хосдир. Аммо инсон, халқ иззат-ҳурматини ўрнига қўядиган, тарихи ва маданиятини қадрлайдиган, келажагига ҳасад билан қарамайдиган инсон ва халқлар билангина яқиндан маданий-маънавий муносабатда бўлишга интилади. Аммо биз бир юзу ўттиз йиллик мустамлака даврида бунинг тамоман аксини кўрдик. Буюк давлат арбобларимиз қораланди, тарихий обидаларимиз, маънавий масканларимиз топталди, миллий ёзувимиздан айрилдик, тилимиз таҳқирланди... Эндиликда ижтимоий-сиёсий вазият ўзгарди. Лекин, макон воқелигида салтанатпарастлик, шовинистик қарашлар, бошқаларни менсимаслик кайфияти ҳали ҳам кучли.

Маконнинг халқаро миқёсдаги бугунги аҳамияти қандай? Гарчи 1991 йилдан кейин бу ҳудуддаги ижтимоий-сиёсий

вазият ўзгарган бўлса-да, аммо унинг иқтисодий манзараси аввалгича қолди. Гарчи дунё ҳамдўстликдаги мустақил давлатларни тан олган бўлса-да, лекин, унга боғлиқ бўлмаган тарзда, бу мамлакатларга нисбатан янги мўлжал ва муносабат юзага келди. Бошқача айтганда, илгариги Шарқ—Гарб муносабатлари геополитикаси ўрнини Шимол ва Жануб геополитикаси эгаллади. Аммо Марказий Осиё шароитида, фикримизча, ҳам эски, ҳам янги геополитик йўналишлар воқелиги мавжуд. Куриб турганимиздек, бу масалада ҳам макон яхлит йўналишга эга эмас. Яъни, Марказий Осиё мамлакатлари бояги кутблардан ҳеч бирига мансуб бўлмагани ҳолда маконнинг бошқа ҳудудлари ўзида бир кутбни мужассамлаштириши ва ҳатто бошқа биронта кутб билан келиши ҳам мумкин... Масалан, Болтиқбўйи, Украина, Грузия каби мамлакатлар кўпроқ Гарб тажрибасига таяниб ривожланиши табиий. Россия ҳам бундан мустасно эмас. Шу билан бирга, Россия Украина, Грузия ва ҳатто Польша каби мамлакатлар Гарбнинг таъсирига тушиб, НАТОга аъзо бўлишини ҳам хоҳламайди. Энг муҳими, халқаро ҳамжамият маконини янги асосда сиёсий иттифоққа бирлашувини истамайди.

Шундай қилиб, биз “Овруосиё” гоёси воқеликка нечоғлиқ мос ёки мос эмаслигини кўриб чиқдик. Онгли равишда гоёни эмас, у жорий қилиниши мўлжалланаётган маконни ҳам тарих, ҳам замон нуқтаи назаридан таҳлил этишга уриндик. Зеро, ҳар қандай гоё маълум бир макон ва замонда ўз амалий ифодасини топади.

Демак, бугунги МДҲ маконидаги давлатлараро интеграция босқичма-босқич амалга ошиши керак. Бу жараённинг асосий сиёсий шarti шундаки, у давлатимиз мустақиллигига зиён етказмаслиги, аксинча, уни мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим; унинг бош иқтисодий шarti эса ҳар бир давлатнинг иқтисодий аҳволи яхшиланишидан иборат. Муҳим маданий-маънавий шarti қуйидагича: ҳар бир халқ миллий ўзлигини сақлаб қолиши зарур.



Анвар Зиё

ОИМА — ВАТАН РАМЗИ

Дунёдаги жамики мавжудот ўз муҳитини такомиллаштириб, тараққиёти учун қулай шароит яратиш пайди бўлади. Яъни борлиқдаги барча соҳиб — субъектларда рақобат ҳисси мавжуд. Масалан, ўрмон ўзига мос табиий иқлим яратиб, ривожига замин ҳозирлайди. Сахро водийларни домига тортиб, борлиққа ҳукмини ўтказмоқчи бўлади. Бу хусусият инсонларга ҳам хос.

Жамиятдаги ҳар бир тоифа тирикчилигини ўнглаш, турмушини яхшилаш учун ўзига раво кўрган қонун-қоидалар доирасида саъй-ҳаракат қилади.

Ҳар бир соҳибга хос рақобат иккинчи соҳиб рақобати билан, улар ўртасидаги тортишув ва кураш билан чегараланади. Бу — табиат қонуни. Шундай чегараланиш бўлмаса, бир тоифадаги соҳибнинг йўқолиши иккинчи тоифа соҳибнинг беҳад кучайиб кетишига сабаб бўлади. Оқибатда ғолиб тоифа ўзини ўзи йўқ қилиши ёхуд яшаш шароитини ўзгартириши мумкин. Бу эса, табиийки, бошқа тоифа манфаатига таъсир этади.

Масалан, бир замонлар йирлик ҳайвонларнинг камайиши ўтхўр жониворларнинг жадат кўпайишига туртки бўлган. Натижада ўсимликлар олами, яъни ўтхўрлар яшаётган муҳит бузилган. Худди шунингдек, жамиятда ҳам рақобат муҳити билан чегараланмаган ҳужалик соҳаси иқтисодни инқирозга дучор этиши ҳеч гап эмас.

Рақобатнинг давлатлар миқёсида тарқалган шакллари ҳам мавжуд. Булар — қуролли кучлар, сиёсат, иқтисод, маънавият. Уларнинг ҳар бири ҳам ўтмишда турли мақсадларда қўлланган ва дунё тараққиётига таъсир қилган. Ўрта асрларда энг самарали тажовузкорлик — урушлар эди. Кейинча, капитализмнинг илк босқичида у сиёсат шаклини олди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тажовуз ва таъсир ўтказишда иқтисод етакчилик қилди. Энди маънавият ҳал қилувчи воситалардан бирига айланиб бормоқда.

МАЪНАВИЯТЛАР ТОРТИШУВИ

Мамлакатлар ўртасида уруш-жанжалнинг камайиши ўзаро рақобатнинг сусайганини билдирмайди, албатта. Фақат, тортишувлар энди муҳим соҳа — маънавият доирасига кўчган, холос. Жамиятнинг энг нуфузли тоифаси урушлар даврида ҳарбийлар, кейинча, "совуқ уруш"лар замида дипломатлар бўлган бўлса, бугун "шоҳсура"дан матбуот ходимлари, мафкура тарғиботчилари жой олди.

Бугун жаҳон ҳамжамияти маъқуллаб турмаса, ҳеч бир мамлакат мақсадини ўзича рўёбга чиқаролмайди. Шу боис, ҳар бир давлат тараққиёт йўлини умумжаҳон қоидалари билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилади. Кимники жаҳон ҳамжамияти қўллаб-қувватласа, унинг мақсадга етиши анча осонлашади. Бундай мадад ҳар қандай ҳарбий ва иқтисодий ёрдамдан афзалроқдир. Унга сазовор бўлиш учун эса давлат ижобий тимсоли, фозиллик даражасини кўрсата билиши, фозиллик рақобатига дош бера олиши керак. Биз ана шундай замонда яшаймиз. Демак, биз — жаҳонда кечаётган маънавий тортишув қатнашчиларимиз.

Ҳозир республикамиз уйғониш босқини бошдан кечиряпти. Мамлакатимизда бир сиёсий тизим ўрнини иккинчиси эгаллаяпти. Иқтисодий ислоҳотлар жадаллашгани сари маънавиятга эҳтиёж ортиб борапти.

Республика матбуоти Президентимиз юригаётган сиёсатни маъқуллаб, изчил ёритиб борапти.

Аммо фикр ва гоёга ижобий ёндашиб, чуқурлаштириш, уларнинг ҳаёт билан диалектик алоқасини кўрсатиш, айрим мумаммо ва қарашларга аниқлик киритиб, ички моҳиятини ёритишда саёзлик сезилмоқда. Матбуотда одатий ибора, сийқа сўзларни қўллаш ҳануз давом этаётгандек... Эҳтимол шундандир, республикамиз ҳаётига хориждаги ахборот воситалари гоҳи-гоҳида беҳуда тазовулар қилмоқда. Айниқса, Россиянинг "демократик" матбуоти бизнинг минтақада ўзларига қулай тизимни тарғиб қилиш борасида фаол иш юритяпти.

Фикрни фақат фикр билан енгиш мумкин. Шундай экан, фикр тортишувида юксак савияли матбуот, маънавият, мафкура ходимлари жавлон уриши лозим.

МИЛЛИЙ ПЛАРАКҚИЁТ

Мафкура — соддароқ қилиб айтсак, онг билан борлиқ орасидаги муносабатдир. Лекин бу муносабатни ҳар ким ҳар хил тушунади.

Америкача турмуш тарзи ташвиқоти замирида фуқароларга яратилган шароитни оламга кўз-кўз қилиш, ўзига маҳлиёлик, ўзидан масрурлик ҳисси яширин. Агар японларнинг ҳаёт ва ишлаб чиқариш тарғиботига назар ташласак, у кўргазмали қурол билан ўтказилаётган ташвиқот эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Барча тараққий топган мамлакатларда бўлганидек, бизда ҳам энди фойда (даромад), фойдали меҳнат фақат моддий неъматларда ифодаланиб қолмай, ақл-фаро-

сат, билим, ташкилотчилик каби моддий бойлик яратмайдиган фаолият турларида ҳам акс этишини англашимиз лозим. Энди меҳнатга қараб ҳақ белгилангандан меҳнат натижаларига биноан рағбатлантириш усулига ўтиш фурсати ҳам етди. Ислоҳот шунга тақозо этади.

Билим ва билимдонлик моҳиятан маҳсулот сифатини оширишга, сарф-харажатни камайитиришга хизмат қилади. Эски тузумда қўлланиб келган нарх-навоҳи белгилаш (чегаралаш) усули эса харажатни ошириб кўрсатишга йўналтирилган эди. Бугун шартномавий нархлар ҳам харажатларга қараб белгиланяпти. Шу боис, ишлаб чиқариш ўз ҳолича, фан-техника

ўз ҳолича ривожланаётгандек. Бу ному-таносиблик йўқотилмагунча жамиятда билимга ташналик юзага келмайди. Билимдон, саводхон, малакали мутахассис ўзини савдога, олдди-сотди ишига уриб кетаверади. Ёки илгаригидек ижодкорликдан пурт ўйқолади.

Шунинг учун мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида нарх, фойда эркинлаштирилиб, билимдонликка, ташаббусга, ақл-фаросатга кенг йўл очилапти. Миллий тараққиёт пойдевори мустаҳкамланаяпти.

Энди жамиятимизда ҳукм сураётган дунёқарашнинг бойлик ва камбағалликка муносабатини кўрсак.

Халқ онгида ҳам, коммунистик мафкурада ҳам бойларга салбий, камбағалга ижобий муносабат билдириб келинди. Синчиклаб қарасак, бундай дунёқараш маълум даврда Ғарб дунёсида ҳам бўлганини кўрамиз. Хўш, бунинг сабаби нимада?

Сабаб шуки, меъёрлаш тақсимоти ҳукм сурган, бошқарув марказлаштирилган жамиятда ночор-ногиронлар ҳаётини таъминлаш асосий эътиборга тушиб, қобилиятли ва идрокли кишиларни салоҳиятига муносиб тарзда тақдирлаш имконияти қидирилмаган. Бундай тузумда ҳалол ва фидойи, бор куч-қувватини жамиятга сарф этган, шахсий манфаатини камроқ ўйлаган инсон камбағаллигича қолаверган ва ҳалол ҳам хокисор одам тимсолига айланган.

Камбағалнинг жамиятга келтирган нафи, айтилик, 80 фоиз, бойники эса 20 фоиз. Бундай қаралса, камбағал жамиятга кўпроқ хизмат қилган. Аммо, бу хизматни миқдор нуқтаи назаридан баҳоласак, бойдан тушган 20 фоиз фойда бир неча миллион бўлиб, камбағалликдан анча салмоқли. Шахсий манфаатни кўзлаган инсон жамиятга лозим даражада фойда келтирмаган, лекин бойиган. Жамият эса нисбатан кам фойда келтиргани учун ундан мудом норози. Шу боис, ижтимоий онда жонни жабборга бериб ишлаб, фақирона кун кечириб олижаноблик, шахсий манфаат йўлида бойлик орттириш эса — хасислик деган ақида қатъий ўрнашиб қолган.

Мақсадимиз — бозор иқтисодиёти воси-

тасида ишлаб чиқаришни юксалтириш. Бозор муҳитида ҳар бир инсон (фуқаро) меҳнат ва маҳсулотини талаб ва таклиф доирасида моддий неъматга айирбошлайди. Шу тариқа у фаолияти ҳолисона баҳоланишига эришади, меҳнати ва ижодининг жамиятга нечоғлиқ зарурлигига қараб тақдирланади.

Адолатли мол айирбошлаш шароитида фуқаро жамиятга қанча фойда келтирса, ўзи ҳам шунча бойийди. Оқибатда бой ва камбағаллик ҳақидаги ижтимоий тасаввур ўзгаради. Рақобатли муҳитда ақл-фаросатли, билимли инсон хор бўлмайди. Бозор муносабатлари фидойилик билан манфаатдорликни, жамият манфаати билан шахс манфаатини уйғунлаштиради.

Маънавиятнинг шаклланиши ва ривож олатда уч таркибий бўғинда намоён бўлади. Мафкура кўринишидаги биринчи бўғин — маълумот, ахборот тўплаш, асосан сўз, мулоҳаза, ибрат, гоя ва назариялар даражасида ифодаланади. Инсон маънавий мерос билан танишади ва уни ўзлаштиради, янгиликни дунёқарашига сингдиради. Бу — ишонч бўғинидир.

Иккинчи бўғин — инсонга ёшлигидан сингган маданий қарашлар, ахлоқий қадриятлар, анъаналар, диний-руҳий туйғу. Бу бўғинда у оиласи, уруғ-аймоғи, миллати билан бирлигини ҳис этади, қалбида миллий гурур, ватанпарварлик, ватан туйғуси шаклланади. Бу бўғин — иймон бўғини. Шу боис, ҳадиси шарифда “Ватанни севмоқ иймондандир” деб уқтирилади.

Учинчи бўғин билим, ижодий изланиш, фаҳм-фаросат билан ифодаланади. У тафаккуримизда маърифат, дунёвий маънавият тимсолида намоён бўлади. Буюк алломаларимиз қудрати ана шу дунёвий маънавиятни илоҳий маънавият билан узвийликда камолга етказганида бўлса керак.

Агар биринчи бўғин янгиликларни қабул қилиш, иккинчиси қадриятларга, аждодлар руҳига таяниш бўлса, учинчи бўғин — янгиликларнинг ижодий равнақидир. У аждодлар меросига ҳақиқий ворис бўлиб, уларни давом эттириш, ижодий ривожлантиришни назарда тутаяди.



МАФКУРАМИЗ АСОСЛАРИ

Халқимиз азалдан оила камолига юксак эътибор бериб келади. Уй қурсам, тўй қилсам, орзуларим ушалса, дейди ҳар бир юртдошимиз. Ҳеч қайси миллатда оила биздагичалик муқаддас эмасдир десак, муболага бўлмас. Муслмончилик ўзбекларнинг қатъий эътиқодига айланганининг асл сабаби — динимиз билан дунёвий мақсадимизнинг муштарақ эканида. Шу боис, миллий истиқлол мафкураси ушбу мақсадга мос бўлиши лозим. Бу йўналишда республикамызда кўп ишлар амалга ошириляпти. Аммо ҳали рўёбга чиқарилмагани ҳам талайгина.

Иқтисодиёт жабҳасида оила пудрати, оилавий корхона, фермер хўжалиги сингари хўжалик юритиш шакллари яхши самара бермоқда. Лекин ҳали оилавий бригада, звенолар унча удумга киргани йўқ. Алоҳида ҳисоб-китоб рақамига эга оилавий хўжаликлар негизида жамоа, ширкат ёки уюшмалар ташкил этиш ҳам ҳали кўнгилдагидек йўлга қўйилган эмас.

Бизда Фарбагаддек эр-хотин ёки ёш фарзандларнинг ҳисоб-китоби алоҳида-алоҳида бўлмаган. Маҳсулот етказиш, даромадни

жамлаш, неъматлар тақсимоли бизда умумий. Шундай экан, оила даромадининг бўлиниб кетишини, унинг ҳар бир аъзоси алоҳида даромадгир бўлишини билиб-билмай тарғиб қилиш унча мақсадга мувофиқ эмас. Шу сабаб, собиқ Иттифоқ мафкураси таъсирида яратилган айрим ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгаришлар киритилса, айни муддао бўлур эди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти даврида оила самарадорлик ва барқарорлик муҳассамига, миллий тараққиёт манбаига, ижтимоий ҳимоя объектига айланади.

Мафкура борасидаги энг нозик масала — маънавиятдир. У — инсон қалби, фикр-заковати, дунёқарashi, қадр-қиммати мезонидир. Мафкура инсоннинг кўнгил торларига таъсир ўтказа олгандагина қудратли кучга айланади.

Коммунистик мафкурани халқимиз тўла қабул қилмаган. Лекин у маънавий асорат қолдирди. Бу асорат туйфайли жамиятимизда боқимандалик, ҳасадгўйлик, айғоқчилик каби қусурлар тамоман барҳам топган эмас.

Етмиш йил ҳукм юргизган тузум билим, ақл-заковатни мутлақо қадрламас эди. Яхшиямки, халқимизнинг генофонди — палаги тоза. Яхшиямки, истиқлол бўлиб, миллий ўзлгимизни англаш, маданиятимиз равақи ва миллий қадриятларни камол топтиришга кенг йўл очилди. Ўзбекона одоб-андишани сақлаб қола олдик. Энди бу неъматларни янада бойитиш миллий истиқлол мафкурасининг асосий вазифаси бўлади.

“Ўтган кулар” романининг қахрамони Отабекни халқимиз нега хуш кўради? Негаки, унинг суюклиси — Қумуши бор. Унинг Қумушга, оилага меҳри фазилатини янада орттиради. Юсуфбек ҳожидек донишманд отага ҳурмат, Ўзбекиоимдек қуйинчак онага эҳтиром Отабек шахсини юксалтиради. Унинг ватанпарварлиги қандайдир мавҳумлик ёки бўшлиқдан иборат эмас, унда оила — кичик ватан деган туйғу устун.

Ўзбеклар сиёсатда ҳам миллий анъанага эга. Суғориладиган ерда деҳқончилик билан шуғулланиш, бир томондан, халқимизни ўз уйим — ўлан тўшагим деган ақида билан яшашга, яъни ўз уйи, қишлоғи, юртининг ташвишида умр кечиришга ўргатган бўлса, иккинчи томондан, бу ақида тинчлик, барқарорликни энг катта бойлик деб билиш ва қадрлаш ҳиссини шакллантирган. Негаки, суғориш учун сув маҳалла ёхуд қишлоқ ичидан ўтадиган ягона ариқдан олинади. Тўғон ва бошқа сув иншоотлари эса умумий. Бундай шароитда беҳуда жанжал ариқнинг бузилишига ва охир-оқибат умумий зиёнга сабаб бўлади. Шу боис, ота-бобомиз ҳар тонг юртимизда тинчлик, хонадонимизда осойишталик бўлсин, орамиздан меҳр-оқибат кўтарилмасин, деб дуога қўл очган. Президент Ислом Каримов юритаётган тинчлик ва тотувлик сиёсати ҳам халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ғоятда мос тушмоқда.

АҚШда ҳар бир фуқаро алоҳида шахс ҳисобланади. Бунинг боиси шундаки, Овруполдан турли сабаблар билан келиб қолган кишилар тўпланган. Бошида уларнинг ҳар бири алоҳида бир дунё бўлиб, бир-бирига изн бермас, умумий қондаларни тан олмас эди. Ўрғада талайгина жанжал-тўполонлар юз берди. Охир-оқи-

батда “робинзонлар” ўзаро келишиб, барчанинг манфаатига мос жамият тузиш ҳаракатига тушди. Энди бу жамият ўзини демократия тимсоли деб ҳисоблайди.

Оврупода ҳуқуқий шахс деган тушунча алоҳида фуқаро тимсолида анча кейин пайдо бўлди. Энди эса бу минтақада ҳам шахс баъзан алоҳида фуқаро, баъзан оила кўринишида намоён бўляпти.

Бизда оилавий ҳамжиҳатлик азалдан мавжуд. Биз ўғил уйлантириб, кейинчалик бўлак қиламиз — қозон-товоғи, топш-тутиши алоҳида бўлади. Янги оила юзага келади.

Давлатимиз пойдевори мана шундай алоҳида ҳисоб-китобига эга бўлган, ижтимоий ҳимояга олинган, тарбия ўчоғи ҳисобланадиган, осойишталиги таъминланган, жамият олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун ва қондаларга асосланган оила эканини биз ҳам жаҳонга кўрсатишимиз керак. Бу — энг олий қадриятимиз, келажакки буюк давлатимизнинг моддий ва маънавий негизи эканини чуқур англашимиз зарур. Оила, шахс ва давлат ўртасидаги конституциявий муносабатларни тарғиб қилишимиз, уларни далиллар асосида ёритиб беришимиз керак.

Шахснинг хос табиати, истеъдоди, фаоллиги ва халқига ҳурмати оила эркинлиги билан мутаносиб равишда содир бўлади. Агар биз оилага маънавий-моддий ва ҳуқуқий имкониятлар яратишни мафкурамизга асос қилиб олсак, энг муҳими, оилани тағин ҳам ҳар томонлама қўлласак, мақсадга эришиш осонлашади. Шунда ташқаридан уюштирилаётган маънавий қўпоровчиликка дош берадиган эътиқодга, улардан устунроқ маънавий кўролга эга бўлаемиз.

Вақт ўтиб, инсон юксак чўққиларни эгаллагани сари ақли, тажрибаси ҳам ортиб боради. Гап ана шу ақлу тажрибани жамлаб, амалиётда қўллай олишда. Шу боис, энди мафкура курашида оддий ҳаваскор сифатида эмас, ҳақиқий малака соҳиби бўлиб қатнашсак, маънавиятлар олишувида ғолиб чиқишимиз, ота-боболаримиз асрлар бўйи асраб-авайлаб келган қадриятларни, ғоя ва фикрларни дунёга кўз-кўз этишимиз шубҳасиз.

Саъдулла ОТАМУРОДОВ
Журақул БАҲРОНОВ

НАЖОТ – МАЪРИФАТДА

Ватанинг тараққиёти, қомил инсоннинг вояга етиши, шубҳасиз, маърифат воситасида амалга ошади. Маърифат эса, шоир Абдулла Орипов таъкидлаганидек, “ўз-ўзини ва бошқаларни танишдан бошланади”.

Профессор Бегали Қосимов бундай ёзади: “Биз жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган ва қўшиб келаётган маърифатли миллат эканимизни унутдик. Тўғрироғи, онгимиздан сиқиб чиқардилар, урнига аскарликка қизиқмайдиган, техникага ўқувсиз, тил билишга яроқсиз бир миллат сифатида ўзимизни ўзимизга танитмоққа уриндилар... Оқибатда, миллатнинг энг яхши хусусиятлари, анъаналари йўқолиб борди... Шу тариқа миллатнинг ўзлигини маҳв этиш жараёни бошланди”.

Тадқиқотчилар эътирофича, босқинчилар халқни забун этиш учун, аввало, таълим-тарбияни миллий заминдан узоқлаштириб, бизга маорифнинг гарбона усуллариини тақдим қилган.

Шу боис, истиқлол маънавий жабҳада энг аввал таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, бир суз билан айтганда, миллий маърифат тармоғини вужудга келтириш вазифасини қўйди. Зеро, миллий маърифат — ҳар бир халқни инсоний баркамоллик ва умумбашарий тараққиёт сари элтадиган йўлдир.

Республикамиз Президенти Ислам Каримов “Таълим Ўзбекистон халқи маънавиятига яратувчилик фаоллигини бахш этади”, деганида мутлақо ҳақ эди. Бугун мамлакатимизда халқ таълими давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Республика Олий Кенгагининг 1992 йил 2 июлда қабул қилган Таълим тўғрисидаги қонуни таълим-тарбиянинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаб, миллий маърифат


жабҳасига кенг имкониятлар очиб берди.

Бугун бу мавзудаги баҳс-мунозаралар бирмунча аниқ йўналиш олиб, миллий таълим-тарбия тизими лойиҳаси шаклланиб қолаётир.

Биз бу масалада мазмуннинг бирламчи, шаклнинг иккиламчи эканини назарда тутиб, эндиги мактаб-маорифимиз шарқоналик ва замонавийлик касб этишига қаратилган тақлифларни қўллаб-қувватлаймиз. Айни пайтда шарқоналикнинг ҳам, замонавийликнинг ҳам мазмун ва шакл жиҳатлари мавжудлигини, улардан биринчиси ўта муҳимлигини назарда тутамиз.

Масалан, шарқоналик деганда (мазмун жиҳатдан), аввало, ҳар қандай ҳолатда ҳам инсоний қадр-қимматни юксак тутувчи, демакки, ахлоқ-одоб, жамият, табиатга муносабат, илм-маърифат бобида фидойи шахсларни тарбиялаш, сўнгра миллиятни чуқур англовчи, халқнинг тили, руҳи, феъл-атвори ва анъаналарига онгли равишда амал қилувчи, тарихий-этник илдизларини пухта билган, бинобарин, миллатдошларининг ўтмиши, бугуни ва истиқболдан фахрлана оладиган инсонларни етиштириш кўзда тутилади.

Шарқоналикнинг шаклий жиҳати хусусида шунини айтиш лозимки, у қўзланган мақсадга эришиш воситалари, бинобарин, давр ва тараққиёт суръатига қараб ўзгара бориши табиий. Демак, таълим-тарбия масканларининг сиртқи (меъморий) кўриниши, синфхоналарнинг жиҳозланиши, ўқувчилар уст-боши ҳам миллий ёхуд шарқона бўлиши зарурлигини ҳадеб таъкидлайвериш тўғрима. Шарқона мазмунидаги таълим-тарбия онг ва дунёқарашини шакллантиргани сари келгуси авлод унинг шаклий жиҳатдан уйғунлиги масаласини ҳам теранроқ тушуниб олаверади.



Гүзалларнинг иъзаллардан фарқи бордир...

Замонавийлик деганда эса (мазмун жиҳатидан), аввало, Ватанга меҳр-муҳаббатни унинг иқтисодий-сиёсий, ижтимоий-маданий, фан-техникавий тараққиётига ҳисса қўшиш деб тушунадиган, унинг жаҳон ҳам-жамиятидаги ўрнини мустаҳкамлашга интиладиган, дунё халқлари эришган ютуқ ва тараққиётга маҳлиё бўлиб қолмай, уларнинг бор ижобий жиҳатларини ўзлаштиришга уринадиган шахсни камол топтириш қўзда тутилади.

Аммо, замонавийликнинг мазмуни шарқоналик тамойилига асло соя солмаслиги, аксинча, ундан озиқланиши зарур. Ахир, саудиялик арабларда мактаб биносининг ташқи кўриниши ёки узун кийим-бош ўқувчининг компьютер билан ишлашига монелик қилмайди, худди шунингдек, туркларнинг бирмунча овруполашган уст-боши шарқона ахлоқ-одобга зид келиб, миллий ўзлигини унутишга сабаб бўлаётгани йўқ.

Тарбияшунос Ф. Мусаев “Оврупо халқларида тарбиянинг мезони нафосат (эстетика), Шарқ халқларида эса, асосан, ахлоқ-одоб (этика) эканини” ўринли таъкидлайди. Тарбиянинг ҳамма жиҳатлари шу мезонлар асосида мақсадга йўналтирилади ва унга бўйсундирилади. Нафосат ва ахлоқ-одоб моҳиятан ўзаро боғлиқ бўлсада, нафосат кўпроқ ташқи кўринишда зоҳир бўлиб, ахлоқ-одоб эса, асосан, мулоқот жараёнида кўзга ташланади. (Буни ҳамма ҳам илғайвермайди.) Шу боис, кўз ўйнатувчи Ғарб нафосати эътибори таҳсинга сазовор бўлавериб, “парда ичидаги” бизнинг миллий ахлоқ-одобимиз қадрланмай келди.

Ана шу боисдан ҳам миллий таълим-тарбия тизимида Ғарб ва Шарқ маданий-маънавий анъаналари, уларнинг ўзаро муносабатлари ва нисбати хусусида ҳаққоний тасаввур берадиган дастурлар шарт ва зарурдир. Зеро, дунё мамлакатлари миллат ва элатларининг одат, расм-русум ва одоб қоидалари бир хил эмас. Бу қоидалар тарихан таркиб топган бўлиб, жой ва иқлим, анъана ва шароит тақозоси билан ўзгариб боради.

Бу борада таниқли рус ёзувчиси Илья Эренбургнинг қуйидаги кузатуви диққатга сазовор: “Хитойда мен биринчи марта расм-русум, урф-одат ва ахлоқ-одоб қои-

далари хусусида бош қотирдим. Нега Осиёнинг одатлари овруполикларни таажжублантиради?.. Японияда оёқ кийимини ечмасдан туриб уйга кириш мумкин эмас, рестороанларда оврупоча костюм ва пайпоқ кийган япон эркеклари полда ўтиради... Веналик корчакон эса, сира иккиланмасдан, бегона аёлга: “Қўлингизни ўпаман”, дейди ва унинг қўлини ўпади...”

Кўринадики, бир халқ, бир миллатга хос анъана бошқа халқ, бошқа миллат учун ёт ёки зид бўлиши ҳам мумкин. Чунончи, хитой ва японларнинг пойабзал билан уйга кирмаслиги, полда ўтиришлари биз — шарқликлар, хусусан, туркийларга жуда мос келади. Ахир, инсон кўча-кўйдан илашган чанг ва дуд ҳиди билан ўзи ўтирадиган, овқатланадиган, ётадиган хоналарга кирмаслиги керак-да! Қолаверса, бу одатда ўша уйларнинг озодлиги учун жон кўйдирувчи оналар, қиз-жувонлар меҳнатини қадрлаш ҳам бор... Лекин веналик ёки парижликларнинг “қўлингизни ўпаман” деб суюлиши, кўча-кўй ва жамоат жойида бу қилиқни нафақат қариндошуруғ, балки ота-она олдида ҳам бемалол қилиб кетаверишини эса биз асло ҳазм қила олмаймиз...

Халқ ёхуд миллат сифатидаги тасаввуримизга сиғмайдиган, баъзан кулги қўзғатиб, баъзан нафратимизни келтирадиган бундай одатлар истеъмол маҳсулотлари туррию муомала шакллари, кийинишда ҳам учрайди.

Масалан, бизнинг тоифамиздаги халқлар истеъмол қилишни ҳаёлига ҳам келтиролмайдиган, ҳаром деб биладиган баъзи жонзотлар — илон, тошбақа, чўчқа гўштини тановул қиладиган элатлар бор... Муомала шаклларини оладиган бўлсак, саломлашиш, кўришиш-сўрашининг йигирмага яқин хили бор экан. Саломлашганда бош кийимларини ечиб бош ирғаб қўядиган овруполиклар, бир-бирларига қараб тилларини чиқариб илжайдиган тибетликларнинг муомаласи бизга ғайритабиий туюлади. Кийиниш бобида ҳам шундай манзарага дуч келамиз: Жанубий Амириқо ва Африканинг баъзи қабилаларида аёллар ҳозир ҳам яланғоч юради, талай Оврупо мамлакатларида қиз-жувонлар ёқаси елкасига қадар очик, этаги тиззадан бир-



бир ярим қарич баланд кийимларни хушлайдиларки, бу ҳол шарқликлар учун камида беҳаёлик саналади.

Энди, ахлоқ-одоб бобида айрим алломаларнинг айтиб кетганларини эсга олайлик. Шарқ ифтихори Абу Али ибн Сино бундай ёзади: “Ахлоқ — ҳар бир кишининг ўзини ўзи идора қилиш илмидир. Бу илмни эгаллаш ўз-ўзидан бўлмайди, балки унга кўника натижасида, эътиқод воситасида эришилади. Муайян ахлоқ қоидаларининг мақсадга мувофиқ бўлиши учун уларнинг зарурийлигини англаб етмоқ лозим”. Абдулла Авлониининг ахлоққа берган қуйидаги таърифини айнан шу фикрнинг давоми деб биламиз: “Ахлоқ — инсонларни яхшиликка чақирувчи, ёмонликдан қайтарувчи бир илмдир. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ китоби дейилур”.

Овруполик мутафаккирлар эса бу масалада бошқача фикр юритишади.

Масалан, буюк француз адиби Г. Флобер “Нимаики гузал экан, у — ахлоқийдир”, дейдики, бу таърифни оврупоча дунёқараш маҳсули сифатида баҳолаш


мумкин. Ёки рус файласуфи Н. Чернишевский “Инсон қайси нарсада ўзи уйлаган маънодаги ҳаётни (тирикликни) кўрса, ўша мавжудот гузалдир”, деб ёзади. Бу гапда мумтоз рус эстетикасининг моҳияти жамулжамдир.

Хуллас, миллий таълим-тарбиядан мақсад — аллақандай фазовий муҳитда эмас, балки бугунги ва яқин келгусидаги ижтимоий-иқтисодий заминда шарқона одоб-ахлоқ ҳамда маънавиятнинг устиворлигини таъминлашдан иборатдир. Бу ишда ижтимоий фанлар билан бирга адабиёт ва санъат, оммавий ахборот воситалари, маданият муассасалари ҳамда музейларнинг аҳамияти беқийёс.

Улар таъсир воситаси ва услублари асосида миллий маънавиятни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, пировардида миллий ўзликини англашга хизмат этади. Миллий ўликни англамаган, унга қатъий ишонч бўлмаган жойда маънавий камолот ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Фуқаролари маънавий камолотта интилмайдиган жамият эса таназулга маҳкумлигини назарда тутсак, бу вазифа аҳамиятини яна бир қарра ҳис қиламиз.

Шоирликнинг кўчалари кўп, сўқмоқларию йўлчалари кўп. Гоҳ пастқам, гоҳ ўру қирли манзиллари бисёр. Устоз Абдулла Ориф айтганларидек, “паст-баланд бўлиб юрган” шоирлар ҳам мўл. Лекин, ҳақиқий шеърят йўли битта. Бу — қисмат йўлидирким, у камдан-кам шоирга насиб этади.

Ватан ҳақида қаламкаш зоти борки ёзган, ёзаяпти. Ёзгани яхши. Бироқ, Ватаннинг ўзидай содда, жайдари қилиб ёзганга не етсин: “Ўв дўстларим, лабда болдай қотиб қолган у — Онам сути, онам сути экан-ку Ватан”. Бу сатрлар муаллифи ким? Андижоннинг Марҳаматида (кўхна Мингтепа) вояга етиб, гоҳ соддаваш, гоҳ мажнунваш шеърлари ила ўзбек элининг ошуфта шоирига айланган Муҳаммад Юсуфнинг номи ортиқча таърифга муҳтож эмасдир.





ОНА ШУРКИСТОН

Дардинини айтсам — дардини биф достон,
Богларини вайрон, пайкалини пайхон.
Шўрини тошлар отмади кимлар,
Она Шуркистон, Она Шуркистон...

Қанга тупсани оз, қанга бергани кам,
Сийладини шоху гадосини ҳам.
Нону тузинини топмади кимлар,
Она Шуркистон, Она Шуркистон.

Ўзини ҳаммиша пойлақда қолдини,
Келан кимсанини кўнлини олдини.
Шўрини талашиб отмади кимлар,
Она Шуркистон, Она Шуркистон.

Парғалаб гайвон—ҳижобларинини,
Майдалаб Қуръон китобларинини,
Шавқилағнапта бопмади кимлар,
Она Шуркистон, Она Шуркистон.

Ўлкани йўқ эди ўлканда сенини,
Кўрми мекнатда, елканда сенини
Шўман тўнмиздек қопмади кимлар,
Она Шуркистон, Она Шуркистон.

Неёғ ҳиммати, неёғ марф бўлдини,
Бағрибиф тамгани битта — сарф бўлдини.
Қадрини биф пулга сотмади кимлар,
Она Шуркистон, Она Шуркистон.

Шўришмаганини — тузинини бўлди,
Бирини—биринини сузианини бўлди.
Бирлашгани, пушиб кетмади кимлар,
Она Шуркистон, Она Шуркистон.

Бокди-ку толе, интилан эдини,
Қад кериб бир кўр силкинган эдини,
Этагини келиб тутмади кимлар,
Она Шўркистон, Она Шўркистон.

Байрамини ўзшаб байрамларинга,
Замин лол боқса қадамларинга,
Нафасини илга ютмади кимлар,
Она Шўркистон, Она Шўркистон.

Бахтим сен билан бир умр, билгани,
Жоним садага нар имо қилгани.
Бу кунга етди-етмади кимлар,
Она Шўркистон, Она Шўркистон!..

Дунё

Менга боқиб мингмида кулган дунё,
Мени туфроқ, ўзни осмон билан дунё,
Сени момом ёрмилттирган ювиб-тараб,
Сени бобом тетапая қилган, дунё!..

Эй, утмишдан ўтган кунини сўрамаган,
Ўзбек борса, ким қўлга қарамаган?
Ботирлари кул бўлишга ярамаган,
Сувувлари бўйинга осилган дунё!

Мозий маним боримни ёд этиб сийлар,
Дилтим обод, руҳларим шод этиб сийлар,
Шоҳ Ғаззалий, шоҳ Шабривий, шоҳ Румийлар..
Чоринини елкасига илан дунё.

Сен ситилган — ўша жондин орттиқ сенга,
Шоҳмаҳал ҳам бир бобомдан порттиқ сенга,
Қўлма менга, ибдоолаф қўлма менга,
Шўрқиз кунда Шемур қўлиб олган дунё!

Юзларинини еритган шу Шарқ эисси,
Дародаларинини аритган шу Шарқ эисси.
Синонини эитган ўлиб Оврупоси,
Африқоси Берунийидан қолган дунё.

Менин кўрким кўрда — унга етмайди кўл,
Менин кўрким — кўнми, унга элмай бир йўл,
Пириниман мен, кел, истасани муридим бўл —
Муҳаммаддан "Ла илах"ни ўрган, дунё!

ҲУ ҲҒИЛ ВА БИР ҚИЗ ҚИССАСИ

Мўмин галнини уй ўрил,
Ёлтиз қизи бор эди.
Шуҳра эди тақдирдан,
Камитрдан ёдор эди.

Қиз — эртала эисси
Олиб кетар кўйдаи гап.
Юрт кездарди йол бу кун
Кенжасага келин иэлаб.

Қартианда тўрт томон
Зир топмиш қийин экан.
Ўғлини қайсар бўлса гар,
Қиз топмиш қийин экан.

Камитр тифрик бўлганда
Камаярди захматин.
Шили шифрин, гапга хўб
Челан эди раҳматин...

Шўй — бир кунтик. Фул нима,
Азмидди жонидан?
Мўмин озроқ қарз олди
Эски қадрдонидан.

Бека бўлди повусдай
Кенжса ўнм қалтири.
Келин эмас, худонини
Берган олтин балити.

Бир келанини изохи —
Ярим қувон, ярим гам:
Эх, қанийди шу кунини
Қўрианда камитр ҳам!..

Ҳаёт ҳар ўйинини
Ўзи топар тағрифрини:
Ози оша етганда
Буфрин қонар қарибинини.

Шўй ўтдию пўшаққа
Этиб қолди Мўмин йол,
Жуда оти ҳасратма
Ботиб қолди Мўмин йол.

Ажал остона узра
Шуфар жан сузилиб,
Элимиз қизин қисматин
Ўйларди у эзилиб...

Жсон дегани — омонат
Одам Ота улма.
Мўмин ўрди. Шумонат
Эл йимлиди ҳовлима.

Марҳум қандай зот эди?..
Ўдурда бор бу савол.
Ҳалол эди, дедилар,
Ҳалол эди Мўмин йол.

Эл Ҳайқалиб, елкана
Шобутини ортаган они,
Озроққина қарзини
Эслатди... қадрдони!

Муслимга омонатдан
Ўлун фарзи адо йўқ.
Ҳалотик лол. Бу не ҳол,
Ўй ўилдан садо йўқ?!

Ўй пахлавон — уй пафи
Пайкафга қул эдилар.
Отамини бундай дўстин
Шанимаймиз, дедилар...

Қиз-ку эрта насн
Олиб кетар кўндай гап.
Аmmo бу кун даврага
Отилди у қон йиғлаб.

Айттин, деди, бас қилсин,
Акаларим арзини.
Бўй етган кун пўрайман
Мен отамини қарзини.

Раво топса у қимни,
Бош кўяман кўксима.
Қарз ўрнма қалниним
Шеисин отам дўстима!..

Ҳалотик лол. Бу не ҳол,
Бу не савдо, ёронлар;
Отасидан олдинроқ
Ўлар бўлди ўлонлар?!.

Ривоятмас айтганим,
Ҳикмат бўлмас ёгонда,
Бу воқеа рўй берди
Шу кунда, шу замонда.

Қарздан келиб кетса ҳам
Ота дўсти ҳайратда.
Ўй ўилни қишлоқдан
Ҳайдади халқ, албатта.

Қиз-ин, дерсиниз? Қиз ҳаят,
Ашар отамаконда.
Чуқки, унга муносиб
Йилит йўқ бу жаҳонда!..

СИЗ ҲИША

Ғуллим, меҳр кўзда дегани — ёлгон,
Сиз менин дилда ўлмас ёлқинсиз.
Қанга кўришмасак, шунга қадрдон,
Қанга олис бўлсак, шунга яқинсиз.

Девона ошиқман, мен бир девона,
Айбини, сиздан бўлак қимим бор яна?..
Сиз ишқ боғидаги дунём беғона,
Сиз ишқ боғидаги пуллар ёқинсиз.

Сиз — айиқ қисматим, сиз — изтиробим,
Сиз — ширин дардимсиз, ширин азобим.
Сиз — менин кўклардан топан офтобим,
Ерларда ишқотан кўзмундошимсиз.

Ёдимда келади шўхликларини,
Қиримма теккан қирриқларини,
Сиз ўша — орзуси ойдан ойдин қиз,
Сиз ўша — қуллуси қиримфориимсиз.

Сиз ўша — кўнлимга кўнли ин қурган,
Сиз ўша — жонимнинг устидо юрган,
Шўхилай деб тиллим унда турган
Шегримсиз, кўнимсиз, битмас оҳимсиз!



ОҚ ШУЛОҚ

Оқ шулоқим бор эди,
Беклар унга зор эди.
Ожайнилар, от мени
Ҳам дўсту ҳам ер эди.

Ёлтин ўпсам тиз ўқиб,
Қариндешлар сув иларди.
Чух, десам ер танитиб,
Осмонларга уларди.

Ўйимизга бир оқшом
Қариндошлар тўришди.
Шўй баҳона, отимдан
Айирмоқчи бўлишди.

Отим: йилитсан, ўлим,
Ўйланмасан, ор, деди.
Қиз ярашар кўлоқда
Отга нима бор, деди...

От олдидан бошланди
Ўйимдиққа йўлакка.


Келир, ерим, на қилай,
Отга меҳрим бўлакка!..

Қолдим икки ўт аро,
Ғушанада — дилдорим.
Келин келган келадан
Аразлади шулоқим.

Борми биздек ошиқлар,
Баҳоримда куз йиллар.
Қизни ўпсам — от йиллар,
Отни ўпсам — қиз йиллар.

Бир бор ўпсам хотинни,
Ўй бор ўлдим отимни!..
Жонни қийнаб яшадим,
Қимга айтай додимни?

Ёрдан келдим отни деб,
Эла бўлдим эрмаклар.
Қайдан билсин от қадрин,
От минмаган эркаклар. .



МАДАНИЯТ — ЭНГ ИШОНЧЛИ ЙЎЛ



Япониянинг Ўзбекистондаги
Фавқулодда ва Мухтор элчиси
Укери МАГАСАКИ жаноблари билан суҳбат



— Элчи жаноблари, япон халқи юксак илмий ва иқтисодий муъжизалари билангина эмас, бетакрор маънавий маданияти билан ҳам дунёга донг таратгани барчага маълум. Халқингизнинг Кавабата Ясунари, Икэда Дайсаку, Абэ Кобо, Оэ Кендзабуро, Тангэ Кензо, Хираяма Икуо сингари буюк мутафаккир сиймолари жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшгани ҳам ҳаммага аён. Шу боис, аввало, япон халқи ўзлигини англашида маънавиятнинг ўрни ва унинг “Япон муъжизаси”га таъсири тўғрисида сузлаб берсангиз.

— Биласиз, бугунги япон маънавиятида дин ҳал қилувчи урин тутмайди. Бу масалани теран англамоқ учун тарихга мурожаат қилиш керак. Бизда қадимдан синтоизм ва буддизм қадриятлари маънавиятга кучли таъсир этиб келган. Аммо, афсуски, ушбу диний йўналишларнинг вакиллари Иккинчи жаҳон урушига тайёргарлик тadbирларида иштирок этган. Шу сабабдан Япониянинг урушдан кейинги Конституциясида дин давлат ишига аралашмайди, деб аниқ ёзиб қўйилган. Мақтабларимизда дин дарси ўқитилмайди, диний китобларни урганиш мажбурий эмас. Четдан қараган киши Японияда дин таъсир кучини мутлақо йўқотган экан-да, деб уйлаши мумкин. Аммо бундай эмас.

Буддизм маданияти қадим замонлардан буён бизнинг бош қадриятимиз ҳисобланади. Япон китоблари, ҳайкалгарошлиги, шеърийати ва миллий санъатнинг бошқа намуналари билан танишар экансиз, уларда дарҳол уша қадрият — диний таъсир

аломати намоен булади. Сиз боя жаноб Хираяманинг номини ҳам тилга олдингиз. Унинг санъат йулига кириши жуда галати кечган. У Бадий академияни тугатганидан сунг санъатда қайси йулдан — японча йуналишданми, гарбона йуналишданми бориш масаласида узоқ изланади. Аммо, булажак рассом бошдан кечирган жисмоний (Хиросима шаҳрига ташланган атом бомбаси унинг соғлигига таъсир этган эди) ва иқтисодий қийинчиликлар унда санъат соҳасида уз йулини топиш иштиёқини кучайтирди.

Бир гал Хираяма VII асрда Ҳиндистонга бориб буддизм манбаларини излаган хитойлик роҳиб¹ ҳақида уқиб қолади. Бу роҳиб беҳад қийинчиликлардан сунг Урта Осиё ва Афғонистон ҳудудидан утиб, Ҳиндистонга келади. Йигирма йил сарсонун саргардон кезиб, охири яна Ватанига қайтади ва қурган-кечирганлари ҳусусида китоб ёзади. Хираяма ана шу зот тақдири мисолида турли халқлар маънавий маданиятини ифода этган Буюк Ипак йули мавзуини кашф этади.

Биз тарих, адабиёт ва санъат асарларини мудом урганиб борамиз — маънавиятимизни бойитамиз ҳам дин қадриятларини узлаштирамиз. Маълумки, христианлик эътиқоди мухлисларига нимани қилиш равою нима нораво — барчаси аниқ баён этилган муқаддас китобни урганиш заруратини юклайди. Бизда, гарчи ҳеч ким диндорликка мажбур этилмаса-да, диннинг таъсири мавжуд. Утмиш аждоларимиз эътиқоди ва маънавиятини биз тарихий анъана ва маданий қадриятлар воситасида англаб етамиз.

“Япон муъжизаси”нинг бош унсури, менимча, маорифдир. Ўзбекистонда ҳам маориф яхши йулга қўйилган. Олий мактабларга кириб уқийдиган аҳоли қатламининг салмоғи анча юқори. Аммо япон жамиятида маорифга муносабат узига хос. У ерда инсон келажагини унинг билими белгилайди: йирик тadbиркор ё сиёсий арбоб буладими, ёзувчи ё дипломатми — барчадан, аввало, билим талаб этилади. Бизнинг шароитда болалар, беш-олти ёшда бошланғич мактабга борганидан то университетдаги таълимни тугатишигача булган даврни қушиб ҳисоблаганда, 21—22 ёшга етгунгача уқийди. Кимда-ким порлоқ келажак эгаси булишни истаса, сўзсиз, у уқимоқ ва ишламоғи зарур булади. “Япон муъжизаси”ни яратишда халқнинг тақдири уз қулида эканига ишонгани муҳим урин тутган. Бизда ҳатто нуфузли ота-оналар ҳам фарзандлари келажакига тулиқ таъсир утказолмайди, чунки ҳамма нарсани танлов ҳал қилади. Дейлик, баобру корхона ёхуд вазирликда ишлайман десангиз, албатта нуфузли дорилфунунда аъло даражада сабоқ олган булишингиз зарур. Билим, даражасини, табиийки, ота-она белгиламайди.

Ҳар бир японнинг тақдири унинг саъй-ҳаракатига боғлиқ булиб, мактаб давридаёқ унда узига ишонч тулиқ шаклланади ва бора-бора янада мустаҳкамланади. Шу боис, бизнинг ҳар биримиз яхши истиқболга яхши ишлаш билангина эриша олишимизга қатъий ишонамиз. Дейлик, мана, Сиз қайсидир корхонада ишлайсиз ва шубҳасиз, қачондир унинг раҳбари булиш имкониятига ҳам эгасиз. Аксари йирик япон компаниялари раҳбарлари фаолиятини даставвал энг майда ишдан бошлаган, фақат қобилият ва саъй-ҳаракатлари шарофати улароқ бугунги юксак мақомга эришган. Агарда минглаб кишилар эртанги кунга ана шундай зур иштиёқ билан интилиб ишласа, келажак шубҳасиз шу қадар равшан булади. Бу — диний эътиқод эмас, инсоннинг уз кучига ишончи самарасидир.

— Адашмасам, Сиз Марказий Осиё халқлари тарихи ва маданиятига гоят қизиқасиз. Сиз узбек маънавий маданиятининг айнан қайси жиҳатига кўпроқ эътибор бера-сиз?

— Ўзбекистон тарихига атрофлича назар ташланса, у жаҳондаги энг бой тарихлардан экани аён булади. Дунёдаги энг машҳур зотлардан купи — чунончи, форсий подшоҳлар, Александр Македонский, Хитой ҳукмдорлари, араб саркардалари, Чингизхон ва Бобур каби шахсларнинг фаолияти муайян даражада Марказий Осиёга боғлангандир. Ватандошингиз Амир Темура эса буюк лашкарбоши ва давлат арбоби сифатида машҳур. Бу заминда сўд ва турк маданияти билан элпин, буддизм, ислом, рус ва Оврупо маданияти унсурлари туташиб кетган. Уларнинг ҳар бири узига хос ва гоят қизиқарлидир. Улардан биронтасини алоҳида ажратиш курсатиш менга осон

¹ Хитойдаги Буддизм фалсафа мактабининг асосчиси, аллома ва саёхатчи Сюань Цзан (тахминан, 600—664 йилларда яшган) назарда тутилмоқда — *Сўзлаштириш*.

эмас. Гарчи биз ислом динидан анча йироқ булсак-да, лекин мен учун буюк муҳаддис Ал-Бухорийнинг ҳаёт ва ижод фаолияти ёки ҳозирда Мовароуннаҳр мусулмонлари диний бошқармасида сақланаётган Усмон Қуръонининг тарихий тақдири бениҳоя қизиқарлидир. Аммо мени Термиз шаҳридаги буддизм монастыр-ёдгорлиги беҳад ҳайратга солди. Бундай тарихий қадриятлар соҳиби булган мамлакат гоят кам топилади. Таассуфки, уларнинг ҳаммасини санаб утиш учун ҳозир эътиборимни жамлаб улгуролмаяшман. *(Элчи жаноблари кулади — Суҳбатдош.)*

— Ундай булса, узбек ва япон маданиятининг муштарак жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз.

— Бажонидил. Японларга иш булса, бас, уларни бошқа ҳеч нарса қизиқтирмайди, деб бот-бот танқид қиладилар. Бу гап, айниқса, Ғарбда 70—80-йилларда — “Япон муъжизаси” хусусида суз бошланган маҳалда тарқалди. Лекин бугунги кунда, менга маълум булишича, Ўзбекистонда ҳам деярли барча вазирлар ва уларнинг уринбосарлари вақт демай, соат демай жону дил билан ишлайди. Эҳтимол, уларда Ўзбекистон мустақиллиги эълон қилинган кундан буён дам деган гап булмагандир. Шу боис, бу ерда раҳбар булиш учун албатта ишга фидойилик зарур деган тушунча шаклланмоқда. Бу тарзда ишламоқ имкониятига эга булиш эса юксак шараф саналади. Ишга бундай муносабатни Англия, Америка ёхуд Францияда учратиш амримаҳолдир. Шу мисолнинг узидек узбек ва япон табиатидаги ухшашликдан далолатдир.

— Ҳар жиҳатдан юксак тараққий этган япон жамиятида ҳозирги замон цивилизацияси ютуқлари узига хос кўна миллий анъаналар билан уйғунлашиб кетгани ҳам купчиликни ҳайратга солади. Бундай муштараклик боиси нимада?

— Такрор булса-да, айтиш керак, тадқиқотчилар “Япон муъжизаси”нинг сабаб ва манбалари, боя мен айтгандек, аввало, маориф тизимида деб биладилар. Дарҳақиқат, япон халқи азалдан илми беҳад қадрлаб келади. Бу — бизнинг миллий анъанамиз. Биз илми ҳам, уқитувчи ва раҳбарларни ҳам гоят эъзозлаймиз. Эсимда бор, Токио университетига уқиган кезларимда махсус инглиз тили сабоқларига қатнаганман. У ерда Оврупо ва Америкадан келган уқитувчилар дарс утар эди. Бир куни улар мендан “Сиз келажакда ким булмоқчисиз?” деб сураб қолди. Мен уларга давлат муассасасида ишлаш ниятида эканимни ва буни узим учун юксак шараф деб билишимни айтдим. Уқитувчилар эса, “Сиз амалдор булмоқчимисиз?” деб ҳайрон булган эди.

Японлар давлат муассасасида ишладан фахрланадилар. Мен ёглиқ жойда ишлаб, катта бойлик тушлаш учун эмас, балки фаолиятимда юксак мақсадга эришмоқ учун уқиганман. Эндиликда, афсуски, бу удумдан четланишлар ҳам учрамоқда. Шундай булса-да, ҳали ҳам нуфузли университетларнинг энг қобилиятли битирувчилари — уларни хусусий банкларда бажонидил кутсалар ҳам — аввалгидек давлат муассасаларига, масалан, молия вазириликка ишга киришга интилади. Ваҳоланки, хусусий банкларда иш ҳақи вазириликка нисбатан тўрт-беш баробар юқоридир. Бу эса, пул ишлаш японлар учун асосий мақсад эмаслигидан далолат беради.

Мамлакатимиз таълим тизимида хос яна бир хусусият шундаки, олий мактаб таълими инглиз ёки бошқа хорижий тилда юритиладиган талай мамлакатлардан фарқли улароқ, Японияда сабоқлар фақат япон тилида утилади. Биз шу тарзда маданиятимизни сақламоқдамиз. Утмишни бугунги кун билан уйғунлаштирувчи омиллардан бири ҳам ана шу.

— Кунчиқар мамлакат XXI асрнинг тараққиёт йули маърифат ва маданият асосида кечишни исботлади. Марҳамат қилиб, таълимнинг японча шакли ва унинг истиқболлари, оврупоча ва америкача таълим шаклларига нисбатан устун жиҳатлари ҳақида гапириб берсангиз. Сизнинг назарингизда, япон тажрибасининг Ўзбекистондаги таълим ислоҳоти учун қандай ибратли жиҳатлари мавжуд?

— Мен Токио, Гарвард, Лондон ва Москва университетларида сабоқ олганман. Бинобарин, қиёслаш имкониятига эгаман. *(Элчи жаноблари японча ва оврупоча таълим тизимларининг қиёсий схемасини чизиб курсатади ва сузида давом этади — Суҳбатдош.)* Мана бу — Оксфорд ва Кэмбриж дорилфунунларида жорий этилган Англия университети таълим тизими.

Уларда, ишонч билан айтишим мумкинки, Япониядагига қараганда юксак маърифатли ва малакали мутахассислар тайёрланади. Бу эса — Токио университетидаги таълим тизими. Чизмадан куриниб турибдики, Япониядаги талабанинг энг юқори билим савияси Англиядаги энг аълочи талабаники даражасида булмаса-да, лекин урта

ҳисобда бизда билимли талабалар салмоғи Англия ва АҚШдаги шундай талабалар салмоғидан анча зиёд.

Шу тариқа Япония, билим эгалловчиларнинг уртача нисбатига кура, Фарбдан устунроқ бўлиб чиқади. Албатта, агар узига хос қобилият эгалари ҳақида суз борса, шубҳасиз, Буюк Британия энг илғор мамлакат. Бироқ, ишлаб чиқаришни ёшасига саноатлаштиришнинг ҳозирги босқичи оммавий равишда юқори билим ва малакали мутахассислар тайёрлашни тақозо этади. Япония дунёдаги энг бадавлат мамлакатлардан биридир. Тайёрлаб кишиларнинг маҳоратига боғлиқ. Бугун Японияда айрим кишиларнинг энг етуқ малака эгаси этиб тайёрлашдан кура, барча ходимларга уртача ва юқори даражали билим бериш афзал эканини яхши тушунадилар. Бордию, турли мамлакатлар аҳолисининг уртача билим даражаси ёхуд маънавий етуқлиги қиёс этилса, ишончим комилки, японлар энг юқори уринни эгаллайди. Улар шу сабаб бугун ҳаҳон бозоридаги узаро рақобатчилик шароитларида муваффақият қозонмоқдалар. Биз купдан-куп аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришдик. Лекин, цивилизация юксала боргани сари асл ва бетакрор маҳсулотларга, дейлик, санъат асарларига булган эҳтиёж ҳам ортиб бораверади. Хуш, асл маҳсулотларга иштиёқманд кишилар сони купайиб борадиган булса, жамиятимиз бу эҳтиёжни қондира оладими? Шунинг учун ҳам ҳозирги таълим тизими танқидчилари юқори малакали, лекин фаолият тури бир-бирига ухшаш ходимларни уқитишдан кура, бетакрор ва



ноёб истеъод эгаларини тарбиялашни тавсия этади.

Агар Ўзбекистонда ҳам келажагингиз узингизнинг саяъ-ҳаракатингиз билангина буюк ва порлоқ булишига ишонч-этиқод қарор топса, жуда яхши. Бугунги утиш даврида ижтимоий муносабатлар узгара бориши, албатта, кишиларнинг орзу-интилишига ҳам таъсир этади. Мен ўзбекларнинг билим даражаси юксак эканини қуриб юрибман ва бу заминда ҳали купдан-куп таниқли зотлар етишиб чиқишига ишонаман. Бу шунчаки гап эмас. Бундай деб уйлашга бир талай асосларим бор. Чунончи, Ўзбекистонда энг оддий инсонлар ҳам икки, ҳатто уч тилда сузлаша олади. Хорижий тилларни бу даражада яхши биладиган кишилар эса ҳаҳон миқёсига чиқишда, шубҳасиз, афзалликка эгадир. Бундан ташқари, сизлар тил воситасида узга маданият ва анъаналар билан тулиқроқ танишасиз, маънавиятни бойитишда бунинг аҳамияти беқиёсдир.

Бир замонлар Америкада “Баъзи америкаликлар нега ёмон ишлайди?” деган суров утказилган эди. Дастлаб купчилик, улар яхши таълим олмаяпти, деган фикрни билдирган. Шу боис, меҳнати унумсиз фуқаролар учун университетларда махсус уринлар ташкил этилди. Лекин, барибир, кутилган самара булмади. Шундан сунг мутахассислар ишга муносабат, аввало, инсоннинг мактаб даврида ёки ундан ҳам эртароқ — икки ёшдан турт ёшгача булган маҳалда, яъни идрокда илк интилиш ва майллар пайдо булаётган паллада шаклланиши лозим, деб хулоса чиқардилар.

Ўзбекистонда, билишимча, юксак ақлий қобилиятга эга булган болалар жуда кўп. Менимча, бунинг сабаби турли маданият ва тилларнинг узаро уйғунлашувида булса керак. Шуңинг шарофати улароқ бу диёр олимлари, давлат арбоблари, рассом ва бошқа соҳа кишилари етук ақл-идрок соҳибидирлар. Сиз билан бизнинг маориф соҳасидаги ҳамкорлигимизнинг амалий истиқболлари бор деб уйлайман.

— Ватанингизда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги замонавий бозор муносабатларига утиш даврида маданият, фан ва маориф соҳаларида миллий қадриятларни сақлаб қолиш ва бойитишга қандай эришилди? Ушбу соҳаларни маблағ билан таъминлаш масалалари қай йўсин ҳал этилди, бу жараёнда давлат ва хусусий сармоя қандай урин тугди?

— Японияда маданият арбоблари ва олимларни азалдан ҳурмат қиладилар. Бу — миллий анъана. Бизда ҳатто “давлатнинг моддий булмаган бойлиги”, “ижтимоий бойлик”, “инсоний бойлик” каби махсус атамалар мавжуд. Киши нафақат олим ё маданият арбоби, балки моҳир кулол ёки газмол устаси булса ҳам биз уни шундай атаймиз. Бундай кишиларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг махсус тизими булиб, уларга бутун жамият риоя этади. 20-йилларнинг бошларидаёқ Парижда японларнинг миллий санъати — укийё-э¹ ва бошқа маданий қадриятлари юксак баҳоланган эди. Бу воқеа япон халқининг узлигини англашига катта таъсир қурсатди. Бир халқ маданиятининг четдан юксак баҳоланиши бениҳоя муҳим. Масалан, ўзбек халқига мансуб турли қадимий миниатюра ва қўлёзма китобларнинг асл нусхалари ҳозирда Буюк Британиядаги Қиролича Елизавета Иккинчи саройида, Францияда — Давлат миллий кутубхонасида, Россияда — Эрмитажда ва бошқа улкаларда сақланмоқда. Бу эса уша жойларда халқингизнинг санъат ва маданиятига булган зўр ҳурмат белгисидир.

Агарда мен журналист булганимда, турли мамлакатларга, масалан, Буюк Британияга бориб, Қиролича Елизавета Иккинчининг хусусий музейини томоша қилиб, мароқли репортажлар тайёрлар эдим. Ушанда кўп кишилар яна бир бор қадимий маданиятингизнинг Ғарбда нечоғлиқ юксак қадрланишига амин буларди ва бу, шубҳасиз, халқингизнинг миллий гурурини мустаҳкамлашга хизмат қилар эди.

Утган асрнинг урталарида, 250 йиллик биқиқлиқдан сўнг биз Ғарб давлатлари —

Россия, Буюк Британия, Франция, Америка ва Германиянинг тазйиқи билан мамлакатимиз дарвозаларини дунёга очдик. Уша пайтларда биз тараққиёт бобида номлари қайд этилган мамлакатлардан ортада қолганимизни англадик. Вазиятни қандай узгартириш хусусида кўп мулоҳаза юритдик. Охири энг асосий масала — халқни ислоҳотга тайёрламоқ деган ҳақиқатни тушуниб етдик. Шу боис, биз аксарият маблағни фан ва маорифни ривожлантиришга сарфладик. Албатта, зарурат тақозо этган даражада ҳарбий соҳа ва саноатга ҳам маблағ ажратилди, лекин биринчи галда эътибор ижтимоий соҳа — аҳоли фаровонлигига қаратилди. Биз янги дорилфунун ва махсус олий мактаблар ташкил этдик.



¹Япон миллий рассомчилигидаги йуналиш. У шаҳар маданиятининг турфа жиҳатларини рангли травюра куринишида акс эттиришни тақозо қилади — *Судзумоши*.



— Улар давлатга қарашли эдими?

— Ҳа. Япониядаги барча нуфузли дорилфунунлар давлатникидир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин айрим хусусий университетлар улар даражасида обру-эйтибор тошган бўлиши мумкин, бироқ бугунга қадар мамлакатдаги энг обрули укув даргоҳи Токио Давлат дорилфунуну ҳисобланади. Ундан сунг Киото университети туради. Мавриди келганда айтиш керакки, Буюк Британия ва Америкада давлат университетлари бу қадар нуфузга эга эмас.

Урушдан кейин биз илгари ҳарбий саноатни ривожлантиришда ишлаган юқори малакали мутахассисларни ноҳарбий саноатга йуналтирдик. Уларнинг самолёт ва бошқа ҳарбий техника ишлаб чиқаришга оид билимлари ҳамда замонавий технологиялар талай соҳаларда, хусусан, автомобиль заводларида кенг қулланилди. Шу тарзда биз мавжуд имкониятларни янги шароитга мослаштиришга ҳам эришдик.

Ушда даврларда биз яна маданият, фан ва бошқа соҳаларни рағбатлантириш учун махсус тизимлар яратдик. Туғри, бундай анъана урушга қадар ҳам мавжуд эди, лекин кейинги даврда у анча самарали қулланилди.

Сизлар учун ҳозир, айтайлик, Тошкентга қараганда хорижда уқиб келиш афзалроқ саналади. Бундай кайфиятни қандай узгартириш мумкин? Биз, японлар учун, ҳали таъкидлаганимдек, Токио дорилфунунуида билим олиш — энг катта обру. Туғри, қачонлардир японлар ҳам Америка университетларига уқишга бориб турган. Лекин, ушанда биз университетларимиздаги таълим сифатини оширишга ҳаракат қилдик. Мамлакатимиз анча қашшоқ бўлганига қарамасдан Фарб олимларини ишга тақлиф этдик ва уларга юқори маош тайин этиб, шарт-шароит яратиб бердик. Биз қадимий меъморчилигимизни тиклаш ва замонавийсини ривожлантириш учун америкалик машҳур меъмор Райтни ишга чақирдик, унинг теран ақл ва тажрибасидан унумли фойдаландик.

Шундай экан, қобилиятли ёшларни хорижга юбориш билан бир вақтда Фарб мамлакатлари олимлари ердамида энг замонавий университетларни ташкил этиш ҳам гоят фойдалидир. Масалан, Жорея Республикасида АҚШда олинган билим жуда юқори баҳоланади. Сиз агарда Жапубий Кореяда йирик олим сифатида эътироф этилишни истасангиз, албатта Америкада узоқ муддат уқимоғингиз керак булади. Японияда эса мамлакатнинг узида олинган билим ҳамма нарсани ҳал этади.

— Демак, Япониядаги нуфузли таълим шу соҳага қаратилган юксак эътибор натижаси экан-да?

— Шундай. Бизга нуфузли таълимни шакллантиришда хориж олимлари ҳам кумак берган. Лекин бу катта маблағ эвазига амалга ошади. Баъзида ердам беришни истаган олимни учратиш қийин бўлиши мумкин, бироқ барибир шунга интилиш зарур.

— Япониялик олимлар ушбу йуналишда бизга ердам беришлари мумкинми?

— Афсуски, японлар учун гоят қийин иш бу. Боя айтганимдек, бизда ҳамма профессорлар асосан япон тилида дарс утади. Шу боис, олимларимиз бу масалада кумак беришлари мушкул.

— Япония жаҳон цивилизациясининг марказларидан бири ҳисобланади. Бизнинг Ватанимиз ҳам азалдан дунё фан ва маданиятида юксак ўрин тутиб келган. Буюк Ипак йули воситасида икки халқ вакиллари азалдан борди-келди анъаналарини йўлга қуйиб яшаган. Бугун ҳам узбек-япон маданий алоқалари давлатларимиз уртасидаги

муносабатларнинг муҳим таркибий қисмидир. Машҳур япон мутафаккири Икэданинг таъбири билан айтганда, “Бугун бизни ҳеч нарса узга халқлар билан уларнинг маданий кадриятларини урганишчалик тез яқинлаштира олмайди”.

Жаноб элчи, Япония билан Ўзбекистон маданий ҳамкорлигини янада ривожлантириш йуллари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Мен мамлакатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг асоси — узаро ҳурмат эканини мудом таъкидлаб келганман. Узаро ҳурмат ва тушуниш булмаса, албатта, муносабатлар ривожланмайди. Узаро ҳурмат ва ҳамфикрликка қандай эришиш мумкин? Бунга маданият воситасида эришиш — энг ишончли йулдир. Шу боис, мен халқларимиз уртасидаги маданий алоқаларни янада ривожлантиришни энг муҳим иш деб ҳисоблайман. Сизларда, қайд қилганимдек, маданий турмуш даражаси гоят юқори. Мен, мисол учун, рассомлик санъатини жуда севаман ва ўзбек рассомлари асарларини таҳсинга сазовор деб биламан. Менга, айниқса, Дамир Рузибоев ва Баҳодир Жалол асарлари ёқади. (*Элчи хонасидаги ўзбек рассомларининг асарларини кўрсатади — Сўхбатим.*) Бу асарлар билан японларни таништириш зарур деб ҳисоблайман.

Утган йили элчихонамиз кумагида риптонлик қуллол уста Алишер Назиров Японияга юборилди. У япон ҳамкасблари билан тўрт ой мобайнида мулоқот қилиб юрди. Таниқли рассом Дамир Рузибоев ҳам Японияда булган. Келажакда у мамлакатимизда ташкил этиладиган кўргазмаларда яна қатнашишидан умидвормиз. Японлар сизларнинг маданиятингиз билан изчил таништириб борилса, уларнинг ўзбек халқига булган эҳтироми янада ортиши шубҳасиз. Дарвоқе, яқинда Японияда ўзбек кинофильмлари фестивали жуда мароқли утди. Уйлайманки, мамлакатларимиз уртасидаги маданий ҳамкорлик истиқболлари улқандир. Лекин, аввало, японларнинг Ўзбекистонга қизиқишини тағин ҳам кучайтириш зарур. Яна қайтариб айтаман, агарда японлар Ўзбекистон тарихи, маданияти ва маънавиятини яхши билиб олса, ҳамкорлик тўғрисида кўпроқ уйлай бошлайди.

Узаро иқтисодий ҳамкорлик масалаларига тўхталсам, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Японияга сафари чоғида уларга асос қўйилди. Бу борадаги энг муҳим ҳужжатлардан бири Кўкдумалоқ нефтини қайта ишлаш учун зарур кредит ажратиш ҳақидаги битимдир. Яна нефтни қайта ишлаш заводларини тиклаш ва телефон алоқаси мажмуини ривожлантириш буйича битимлар тайёрланмоқда. Жорий йилнинг ўзида иқтисодий ҳамкорлигимизнинг реал натижалари намоян булади деб уйлайман.

Сизлар ҳозир оғир иқтисодий вазиятни бошдан кечирмоқдасиз. Аммо мен иқтисодиётингиз ва унинг истиқболларини урганар эканман, ундаги ижобий йўналишларни аниқ кўраман. Собиқ Совет Иттифоқида булган аксарият республикалар иқтисодиётда ҳали бу қадар ўзгаришларга эришган эмас. Агарда ўзбек халқи ўзи танлаган йўлдан бориб, астойдил меҳнат қилса, уйлашимча, уч-тўрт йилдан кейин аҳвол бутунлай бошқача булади. Бу нарса келажакка ишонч билан қарашга даъват этади. Шахсан мен шундай булади деб ишонаман.

Сирож АЗИЗОВ
суҳбатлашди.

Хайриддин СУЛТОН

БОБУРИЙЛАРДАН БИРИ

Хиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида фаолият кўрсатаётган “Буюк мўғуллар жамияти” ҳақида журналхонларимиз яхши биладилар. Бу хусусда вақтли матбуот саҳифаларида батафсил ҳикоя қилганимиз боис қайта такрорлаб ўлтиришининг ҳожати йўқдир. Ана шу жамиятнинг бош котиби, Ҳиндистондаги сўнгги бобурий ҳукмдор — Баҳодиршоҳ Иккинчининг (Зафарнинг) чевараси жаноб Зиёвиддин Тусий 1993 йилнинг охирида укалари Масиҳиддин ва Шажоиддин билан бирга юртимизга ташриф буюрган эди. Улар бобокалонлари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг 510 йиллик таваллуд тўйида Президентимизнинг шахсий меҳмонлари сифатида иштирок қилдилар. Суҳбатларнинг бирида жаноб Зиёвиддин Тусий: “Ўзбекистонда ҳам бобурийларнинг бугунги авлодлари борми?” деб сўраб қолди. Бу саволга дафъатан жавоб топиш мушкул бўлди, шу боис сўзни мухтасар қилиб: “Биз ҳаммамиз бобурийлармиз”, деб қўяқолдик.

Аммо кейинчалик мен бу хусусда кўп ўйладим. Чиндан ҳам, наҳотки, Ватанимизда ҳазрати Бобур ва унинг шавкатли сулоласидан бирон бир зурёд қолмаган бўлса? Наҳотки, улкамизда бобурийларнинг бевосита бугунги авлодлари бўлмас? Наинки, уларнинг барчаси тарих тўфонларида йитиб-унутилиб кетган бўлса?..

1983 йилнинг ёзи, янглишмасам, июль ойи эди. Андижонда Бобур Мирзонинг 500 йиллик тўйи муносабати билан шеър ва кўшиқ кечаси ўтказилиши ҳақида хабар келди. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов билан мен ҳам шу тadbирга таклиф этилдик.

Бу йилларда Бобурнинг номи атрофида тагин қора булут айланиб қолган эди. Яъни навбатдаги шўро раҳбарларидан бири миллий маънавият ва қадриятларга қарши “уруш эълон қилган”, табиийки, би-

ринчи зарбага шонли тарих ва маданият-тимизнинг яловбардорларидан бўлмиш Бобур Мирзо дуч келган эди.

Шундай бир вазиятда Андижон шаҳрида ҳазрат Бобур таваллудини нишонлашга журъат этилиши таҳсинга сазовор бир жасорат эди.

Шу боис ҳам Абдулла ака иккаламиз таклифни мамнуният ила қабул қилиб, жазирама иссиққа қарамай машинада йўлга чиқдик ва оқшом чоғи Андижонга кириб бордик.

Бу сафар саргузаштларининг ўзи бир тарих. Вақти-соати етиб бу хусусда ҳам батафсил ҳикоя қилармиз, аммо ҳозир асосий мақсаддан чалғимайлик.

Алқисса, эртаси куни кечкурун Андижоннинг ўша машҳур ёзлик боғида бобурона файзли бир анжуман ясалди. Фарғона водийсининг тўрт томонидан келган оташнафас ҳофизлар Бобур Мирзо кўшиқларини ҳарорат билан куйладилар, шоирлар байту ғазаллар ўқидилар.

Шу оқшом кейинчалик ниҳоятда машҳур бўлиб кетган “Анда жоним қолди менинг” кўшиғи илк бора янгради.

Халқ бу каби нафис бир мажлисни кўпдан соғинган экан, бутун вужуди қулоқ бўлиб сомеълик қилди.

“Бугун ҳазрати Бобур Андижонга, сизларнинг ҳузурингизга қайтиб келгандек бўлди”, дея лутф қилди Абдулла ака ва бу фикр, дарҳақиқат, ўша жамоат кайфиятининг яққол ифодаси эди.

Бобур Мирзо тўйининг тўйбошиси — эллик ёшлар чамасидаги оқ-сарик юзли, хатти-ҳаракатларидан ғайрат ва қатъият ёғилиб турган бир киши эътиборимни тортди. Бу одам улкан издиҳомни моҳирона бошқарар, қиёфасида ниҳоясиз шодумонлик акс этар — баайни ўз отасининг тўйини ўтказаятгандек жонсарак ва масрур бир кайфиятда юрар эди.

Бу киши Андижон шаҳар ижроия қўми-



тасининг раиси Зокиржон ака Машрабов экан.

Анжуман аввалида у "Бобур — лирик шоир" деган мавзуда маъруза қилди. Маърузани ботиний бир эҳтиром билан қиروات қиларкан, дилидаги ҳаяжони шундоққина сезилиб турарди.

Унинг Бобур Мирзо ҳақидаги ҳар бир сўзи, ҳар бир ҳаракатида "тадбир" эмас, тақдирнинг нафаси зуҳур этарди.

Ярим кечага қадар давом этган бобурхонлик адоғига етгач, шаҳар ижроқумининг салқин боғида бир пиёла чой устида яна Бобур Мирзонинг ноёб фазилатлари ҳақида сўз борди.

Уша йилнинг бошида "Саодат соҳили" деган мўъжазгина бир қиссам "Ёшлик" журналининг илк сонида чоп қилинган эди. "Ижроқум бува" ҳазрати Бобур ҳақидаги шу асарни ўқиган экан, суҳбат асноси нозик бир зарофат ила шу ҳақда эслатиб ўтдилар.

Мен эса беихтиёр "Саодат соҳили" боис бошимга ёғилган маломатларни эслаб кетдим.

Эй, ажойиб замонлар экан-да! Шу кичкинагина қисса учун мени — на адабий, на ҳаётий тажрибаси бўлган гўр бир қаламкашни Ёзувчилар уюшмасининг котибият йиғилишида забардаст бир мунаққид обдон "дуппослаган" эди: "Нега БАМ ҳақида эмас, Бобур ҳақида ёзади?",

"Қонхўр шохни идеаллаштиришдан қандай сиёсий мақсадни кўзлаган?", "Ахир, у Ойбек эмас-ку, нега тарихий асарга қўл уради?" "Куда смотрит руководство журнала "Ёшлик"?" (Табиийки, ўзбек тилида адабиёт яратадиган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг мажлислари ҳам ўша йиллари, залда бироррта рус бўлмаса-да, рус тилида ўтказиларди).

Гоявий ҳаётимизнинг даргаларидан бўлмиш бу домланинг гурзиси мени хийла гангитиб қўйган бўлса-да, Бобур Мирзо сиймосига бўлган муҳаббатимни заррача камайтира олгани йўқ, аксинча, янада аланга олдирди.

Байт:

*Бобур, нега бу даср мени зор айлар,
Сабрнинг каму ғамини бисер айлар.
Шо даср дуфур, будур анинг расмим,
Ойриб кишини азиздин хор айлар.*

Чиндан ҳам, кишини эътиқод қўйган азиз сиймо ва тушунчаларидан айириб хор қилиш — ўша даврнинг оддий ҳолга айланган одати эди...

Эртаси куни Абдулла ака билан самолётга ўлтириб Тошкентга қайтдик. Андижондаги оташин бобурпарвар Зокиржон акани иккимиз ҳам дам-бадам эслаб юр-

дик. Аммо у кишининг кейинги тақдири қандай кечганини билмай қолдик.

Муҳтарам журналхон, энди икки оғиз сўзни андижонлик тарихчи домламиз, профессор Сайфиддин Жалиловдан эшитсак. У киши "Бобур ва Андижон" деган китобида бундай ҳикоя қилади:

"1981 йили икки йилдан сўнг Андижонда Бобурнинг 500 йиллик юбилеи тантана билан нишонланиши ҳақида хушхабар тарқалди. Юбилейга тайёргарлик ишлари бошланиб кетди.

Бу ерда муҳим тадбирлардан бири Бобур музейини ва ҳайкалини яратиш эди. Холисанлилло айтиш керакки, бу ишда Андижон шаҳрининг ўша йиллардаги ижроқўми раиси Зокиржон Машрабов бошқаларга урнатма бўларли даражада ташаббус кўрсатди. "Арк ичи" маҳалласи ёнидаги XV асрда қурилиб, сўнг вайрон бўлиб кетган мадраса бўлғуси музей учун қайта тикланди. Бобур ҳайкалига буюртма берилди. Уни бронзадан қуйдириш учун Митиши шаҳрига Зокиржон Машрабовнинг ўзи икки марта бориб келди. Унга сарфланадиган хомашё — салкам икки тонна бронзани олиш учун иттифоқ маданият вазирлиги билан гаплашди.

Ниҳоят, юбилейга — 1983 йил апрель ойига музей учун бино ҳам, у ерга қуйиладиган ҳайкал ҳам тайёр бўлди.

Бироқ Марказқўмдан Бобур юбилей тантана қилинмасин, Бобур барибир босқинчи, уни кўтар-кўтар қилиб бўлмади, деган мазмунда кўрсатма бўлиб, 20 апрель куни вилоят театри биносига бир ярим соатгина илмий анжуман ўтказилди. Академиянинг вице-президенти бошчилигида келган олимлар тушлиқдан сўнг яна Тошкентга қайтиб кетдилар. Андижонда бошланган барча ишлар чала қолди: уй-музей очилмади. Бобур ҳайкали эса омборхонага олиб кириб қўйилди. Ҳафсалалар пир бўлганидан тадқиқот ишларини ҳам вақтинча тўхтатиб қўйдик.

Икки йил ўтгач, жумҳурият гоёвий ҳаётида носоғлом кайфият ҳукм суриб, ҳатто "Бобур" деган номни ичимизда айтадиган бўлиб қолдик. Бобур номини абадийлаштириш ишида ташаббус кўрсатгани учун шаҳар ижроқўми раиси Зокиржон Машрабов ишдан олинди..."

Тарихчи домла бу гапларни орадан анча вақт ўтиб, яъни 1993 йили рақам этди. Аммо бу даврга етиб келиш учун ҳали қарамлик чанғалидаги таҳқирловчи ун йиллик умрни сабр-тоқат билан яшаб ўтмоқлик лозим эди.

Бу йиллар "тарихимизнинг энг кир, қора кунлари"дан бир саҳифа бўлиб мозийдан жой олди.

Бутун тараққийпарвар инсоният чексиз ҳурмат билан нишонлаган Бобур Мирзoning беш асрлик таваллуд тўйи унинг тарихий ватани — Совет Ўзбекистониди шу тариқа "байрам" қилинди.

Шўро мафкурасининг лашкарбошилари мўлжални аниқ олган эдилар: ҳазрати Бобур халқ гурурининг ўлмас тимсоли эди. Халқ руҳини синдирмоқ, уни мудом итоат ва қарамликда тутмоқ учун эса, аввало, ўша миллий гурур чинорларини қулатмоқ лозим эди.

Аммо Бобурнинг ғанимлари бир нарсада адашдилар: Оллоҳ қулатмаган кимсани банди қулатолмас экан. Халқ юрагига эътиқод бўлиб ўрнашган туйғуни ситиб чиқариб бўлмас экан.

Шунинг учун ҳам расмий доиралар Бобур Мирзони ёмон отлик қилишга қанчалик зўр бериб тиришсалар, халқнинг, маданий жамоатчиликнинг у зоти шарифга, бобуршунга ва бобурпарварларга эҳтироми шунчалик зиёда бўлиб бораверди.

Бобур Мирзoning ҳаёт китобидан ибратлар олган Зокиржон ака тақдирнинг бу зарбасидан довдираб қолгани йўқ. Бу "ўзбошимчалик"нинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини у аввалдан яхши билар, шу боис ҳамиша бунга руҳан тайёр эди. Энг муҳими, Бобур Мирзoning муҳташам ҳайкали яратилган, у омборхонада бўлса-да, мавжуд, минобарин, вақти-соати етиб муносиб ўрнини эгаллашига Зокиржон аканинг ишончи комил эди.

Шўро арбоблари жаҳл устида ҳайкални эритиб йўқ қилиб ташлашга амр этмаганлари учун собиқ "ижроқўм" ўзида йўқ хурсанд эди.

Ўша йилларнинг расмий таомилига кўра, "амалдан тушган" раҳбар сифатида унга бир неча паст-баланд лавозимлар тақлиф қилинади. Аммо Зокиржон Машрабов катта араванинг кераксиз ва кўримсиз бир мурвати бўлишни истамас эди, шу сабаб, бу тақлифларни ташаккур ила рад этиб, ўз соҳаси — геологика қайтишга изн сўрайди. Ўз куч-ғайрати ва ташаббуси билан Андижон шаҳрида республика Фанлар академиясининг кўп тармоқли илмий-ишлаб чиқариш марказини ташкил этади. Бу ташкилот бутун Фарғона водийсида турли хил сейсмологик, геодезик ишларни амалга ошириш билан шуғулланади.

Геология-минерология фанлари номзо-

ди Зокиржон Машрабов то ҳануз шу марказга мутасаддилик қилиб келмоқда.

Шу ўтган йиллар мобайнида у муттасил Бобур руҳи, Бобур ёди билан яшади.

Ва ниҳоят...

1992 йилнинг эрта баҳори эди. Ғафур Ғулом номидаги нашриётда бирга ишлардик, шоир Муҳаммад Юсуф юртидан бундай гап топиб келди: Андижонда бир илмий экспедиция тузилаётган эмиш, мақ-

маннолари, деб қараганим учун кулиб қўяқолдим. Тўғри-да, магазинда шугурт ҳам анқонинг уруғи булиб турган шу пайтда экспедиция ташкил қилиш, Тўйтепадан ҳам нари ўтиш мушкул бир замонда, бунинг устига, автомобилда(!) ўндан ортиқ чет давлатга бориш... баайни туянинг ҳаммомни орзу қилганидай бир гап эди.

"Андижонлик хаёлпарастлар", деб қўйдим ичимда.

Шу билан бу мавзуда қайтиб сўзлашмадик. Шоир ҳам алақайга мухлислари даврасида шеър ўқигани кетди.

Аммо бу орада у менинг индамаганимни "аломати ризо" дея тушуниб, кимларгадир хабар берган шекилли, икки кундан сўнг ишхонамга андижоннусаха дўппи кийган бир киши мени йўқлаб келди.

Бу киши ўша эски танишимиз — оташин бобурпарвар Зокиржон ака Машрабов эди.

Шу куни сўхбатимиз кечга қадар давом этди. Зокиржон аканинг бошига тушган савдолардан, унинг ҳозирги ишларидан ҳам шунда хабар топдим. Шоир айтган экспедициянинг ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам айни шу инсон экан.

Февраль ойида Зокиржон ака ўзи сингари бир неча жонкур зиёлилар билан бирга Бобур номидаги халқаро жамғармага асос солди.


Март ойида Бобур ва бобурийлар изидан халқаро илмий экспедиция ташкил этиш ғояси туғилди ва амалий ҳаракатлар бошланди.

Апрель ойида катта тайёргарликка киришилди. Турли-туман идоралар билан муомала-муносабатлар, чет эл элчихоналаридан виза ундириш, ҳомийлар топиш, ҳар хил кабинетларнинг эшигига бир имзога соатлаб маҳтал туриш, Андижон — Тошкент оралигида тинимсиз қатнашлар...

Бу машаққатли саргардонликларга Зокиржон Машрабовдан бошқа ҳар қандай одамнинг юраги тарс ёрилиб кетарди. Аммо у қатъият, сабр-тоқат ва меҳнат билан буларнинг барчасига бардош берди. Ўзи бардош берибгина қолмай, биз ҳамроҳларини ҳам шунга ишонтира билди.

Аҳли Андижон илмий экспедициянинг бош ҳомийси бўлди. Ташкилотлар, корхоналар, жамоа ҳужаликлари аввало, Бобур Мирзо, қолаверса, Зокиржон аканинг ҳурмат-этибори учун ёрдам ва марҳаматларини аямдилар.

Ниҳоят, барча тадориклар битиб, 1992 йил 19 май куни халқаро илмий экспедиция Бобур ва бобурийларнинг тарихий из-



Зокиржон Машрабов, Зиёвуддин, Масъуддин ва Шамсиддин Тўсей Андижон вилоятининг Хонобод туманида. 1993 йилнинг декабри

сади автомобилда Бобур юрган йўллардан юриб, Ҳиндистонга қадар бориш эмиш. Шоирни ҳам экспедиция аъзолигига таклиф этишибди, аммо сафарнинг ўзоқ — икки ойдан зиёд давом этиши уни уйлантириб турган эмиш.

"Мана, сиз Бобур ижоди билан шугулланасиз, бормайсизми?" деди у.

Табиийки, бу гапга шоир кўнглининг та-

ларини излаб, иккита "Тойота" микроавтобусида сафарга жўнаб кетди.

Қарийб икки ой мобайнида ун тўрт кишидан иборат экспедиция аъзолари ўнга яқин шарқ мамлакатларини кезиб, ун саккиз минг километрдан зиёд масофани босиб ўтдилар.

Насибам кўшилган экан, мен ҳам андижонлик бобуринослар сафида бўлдим.

Ҳаётимнинг энг масъуд дамларига айланган сафар таассуротлари, хотира ва ҳаяжонлари ҳақида бирмунча нарсалар ёздим. Аммо бу сафар саргузаштларини, унинг ноёб кечинма ва ҳиссиётларини умрим борича ёзиб адо қилолмасам керак.

Энг муҳими, сафар баҳонасида тақдир мени Зокиржон акадай ажойиб инсонлар билан ошино қилганидан бениҳоя мамнунман.

Тангри таолонинг инояти билан бобурийлар изларини излаб дунёнинг неча ўнлаб қадимий ва гўзал манзил-мароҳилларини кездик. Машҳад, Табриз, Техрон, Зоҳидон, Арзирум, Сиваш, Анқара, Кўнё, Искандерун, Дамашқ, Оммон, Мадинаи Мунаввара, Маккаи Мукаррама, Тоифи Шариф, Эр-Риёз, Абу Даби, Дубай, Мултон, Лоҳур, Исломобод, Пешовар, Жалолобод, Кобул, Мозори Шариф сингари шаҳарларга пойқадамимиз етди. Қизил денгизда, Форс кўрфази сувларида юз ювдик.

Бу йўллар кўп қадим йўллар экан, уларда гаройиб саргузаштларни боншдан кечирдик. Гоҳ ҳашаматли меҳмонхоналарда, гоҳ яйдоқ дала-даштрларда бош кўйдик. Гоҳ оч-наҳор қолдик, гоҳ шоҳона дастурхонлар тўрида ўлтирдик. Турли-туман одамлар, турфа хил инсоний тақдирларга дуч келдик. Не-не азиз инсонларнинг қабр-мақбараларини зиёрат қилдик.

Балуържон саҳроларида қароқчи — ашўрларнинг таъқибига дуч келдик.

Ҳиндикуш тоғларининг осмонўпар Ҳайбар довонидан — қилкўприкдек омонат йўллардан жонимизни гаровга кўйиб ошиб ўтдик.

Саҳрои Кабирда кўм буронлари ичра қолган кўнларимиз ҳам бўлди.

Лоҳурда, бобурийлар салтанатининг муззам ва қадимий пойтахтида аждодларимиз бунёд этган Шоҳи Қалъа сингари меъморий мўъжизалар қаршисида ҳайратдан лол қолдик.

Кобулда, ун тўрт йиллик уруш туфайли вайронага айланган бу гариб шаҳарда гўмбурлаб турган тўплар ваҳшати остида

Боғи Бобурдаги бобокалонимиз мақбарасини тавоф этдик, муборак марқаддан бир ҳовуч тупроқ олиб шоирнинг ота юрти Андижонга келтирдик.

Ёт элларда, жазирама иссиқларда юриб обдон ҳориб-толдик. Аммо кўнгилдаги мурод ҳосил бўлмай қолди — Ҳиндистонга етиб борулмадик. Сафаримизнинг ҳаддан узоқ чўзилиб кетгани, баъзи йўлдошларимизнинг оғир иқлим туфайли қаттиқ бетоб бўлиб қолгани бунга монелик қилди.

"Ҳазрати Бобур ҳам Ҳиндистонга уч бора юриш қилиб, ниҳоят, учинчи марта-сидагина уни забт этишга муваффақ бўлганлар. Иншооллох, насиб этган куни биз ҳам у жойга албатта етиб борамиз", дея таскин берган эдилар ўшанда Зокиржон ака. Ҳали йўл чарчоқлари тарқаб улгурмасидан у киши янги сафар тараддудини бошлади.

Айни айтганларидай бўлди: экспедиция иккинчи сафарги уринишда ҳам Ҳиндистонга ўтолмади. 1992 йилнинг декабрида ташкил этилган бу илмий юришда Ҳиндистоннинг Айодха штатида рўй берган этник-диний можаро сабабли чегаралар бекилиб қолди ва экспедиция ун беш кун мобайнида Афғонистон ҳудудида кезиб, Андижонга қайтди.

1993 йилнинг бошида Ўзбекистон ҳукумати Бобур Мирзо таваллудининг 510 йиллигини нишонлаш тўғрисида махсус қарор қабул қилди. Бу қарор Ватанимизда ул зоти шарифга нисбатан ниҳоят тарихий адолат тантана қилганидан далолат берувчи ҳужжат эди.

Зокиржон акани шу кўнларда бир кўрсангиз эди! Олтмишни қоралаб қолган бу одам яшнаб-яшариб, ёш йигитлар каби қайтадан куч-ғайратга тўлиб-тошган эди. Одатда, биз қаламқашлар лафзимизга жиндак маҳобат аралаштириб, "Фалон қарор фалон ишларга руҳлантириб юборди", деб ёзамиз. Аммо Бобур Мирзо ҳақидаги қарор Зокиржон акани бениҳоя илҳомлантириб юборгани чин ҳақиқат эди.

Қарорга биноан гоят қисқа муддат ичида Андижон вилоятида талай ишларни амалга ошириш — Бобурнинг мемориал хотира комплексини яратиш, уч юз эллик гектардан зиёд майдонда Бобур боғи ҳамда "Бобур ва жаҳон маданияти" деб номланган музей ташкил этиш, шаҳарда шоирнинг муаззам ҳайкалинини ўрнатиш сингари вазифалар кўзда тутилган эди.

Юбилейга тайёргарлик бошланиб, Зокиржон аканинг бош қашишга ҳам кўли тегмай қолди. Халқ усталари, меъморлар,

Халқаро экспедиция аъзолари. Ҳирот, 1995 йил.



курувчилар, ҳайкалтарош ва рассомлар — юртимиздаги минглаб бобурпарастлар иштиёқ билан меҳнат қилдилар.

Агар шу кунларда йўлингиз тушиб Андижонга бориб қолсангиз, мезбонлар сизни гурур билан албатта шаҳар ёнбошидаги муҳташам Бобур боғига бошлаб борадилар. Бу ердаги азим иншоотларда, шоирнинг рамзий қабр-мақбарасида, обод расталарда, шуқуҳ билан шовиллаб ётган куркам боғу боғчаларда халқимизнинг улуг ўғлонига нисбатан меҳр-муҳаббати жонли тимсол каби мужассам. Ҳазрати Бобурнинг қадамжоларидан бири бўлиш бу маскан эндиликда табарруқ зиёратгоҳга айланиб қолди.

Шунчалик улкан иш-ташвишлар билан банд бўлишига қарамасдан, Зокиржон ака Ҳиндистон орзусини асло ҳаёлидан чиқармади. Ва 1993 йилнинг жазирама ёзида — Ҳиндистонда ёмғир фасли бошланган рутубатли бир пайтда экспедиция навбатдаги сафарга жўнаб кетди.

Андижонлик бобуршунослар бу гал салкам икки ой мобайнида Эрон, Покистон ва Ҳиндистонни "Тойота"да эринмай кезиб чиқдилар.

Эҳ-ҳэ, йўлдаги машаққатларни айтаверган билан адо бўлмас! Шунинг учун, яхшиси, муҳтарам журналхон, сизнинг юрагингизни сиқиб ултирмасдан, сафарнинг амалий натижаларидан гапира қолайлик.

"Сирдарёни лойлатиб кечган" экспедиция тарихий ажодларимиз изидан Ҳинд уммониغا қадар етиб борди. Учала сафар мобайнида жами бўлиб олтмиш минг километрдан зиёд масофа босиб утилди. Бобур ва бобурийлар маданиятига оид куплаб ноёб китоблар, илмий-бадиий ҳужжат ва ашёлар, кино, видео, фототасвирлар тупланди. Бунёдкор боболаримиз ул диёрларда яратган меъморий муъжизалар синчиклаб ўрганилди. Хумоюн Мирзо, Акбар, Жаҳонгир, Шоҳжаҳон, Аврангзеб каби буюк сиймоларнинг қабрлари зиёрат қилинди.

Учинчи сафарнинг энг муҳим яқунларидан бири шу бўлдики, экспедиция узоқ изланишлардан сўнг бепоеён Ҳиндистон улкасида бобурийларнинг бугунги авлодларини топиб, улар билан учрашишга муваффақ бўлди. Сўзимизнинг аввалида зикр этилган "Буюк муғуллар жамияти" аъзолари, хонадоннинг муҳтарама бекаси Лайло Уммахони ва унинг ўғиллари, уларнинг фаолияти ҳақидаги илк хушхабарни ҳам юртимизга экспедиция аъзолари олиб келдилар. Бобур зурёдларининг бундан кейинги тақдири, уларнинг мамлакатимиз раҳбарияти ва жамоатчилиги билан мулоқот-муносабатлари сиз, қадрли журналхонларга яхши маълум.

Экспедиция материаллари асосида бешта илмий-бадиий китоб дунёга келди

ва бевосита Бобур номидаги Жамгарма ҳомийлигида нашр этилди. "Бобур саломи", "Бобур издан", "Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция" деб номланган ҳужжатли фильмлар яратилди ва томошабинлар ҳукмига ҳавола қилинди.

Ҳиндистон сафаридан Зокиржон ака ҳам мамнун, ҳам маҳзун бўлиб қайтди: "Хирот шаҳрида Алишер Навоий ва Султон Хусайн Бойқаронинг қабрларини икки кун излаб аранг топдик, — деди ҳўрсиниб. — Ҳазратнинг кўримсизгина мақбрасига бомба тушиб, вайрон бўлиб ётибди. Хусайн Бойқаронинг мақбарасидан эса синиқ сағана тошигина қолибди. Даҳмаларга элтадиган сўқмоқларни ўт-ўлан босиб кетган, ҳаммаёқ қаровсиз. Уларнинг қабри бошида ултириб беихтиёр йиғладим. Э бевафо фалак, дедим ўзимга-ўзим, шундоқ улуғ зотлар наҳот хор бўлиб ётса! Инсоннинг қадри наинки шундоқ бўлса!.."

Шу кундан эътиборан Эдқиржон ака бу дард билан қаттиқ "огриб" қолди. Катта-кичик давраларда, илмий анжуманларда, матбуот чиқишларида бу ҳақда кўйиб-ёниб сўзлади, маданий жамоатчиликнинг, давлатимиз раҳбариятининг диққат" эътиборини шу масалага қаратишга уринди ва бунга муваффақ бўлди ҳам.

Бу хусусда кўйроқда батафсил сўз юри-тамиз, ҳозир эса шу ажойиб, фидокор, мудом янги гоёлар, янги ташаббус ва таклифлар билан яшайдиган одамнинг қалб дафтарини варақлашда давом этайлик.

У кишининг бевосита бошчилигида шу кунгача Бобур Мирзонинг учта азамат ҳайкали бунёд этилди. Биринчиси — Ми-тиши шаҳрида ясалган ва кўплаб гавго-ларга сабаб бўлган уша мушхўр ҳайкал бўлиб, ҳозир у Андижондаги Бобур уй-музейига файз бағишлаб турибди. Яна бир улўғвор ҳайкал Бобур боғида қад ростлади. Вилоятнинг бош майдонида виқор билан турган баҳодир саркарданинг отлиқ сиймосини ҳайкалтарош Равшанбек Миртожиев зўр муҳаббат ва маҳорат билан яратди.

Бир куни Андижондан кўнғироқ қилиб, "Сиз Чўлпоннинг қатл этилган жойини биласизми? — деб сўраб қолди Зокиржон ака. — Бу ерда Чўлпон номига бир ёдгор-лик боғи қилмоқчимиз. Агар унинг қатл этилган жойи маълум бўлса, уша ердан ҳоқ-тўпроқ олиб, шоирнинг юртида, рам-зий бўлса-да, қабрини тиклаб кўйсақ мақ-садга мувофиқ буларди. — Бир оз сукут сақлаб тургач: — Ахир, инсондан бир хо-

тира-нишон, жуда бўлмаса, қабри қоли-ши керак-ку", дея кўшиб кўйди.

Бобур авлодлари мамлакатимизга келиб кетганидан сўнг Зокиржон ака улар-нинг улуғ аждоди — Баҳодиршоҳ Иккин-чи — Зафарнинг фожиали қисматига қаттиқ қизиқиб қолди. Бобурийзодалар-нинг андуҳ билан ҳикоя қилишларига қара-ганда, инглиз мустамлакачилари Баҳодиршоҳни етмиш икки ёшида Рангунда сипоҳийлар кўзғолонининг раҳбари сифа-тида айблаб ўлдирган эканлар. Кекса шоир ўлимидан олдин турма деворига қон билан ғазал битиб, ўзини Деҳлига — Ҳумо-юн Мирзо мақбараси пойига дафн этиш-ни васият қилган экан. Афсуски, чархи кажрафторнинг норасо ишлари туфайли унинг авлодлари бу васиятни ҳанузгача адо этолмаган эканлар.

Бу қайғули қиссадан хабар топгач, Зокиржон ака беҳад мутаассир бўлиб, суҳ-батларимизнинг бирида шундай фикрни баён қилдилар: экспедициянинг яқин кел-лажақдаги иш режасига Бирмага сафар масаласини киритиш керак — Баҳодир-шоҳнинг сўнгги армонини рўёбга чиқариш Бобур жамгармаси аъзолари учун ҳам қарз, ҳам фарз!

"Ахир, ўзингиз ўйлаб кўринг, бу ишлар-ни биз қилмасак, ким қилади?" дейди у киши хаёлга толиб.

Бу одамнинг ҳайрат-ҳавасига, иштиёқ ва шижоатининг миқёсларига ҳамиша ҳайрон қоламан. Теранроқ таҳлил қилиб кўриб шу нарсани англадимки, у ё онгли равишда ёки қандайдир савқи табиий асо-сида инсоннинг кўпроқ сўнгги маскани — абадий манзили бўлмиш қабр-мозорлар ҳақида ўйлаб юраркан. Шу боис ҳам гоҳ Бобораҳим Машраб мазорини, гоҳ Беру-нийнинг қабрини суроқлаб-ахтариб юра-ди. Бунда маҳзун ва илоҳий бир ҳикмат борлиги шубҳасиз.

Ахир, бежиз эмаски, шоир қалби бун-дай нидо қилган:

*"Саррайман сарфалар афр қараб тек,
Қобрий қабрини излар Отабек..."*

Юк кўтарган юзага чиқади. Зокиржон Машрабовнинг чеккан заҳматлари, эл-юрт олдидаги хизматлари ерда қолмади. Ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан у киши "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими" унвони билан тақдирланди.

"Миллий қадриятларни тиклаш ва ма-даниятни юксалтириш, Заҳириддин

Муҳаммад Бобур меросини ўрганиш ва тарғиб қилишдаги фидокорона хизмати ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун" деб қайд этилди бу олий ҳужжатда.

Ўйлайманки, Зокиржон аканинг кўп йиллик илмий-амалий фаолиятига бу сўзлар орқали энг аниқ ва муносиб баҳо берилди.

Ҳикоямиз аввалида биз Зиёвиддин Тусийнинг ажабтовур саволини эслаб ўтган эдик. Зиёрак ўқувчиларимиз англагандирлар: юртимизда ҳазрати Бобурнинг авлодлари барҳаёт экан. Қаҳрамонимиз Зокиржон Машрабов ана ўша бобурийлардан биридир.

У, эҳтимол, Бобур Мирзонинг қондош-жондош зурёди эмасдир. Аммо унинг дилдош, диндош авлоди эканлиги шубҳасиз.

Доно шоирларимиздан бири айтганидек, ер — ишлаганники, шоиру олим — ўқиганники, қадрлаганники.


Мен ушбу фаромуш сатрларни битиб ўтирган кун — 1995 йилнинг 17 май куни

тонг саҳарда Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция туртинчи бор сафарга жўнаб кетди. Зокиржон ака ва унинг меъмор, муҳандис, муаррих, геодезист мутахассислардан иборат ҳамроҳлари кўҳна Ҳиротни кўзлаб йўлга чиқдилар.

Уларнинг ниятлари қутлуг, мақсадлари олижаноб: афгон тупроғида авлодлар имдодига маҳтал бўлиб ётган улуг бобуларимизнинг мақбараларини обод, руҳи покларини шод айлаш.

Эзгу орзулар ила машаққат чекиб, ур тортиб бораётган бу маънавият заҳматкашларига Оллоҳдан оқ йўл тилайлик.

Таҳририятдан: Журнал чоп этилаётган кунларда Андижондан, Зокиржон акадан хушхабар олдик. Бобур номидаги Халқаро илмий экспедиция қарийб бир ой давом этган навбатдаги сафардан эсон-омон қайтиб келибди. Экспедиция аъзолари қадим Ҳиротда бўлиб, ҳазрати Алишер Навоийнинг қабр-мақбарасини тиклаш-таъмирлаш бўйича дастлабки ишларни муваффақиятли адо этибдилар.



Ўткир ҲОШИМОВ

ДАФТАР

ҲОШИЯСИДАГИ

БИТИКЛАР



ТАБИАТ. ЖАМИЯТ. ИНСОН

Шер оч қолмаслик учун кийикни ейди. Аммо бир-бирини улдирмайди. Кийик оч қолмаслик учун кукаат ейди. Аммо бир-бирини улдирмайди. Баъзи одамлар кукаатни ҳам ейди, кийикни ҳам ейди, кунгилхуши учун шерни ҳам улдиради... Кейин... бир-бирининг пайини қирқади. “Табиат гултожи”га “шон-шарафлар” булсин!

* * *

Булбулнинг эркаги сайрайди. Одамнинг — аёли...

* * *

АТЛАНТИКА ОКЕАНИ УСТУДА

Тенгада бир уммон, настида бир уммон,
Икки денгиз аро кеңар лаҳзалар.
Ҳаёлга толаман: мен ўзи кимман?
Ўқиз Ва нотаВон зарра... алҳазар!

* * *

Яхшига ҳам, ёмонга ҳам бирдек яхши кўринишга уринадиган одам энг хавфли одамдир.

* * *

Қадим замонда кузи ожиз одам булган экан. Тирикчилиги танг аҳволда қолгач, узига ухшаган суқур бир тиланчига шогирд тушибди. Ундан гадойлик сирларини ургатишни сурабди.

— Бу ҳунарнинг учта қоидаси бор, — дебди устози. — Қаерда булса ҳам олаверасан. Қанча булса ҳам олаверасан. Кимдан булса ҳам олаверасан!

Орадан куп йиллар утибди. Устоз тиланчи ҳаммомнинг иссиқхонасида мудраб утирса, ёнбош томондан гўлдираган овоз келибди:

— Хайр қили-и-и-инг...

— Эсинг жойидами? — дебди устоз тиланчи. — Ҳаммомда ҳам садақа сурайдими?

— Қаерда булса ҳам, — дебди бояги овоз.

Устоз тиланчининг аччиғи чиқибди:

— Қанақа бетамизсан! Яланғоч одамда пул нима қилсин!

— Қанча булса ҳам чузаверинг!

Устоз тиланчи шогирдини овозидан таниб қолибди.

— Ҳой, бадбахт, келиб-келиб уз устозингни шиласанми?

— Кимдан булса ҳам олавераман! — дебди шогирд тиланчи.

...Албатта, порахур тиланчи эмас. Порахур аввалига узини тийиб юради. “Инсоф” билан

олади. Аммо бора-бора қаерда бўлса ҳам, қанча бўлса ҳам, кимдан бўлса ҳам олишга урганани ва охири ҳаммомга яланғоч қиради... Тагин ким билсин, қариб-чиригунча умргузаронлик қиладиганлари ҳам бўлса бордир...

* * *

Инсон шу қадар буюкки, унинг фазилатларини улчаш — дунёдаги энг баланд тоғнинг энг баланд чуққисига эмаклаб чиқиш заҳмати билан тенг. Баъзи инсонлар шу қадар тубанки, уларнинг иллатларини улчаш — дунёдаги энг баланд тоғнинг энг баланд чуққисидан эмаклаб тушиш заҳмати билан тенг!

* * *

Илк муҳаббат баҳор осмонидаги булутга ухшайди. Ошпоқ. Покиза. Шаффоф... На қўлингиз билан тутасиз, на ортидан югуриб етасиз... Шамол уни қаёққа олиб кетишини ҳам билмайсиз... Биринчи муҳаббат купинча натижасиз туғаши балки шундандир...

* * *

Аёл қалби тескари оҳанрабога ухшайди. Яқинлашсанг — узоқлашади. Узоқлашсанг — яқинлашади...

* * *

Энг бебаҳо ва ҳамиша беминнат тарқатиладиган бир хазина бор. Бу — она меҳри!

* * *

Бир нарсани куп кузатдим. Она овқатга утирган замон чақалоқ йиглайверади. Кексалар, бунақа пайта болани шайтон чимчилайди, дейдилар. Билмадим... Худонинг ўзи кечирсин-у, менимча, гап шайтонда эмас. Бу ҳол — тангрининг она меҳрини синаш усулларидан бири бўлса ажабмас...

* * *

Эркак билан аёл муносабатида айбни нуқул эркакдан излаш инсофдан эмас. Шам ёнмаса, парвона яқин келмайди...

* * *

Аёл сизни жуда қаттиқ севса, эҳтиёт бўлинг. Оташин севги — рашкка, рашк — шубҳага, шубҳа — худбинликка, худбинлик — душманликка айланиши мумкин.

* * *

Хотин кишининг жони қирқта булади, десалар, ажабланманг. Негаки, у битта жонни узига олиб қолиб, уттиз туққизтасини фарзандларига беради.

* * *

Қадимги мусавирлар фариштани гудак қиёфасида тасвирлагани бежиз эмас. Бола шу қадар соддаки, биз унинг даражасига туша олмаймиз. Бола шу қадар буюкки, биз унинг даражасига ета олмаймиз!

* * *

Дарвин зур, олим бўлса — бордир. Аммо унинг назарияси хато. Маймун миллион йилда ҳам одамга айлана олмайди. Одам эса бирпасда маймунга айланиши мумкин...

ТОШКЕНТ АЭРОПОРТИДАГИ ДУКТОР ЭЪЛОНИ

— Диққат! Диққат! Урганч — Тошкент йўналиши буйича 24-рейс билан учиб келган йуловчи Тешабой Болтабоевич Деҳқонбоев! Сизни утлингиз Альберт, кизингиз Офелия, кўевингиз Фридрих, келинингиз Луиза, невараларингиз — Ричард, Эрнест, Изабелла, Карлссон, Сильвия, Зико, Индира, Кастилио, Чандра, Матильда, Арчибалд ва чеварангиз — Мошхурда кутиб туришибди!

САККИЗИНЧИ МУЪЖИЗА

Болта билан қалам бир-бирига ухшайдиган буюмлар эмас. Аммо хизмати жиҳатдан анча яқин туради. Болта — қотил қўлида улим қуроли. Утинчи қўлида меҳнат қуроли. Ҳунарманд қўлида санъат қуроли. Қалам — ҳасадгўй қўлида улим қуроли. Саводхон қўлида меҳнат қуроли. Истеъдод қўлида санъат қуроли.

* * *

Қадимги кимёгарлар олтиннинг соф ёки қалбакилигини аниқлаш учун моҳактош қўллар эканлар. Ёзувчининг сўзи моҳакка ухшайди. Бир оғиз Рости учун мингларнинг дуосини олади. Бир оғиз Ёлғони учун мингларнинг қарғишига қолади... Қаламкашнинг буюк бахти ҳам, буюк бахтсизлиги ҳам шунда!

* * *

Қоғоз оқ булгани учун унга Суз битадилар. Пайтава кир булгани учун Суз ёзиб булмайди. Қоғоз пок булгани учун заррача чўг тушса, ёниб кетади. Пайтава кир булгани учун тутайди-ю, ёнмайди. Ёзувчи булиш учун истеъдоднинг узи камлик қилади. Қалби қоғоздек пок, қоғоздек довиллаб ёнадиган одамгина чинакам ёзувчи булади!

* * *

Истеъдоддилар ҳадеганда қовуша қолмайди. Улар юлдузга ухшайди. Ҳар бир юлдузнинг уз меҳвари булади. Юлдузлар бир-бирини инкор этмайди. Аммо, бир-бирининг меҳварига кирмайди ҳам. Истеъдодсизлар эса бир замбил шағалдек гап. Дарров тудалашади. Туда булиб жим ётса-ку, майли. Тош отавериб безор қилгани чатоқ...

* * *

Ҳамкасбарим мени кечирсин-ку, баъзи қаламкашлар варракка ухшайди. Шамол қаёққа эсса, уша ёққа қараб шох ташлайди. Шамол қанча қаттиқ эсса, думини шунча шитоб билан ликиллатади.

Қанча ҳаволанса, дардарағи шунча қаттиқ вариллайди.

* * *

Баъзиларга ҳайрон қоласиз. Уз фарзандларини тирик етим ташлаб кетади-да, башарият бахтини уйлайман, деб шигир битади. Агар ҳар биримиз ёнимиздаги ақалли битта одамга бахт бера оلسак, башариятнинг камида ярми бахтиёр булур эди.

УРУШЛАР ҲАҚИДА

Инсоният тарихи урушлар тарихидан иборат. Этракларда — уруш. Достонларда — уруш. Китобларда — уруш. Киноларда — уруш... Табақалар уруши. Фуқаролар уруши. Мамлакатлар уруши. Жаҳон уруши...

Олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, сунгги олти минг йил ичида Ер куррасида 5700 марта уруш булган экан. (Майда-чуйда қабилалар жанжали бу ҳисобга кирмайди.) Яна уша олимларнинг айтишича, одамзод уртача олтмиш йил умр кураккан. Бундан чиқди, инсон боласи ҳаёти давомида 57 йил уруш қилиб, уч йил “дам олар” экан. Астаъфириллоҳ! Биз киммиз узи?!

* * *

Урушда ғолиб подшоҳ, ғолиб қушин, ғолиб давлат, ғолиб тузум булиши мумкин. Аммо, ғолиб одам булмайди. Негаки, уруш одамни одам улдиришга мажбур қилади.

* * *

Қайси йил экани эсимда йўқ. Ҳарқалай, уруш битганига икки-уч йил булиб қолган эди. Ёш бола эдим. Ҳали мактабга бормасдим... Опамнинг тўйи булди. Ҳаммалари қиз узатиб кетишди. Уйда биз — ёш болалар қолдик. Қурқиб-нетиб юрмасин, дедими, қушни кампир бизниқига чиқиб ётди.

Бу ёғи аниқ ёдимда... Жийда гуллаган эди. Супада қатор ётибмиз: акам, мен, укам... Энг чеккада қушни кампир... Сутдек ойдин кеча. Ҳаммаёқ осуда. Чигирткалар нағма чалади...

Энди кўзим илинган экан, олисдан поезд гилдирагининг тарақа-туруқ товуши келди. Кейин паравоз чўзиб “гу-у-у-к” деди. Кампир, овози титраб, хитоб қилди:

— У-у-ул! Овозинг ўчсин, у-у-ул! Турғунимни қаёққа обкетдинг, жувонмарг! Обкеб бер ёлгимни!

Курпадан муралаб қарасам, кампир тиззасини кучоқлаб ойга термилиб утирибди. Уйқум бутунлай ўчиб кетди. Анчагача жим ётдим-да, охири сурадим:

— Пойиззи нега қарғаяпсиз, буви?

Кампир хурсинди:

— Ухла, болам, ухла...


...Ушандан бери ёз кечалари ҳовлида ётсам, олисдан поезд гилдиракларининг шовқини, гудук товуши келса, тиззасини кучоқлаб утирган кампир кўз унгимда жонланади...

* * *

Урушнинг яхшиси булмайди. Аммо энг даҳшатли уруш — фуқаролар уруши. Негаки, у авлоддан авлодга “мерос” утиб, абадий давом этади!


* * *

Уруш билан беш кунда битадиган муаммо тинчлик билан беш йилда битса, иккинчи йўлни танлаш керак!



ТАФАККУР

Tafakkur



ЁҶДОННИҲИ ШИՂЛАСИН ЁҶДОНА ШИՂИДН,
БҲ БИСОЛ БИР АҶОНБ ҚЎЗИՂА ШИՂИДН.

Буюк оқин

Қозоқ элининг буюк фарзанди Абай Қўноқов б. йил 150 ёшга тўлди.

Абай 1845 йил 10 август куни Қозоқистоннинг буғунги Семипалатинск вилояти ҳудудидagi Чилингоз этакларида жойлашган Арғиш қишлоғида таваллуд топди. У 9н ёшгага отаси — йирик феодал Қўноқовий тәрбиясида бўлди. Дастлаб овулидаги мулалардан илм ўрганди. Ун ёшида отаси уни Семипалатинск шаҳрига — аввал Абдулжаббар, сўнгра Аҳмад Раза деган таатар мулалар таҳсимига берди. Уша ерда у "Приходская школа" деб аталувчи рус мактабида ҳам ун ой ўқиди. Аммо, 9н ун ёшга тўлган, отаси нақсаб олиб бериш ниятида уни ўқидан бўшатиб олди. Шу боис у бир неча йил бўлис лавозимида ишлади.

Абай турмушидаги қарана-қаршилик ва адолатсизликларни кўриб, нақсабу бойликдан нафратлана бошлади. Шу тариқа қалбига соф инсоний туйғулар бош кўтариб, уни халқпарварликка, инсонпарварликка ундади.

Абай 9н ёшидан шовр еза бошлайди. Аммо, 1884-85 йилларга келиб, у ҳаётни тирак идрок этувчи донишманд даражасига етишади ва шоврий асарлар билан бирга ўзига хос ҳикоятлар ёзишга киришади.

Мажидлаш лозинки, Абайнинг буюк шахс ва ижодкор бўлиб шаклланишида ун руҳий-тағрифий налба муҳим ўрин тўтган. Улар — туркий адабиёт жаваҳирлари, Шарқ шоирларининг ижодий мероси, рус ва Тарб адабиётининг муштовз намуналаридур.

Абай айниқса Ҳизоний, Ҳавоий ва Грузувий ижодиётини кўн ўрганган. Буюк оқиннинг "Ҳози равшан, кўзи гавҳар", "Қўзимнинг қораси", "Алишдек", "Ез", "Қуз", "Қиш" каби асарлари Алишер Ҳавоийнинг айрим асарлари билан назмуран ҳамоҳангдур. Абайнинг "Искандар", "Азим афсонаси", "Масқут" каби достонлари ҳам унинг Шарқ шоирлари, хусусан, Ҳизоний Танжавий, Алишер Ҳавоий ва Грузувий ақналарни йқлида ижод этганидан далолат беради. Атоқли қозоқ ёзувчиси Мухтор Абезовнинг таълимотига кўра, Абай кайта ўли Оқилбойга Алишер Ҳавоийнинг "Савлаи сайёр" асари асосида "Ҳарроҳ" номли достон яратилиши ҳам топширган экан.

Абай ўзбек халқига, унинг буюк фарзандларига юят салимий нуқосабатда бўлган. Чунки, "Бирнунга ган қозоқнинг қайдан тикқатини ҳақида" деган тадрқиқотида у Заҳирддин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома" асарига нуқожаат этади ва ўзбек халқи ҳақида тана бундай деб езади: "Ўзбеклар экнаган экин, улар олмагай ҳосил, савдоарлари бормаган манзил, хүмас, уларнинг қўлидан келмаган иш йқк. ...Зийраклик, ноҳирлик, эптимлик, уддабурролик ҳам шуларда, ситоник, одоб ҳам шуларда".

Бу сўзлар Абайнинг ўзбек халқи ва унинг буюк намояндаларига берган нуқсаб баҳосидур. Бу — икки қардош халқ ўртасидаги дўстликнинг салимий эфиррифидур. Шу боис, ўзбек халқи ҳам Абайни ўз оқини ва донишманди деб билади, унинг номини нуқдон эгзозу эҳтиром билан ед этиб келади.

Қалғибек СЕИДАҲОВ



Муқаддима

Ёшим шу ерга етгунча яхши яшадимми, ёмон яшадими, ҳар қалай, яшаб келдим, умримнинг кўпи кетиб, ози қолди, бошимдан не-не савдолар кечмади: олишдим, юлишдим, айтишдим, тортишдим — хуллас, бошга тушганини тортиб келдим. Мана, энди ёшим қайтиб қаридим, ҳоридим, қилиб юрган кўп ишларимда маъно йўқлигини, ҳаммаси шунчаки бир гап эканини кўрдим, билдим. Хўш, энди қолган умримни қандай қилиб ўтказсам экан? Мана шунисига ўзим ҳам ҳайронман.

Элу юртга раҳбарлик қилсаммикан? Йўқ, эл мен кўрсатган йўлдан юрмайди. Агар, бошимга ташвиш сотиб оламан, деган киши ёки ҳали пешонаси деворга бориб тегмаган, белида қуввати, кўкрагида гайрати бор ёшлар раҳбар буламан демаса, бизнинг элга раҳбарлик қилишдан худонинг ўзи сақласин! Мол боқсаммикан? Йўқ, боқолмайман! Керак бўлса, бола-чақа ўзи боқиб олар. Қариган чоғимда ўғрилар, муттаҳамлар учун мол боқиб, кўпи кетиб, ози қолган умримни хор қилиш ниятим йўқ! Ё илм-фан билан шугуллансаммикан? Йўқ, ундай десам, бу элда илмнинг қадрига етадиган, уни тушунадиган одам йўқ. Билганингни кимга ўргатасан? Билмаганингни кимдан сўрайсан? Кимсасиз чулу биёбонда олдига матосини ёйиб, қўлига газини ушлаб утирган кишидан нима фойда? Ёнингда ҳасратлашиб, кўнгил ёзадиган киши бўлмагач, илму фан кишини тез қаритадиган бир ташвиш экан, холос.

Сўфилик қилиб, дин йўлига тушсаммикан? Йўқ, бу ҳам бўлмайди! Чунки ундай қилиш учун ҳам тинчлик керак. На кўнглингда, на ҳаётингда осойишталик бўлмагандан кейин, бундай элда, бундай жойда сўфиликка бало борми?

Ёки бола-чақаларимнинг тарбиясига киришсаммикан? Йўқ, бу ҳам тўғри келмайди. Бу ишга жон деб киришар эдим-у, лекин қандай тарбия қилишни ҳам билмайман-да, ахир! Хўш, тарбиялаганда ким бўлсин деб тарбиялайман? Қайси элга қўшайин, қайси томонга йўллайин? Борди-ю, тарбия қилганимда ҳам, бола бечоралар илмининг самарасини тинчлик билан кўра оладими? Кўра олса, қаерда, қандай қилиб? Бунга ҳатто узимнинг ҳам ақлим етмайди-ю, уларга нима қил деб, қаерга бор деб илм ўргатаман? Буни ҳам эрмак қила олмадим.

Охири шундай қарорга келдим: хаёлимга келган нарсаларни оқ қоғозга ёзаверайин, оқ қоғоз билан қора сиёҳни эрмак қилайин. Кимда-ким бундан ўзига керакли сўз топса, ёзиб олсин ё ўқисин, кераги йўқ деса, уз сўзим узимники, дедим-да, ниҳоят, ёзишга утирдим. Энди бундан буён шундан бошқа ишим йўқ.

* * *

Фаросатли одам кулги деган нарсанинг мастлик эканини, ҳар қандай маст киши гофил булишини ва бошогриқ гапларни кўп гапиришини яхши билади. Зотан, бекордан-бекорга кулаверадиған кишининг ё ақли жойида бўлмайди, ё эса куламан деб ишидан, рўзгоридан, номусидан айрилганини ўзи ҳам билмай қолади. Бундай кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам охири бир азоб чекиши бор.

Қайгу-ҳасрат нималигини биладиган, фикр қила оладиган киши бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ортиқ қийналмайди — иши пишиқ бўлади. Одатда, пишиқликнинг тағи — мулчилик. Ҳўш, энди, агар шундай бўлса, биз доимо қайгу-ҳасратга ёр бўлиб юра оламизми? Доимо қайгу-ҳасратга ёр бўлиб юришга жонимиз тўзим бера оларми экан? Ёки, дейлик, биз муттасил кулмай юра оламизми? Инсон бир умр кулмай юришга чидай олармикан? Йўқ, мен доимо қайгу-ҳасрат билан юриш керак, демайман. Аммо ҳеч қайгу-ҳасрат чекмаслик ҳам мумкин эмас. Демак, кўпроқ ана шу қайгу-ҳасратдан қутулиш учун ҳаракат қилиш керак. Ҳаракат қилганда ҳам билиб ҳаракат қилиш керак. Чунки ҳар қандай уринли ҳаракат қайгу-ҳасратни камайтиради. Шундай қилиб, қайғуни уринсиз кулги билан эмас,

уринли ҳаракат билан камайтириш зарур!

Қайгу-ҳасрат уйига кириб қолиб, ундан чиқолмай юришнинг ўзи ҳам бир ҳалокатдир. Сен бировнинг ёмон қилигидан кулсанг, роҳатланиб кулма, ачиниб, изза бўлиб кул. Зотан, ачиниб, изза бўлиб кулишнинг ўзи — қайгу-ҳасратдир. Демак, бундай ўринда ўзинг ҳам доимо кулавермайсан, албатта. Бордию, яхши одамнинг яхши қилигидан кулсанг, унинг шу яхши қилиқни яхшиликдангина тошганини ўзинга ибрат қилиб кул. Яхши-ёмонни куриб ибрат олмоқ ҳаётда сени йўлдан озидан эҳтиёт қилади. Мен ҳамма кулгилар тўғрисида гапириб утирмайман. Аммо шу кулгиларнинг ичида бир кулги борки, бундан худонинг ўзи асрасин! Бу кулги худонинг ўзи яратган жойдан — юракдан чиқмай, балки аксинча, мутлақо сохта бўлиб, хужакўрсин бир кулги бўлади.

Одам боласи тугилишда йиғлаб тугилади-ю, ўлаётганида норози бўлиб ўлади. Шу икки уртада дунёнинг у-бу роҳатларини татиб кўролмай, бирининг кетиға бири тушиб, бирига бири мақтаниб, не-не эсиз умрини қаёқдаги бўлмагур ишларга сарф қилиб, маъносиз уткази-да, ўлим олдида адо бўлган олтин умрининг ҳатто бир қунини ҳам бутун бисотини, мол-дунёсини сотиб қайтариб олишнинг иложини топа олмай қолади.

Қувлик ва шумлик билан кун кўриш,

Дидактик таълимот, лэни пандномалар Шайх муртоз адабиётининг кен тарқалган туғридир. Шайх-муртоз иқтисомий-фалсафий, зоҳирий ва ботиний ҳодисалар ҳақида, инсон ҳаётининг моҳияти ҳақида, одамзот руҳининг сирли жамвалари ҳусусида тешан, мураккаб, баъзан Зиддийлик мушоҳадалар билан йўқрилган пандномалар Шайх мамлакатларида азалдан мансур. Румийдан тортиб Сўфи Оллоғрига, Саидийдан тортиб Авлонийга булган юзлаб сўз санъаткорлари бу борада новб ҳаётини ҳикоятларини илшо этиб, авлодлари мерос қилиб қолдирганлар.

Илҳодий фаоллигини шайх-ўлавлар тўғрисида бошлаган азамат оқин Абай умрининг сўғини йилларида айни шу жанрга мувожаат қилди. Шайх умр бўли қозоқнинг қалбидай бепоён сажраларини кезиб, мағрифат ва руҳоният вадусини астафди. Ифроний ақл соҳибни бўлган донишманд Абай дунёда ҳалаллик, эзирлик, мағнавият, самимият тантанани қилишнинг мудом ордун қилди, бор иқтидорини шу илҳодий мақсад йўлида сарф этди.

Айрўқин, Абай илҳодий йиллар қозоқ миллати тарихининг "эти кўр, қорға сажраларидан бири" (Абдулла Қодирий таъбири) эди. Шинимсиз икки илҳодий, ногаҳиллик, манманлик туғрайил қозоқ ҳонликлари амригилиб, халқ мустанлакка тантанани тушиб қолди; Зирм кўрайилди, қозоқ далаларидан қайғу бароқа кўрайилди, ягон ақидалар, мунофиқлик, подонлик, жаҳалат авж олди.

кўз сузиб тиланчилик қилиш — ҳунарсиз итнинг ишидир. Сен агар одам бўлишни истасанг, аввало, гайратингга таяниб меҳнат қил, меҳнат қилсанг, қора ер ҳам сендан ўз ноз-неъматини аямайди ва шунда ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан.

* * *

Бола икки хил одат билан тугилади. Бири — есам, ичсам, ухласам демоқликдир. Булар таннинг сихатлиги учун зарурдир. Булар бўлмаса, танда жон ҳам бўлмайди, бола усмайди ҳам, қувватта ҳам кирмайди. Иккинчиси — кўрсам, билсам демоқликдир. Бола нимани кўrsa, шунга талпинади, ялт-юлт этиб қарайди, кўрган нарсасини қули билан ушлаб, юз-кузига суйкагиси, оғзига солиб тишлагиси келади. Карнай-сурнай овозини эшитса, ён-атрофига аланглаб қарайдиган бўлади. Сал каттароқ бўлганидан кейин эса, ит ҳурса ҳам, қуй маъраса ҳам, биров кулса ҳам, йиғласа ҳам югуриб чиқиб қарайдиган ва “У нима?” “Бу нима?” “У нега ундай қилди?”, “Бу нега бундай қилди?” деб, кўрган-эшитган нарсаларини сўрайдиган бўлади. Жавоб олмагунча ҳеч тин топмайди. Буларнинг ҳаммаси — кўрсам экан, билсам экан, ургансам экан деган табиий қизиқиш аломатидир, албатта.

Дунёдаги барча ҳодисаларнинг сирини юзакироқ бўлса ҳам билмаслик — одамгарчиликдан эмас. Шунини ҳам билмаган одам — одам эмас, ҳайвондан ҳеч фарқи йўқдир...

Бола кезимиздаги кучимиз, қувватимиз, ақлимиз етмаган ҳар нарсани “Бу нима?”, “У нима?” деб сураб юрган ва шу туфайли ҳатто овқат ейишни ҳам эсимиздан чиқариб юборадиган одаларимиз, қизиқишларимизни нега энди улгайиб, ақлимиз киргандан кейин йўқотиб қўйдик? Нега энди биз уша болалик пайтимиздаги қизиқувчанлигимизни улгайиб, ақлимиз киргандан кейин илм йўлида ишлатмаймиз? Ахир, шундай қилсак, дунёқарашимиз кенгайиб, илм бизга жон озиғи бўларди.

Тандан ҳам ақл ортиқ. Биз танни ана шу ақлга бўйсундиришимиз керак эди. Йўқ, биз бундай қиладик, бундай қилиш у ёқда турсин, ҳатто ҳар қайсимиз овулимиз атрофидаги машаалардан нарироқ кета олмадик. Ақл-идрок бизни ёш кезимизда узига тобе қилиб юрган экан, ёшимиз улгайиб, танимиз кучга тулганидан сунг биз ақл кўрсатган йўлдан юрмадик. Ақлни танга қарам қилиб қўйдик, ҳеч нарсага кўнгил бермадик, кўз билан кўрмадик, кўнгил айтиб турса ҳам унга ишонмадик. Кўз билан кўрган нарсаларимизнинг юзасинигина қўриб, ичида нима бор, нима йўқлигига қизиқма-

Эрксавар, жасур халқининг урматиндан, бутун туркман эллар тарихининг шонли келмишидан нурга хабардор бўлган муфассал Абайнинг мутаассиф торағи бу танаҳзури, бу туркманликдан қонга тўлди. Миллатдошлари, ватандошларини, жамикси Туркистон аҳлини яқин, баҳамжонхат, шижоатли ва Заковатли киерада кўрмоқлик ҳаётининг маъмури бўлган шонли халқларимизни раҳмат урқусидан урматини, жасурилик ботқонидан халос этишига бемисл жонбошликлар қилди.

Шу бос ҳам унинг насихатномаларида фавқулодда бир айлқ оҳам устурилик қилади. Дуст айтиб катиради деганларидек, элига, элатига, урмуни, тисон фарзандига жон-жаҳонни кўнган мутафаккир Абай маллафасатлик, подонлик, видғат, фикрий танбалликни кескин қоралайди, юз кини билан, юз Заҳаранда билан замондошларини ҳушерликка, тийфактикка дағват этади.

Абай насихатномалари — шов ибрат китобидир. У одам қандай бўлиши керакнинг ҳақиқатини эмас, балки қандай билмасликни керакнинг ҳусусида ҳам дарс беради. Бу мўғжаз ҳаётнинг эҳкаматлар, бамисоли айлқ қаламидир, жамикси вужудини турли илжамоний иллатлардан муҳофаза этишига буни қанда ҳам тиймат қилади.

Шайхирит

дик, уни билмаган кишининг бир нарсаси камайиб қолармиди, дедик. Биров бизга ақл ургатса, “Ўз билганинг — ўзинга, ўз билганим — ўзимга”, “Киши ақли билан бой бўлгунча, ўз ақлинг билан ёрли бул”, деб нақл сўқидик. “Бо худо, ким кимдан ортиқ экан?” деймиз-у, ортиқ эканини билмаймиз, билганлар айтса, ишонмаймиз.

Қалбимизда шуъла, кўнглимизда ишонч йўқ. Фақат кузимиз билан кураимиз-у, қаноат ҳосил қиламиз. Хуш, бизнинг ҳайвондан нима фарқимиз бор? Қайтанга, ёш пайтимизда яхши экнимиз, ҳар қалай, тушунсак-тушунмасак, билсам эди, кўрсам эди, деб қизиққанмиз. Энди шу кунларда ҳайвондан ҳам ёмонмиз. Ҳайвон ўзи ҳеч нарсани билмайди, билишга қизиқмайди ҳам. Энди биз-чи? Ўзимиз ҳеч нарсани билмаймиз-у, лекин, кези келганда, бизлар ҳам биламиз, деб нодонлигимизни билимдонликка йўйиб, улган-тирилганимизга қарамай, қизариб-бўзариб, бўйин томирларимизни бурттириб талашамиз.

* * *

Баъзилар худодан фарзанд сўрайди. Хуш, нима қилади фарзанд сўраб? “Ўлсам, ўрнимни боссин, орқамдан Қуръон ўқисин, қариган чоғимда кунимга ярасин”, деб фарзанд тилайди. Шундан бошқа дардлари йўқ.


Хуш, болам ўрнимни боссин, дегани нимаси? Нима, ўзингдан қолган дунё эгасиз қолади дейсанми? Орқангга қолади дунёнинг гамини ёмоқчимидинг?! Бу — ўлим олдига дунёнингни ўзгадан қизганиб айтганингми? Еки сенинг бу дунёда ўзгага қиймайдиган ниманг бор экан шунчалик? Фарзанднинг ҳам яхшиси — яхши, ёмони бошга битган бало бўлади. Сен худодан унинг қанақа бўлишини билиб сўрадингми? Дунёда ўзинг кўрган хор-зорлигинг, ўзинг қилган итлигинг озмиди? Энди яна нимага фарзанд кўриб, уни ҳам расво қилишга, хор-зор этиб ташлаб қўйишга мунча ҳумор бўлмасанг?!

Агар орқамдан Қуръон ўқисин дейдиган бўлсанг, тириклигингда одамларга яхшилик қилган бўлсанг, ким сенга бағишлаб Қуръон ўқимайди дейсан?

Борди-ю, бу дунёда ёмонликни кўп қилган бўлсанг, боланг ўқиган Қуръон у дунёда сенинг жонингни асраб қолармиди? Тириклигингда ўзинг учун қилмаган ишни улганингдан кейин боланг қила олармиди? Эсингда бўлсин, охираг учунгина зурёд тилаганинг — фарзандим унмай-усмай жувонмарг бўлсин деганинг бўлади...

Агар қариган чоғимда кунимга ярасин десанг — бу ҳам шунчаки бир гап. Лекин, аввало, ўзинг қаригунча яшайсанми, йўқми — бу ёғи ҳам бор. Иккинчидан, худодан тилаб олган фарзандинг сенга меҳрибон, меросхўр бўлиб туғиладими, йўқми — бунисини ҳам уйла. Учинчидан, молинг бўлса, сени ким асрамайди? Агар молинг йўқ бўлса, сени қандай рози қилиб асраши мумкин? Тилаб олган фарзандинг ҳам сенга молтопар бўлиб туғиладими ё молсочар бўлиб туғиладими — буниси номаълум, албатта. Хуш, ана, Оллоҳ таоло сенга фарзанд ҳам берди, дейлик. Сен уни ўзинг тарбия қила оласанми? Қилолмайсан. Ўзинг гуноҳ қилганингку бир сари, фарзандинг қилган гуноҳларга ҳам шерик бўласан. Авваламбор, фарзандингни “Ана уни олиб бераман, мана бунга олиб бераман”, деб алдайсан. Алдаганинг учун хурсанд ҳам бўласан. Лекин кейин фарзандинг ҳам ўзингга ўхшаб алдамчи бўлса, айтчи, кимдан кўрасан? Ўзинг унга “Фалончини бир бошлаб сўккин!” деб ургатасан-у, ҳақорат қилинган бечора болангни койимоқчи бўлса, яна сен “Қўй, унинг ўзи ўлиб юрибди, унга тегманлар!” деб мазах қиласан. Шу тариха уни безориликка ургатасан. Мактабга берганингда ҳам мулланинг энг арзонини қидириб топиб, хат таниса, қув, шум бўлса бўлди-да, деб берасан. “Эҳтиёт бул, фалончининг боласи сени орқангдан сотиб кетади”, деб яна унинг қулогини бурайсан, инсонга бўлган ишончини йўқотиб тарбиялайсан. Шуми берган таълиминг? Яна шу болангдан қандай қилиб хайр-эҳсон кутасан?

Кейин мол тилайсизлар. Хуш, нима қиласизлар шунча молни худодан тилаб? Худонинг берганини олмайсизлар. Худо сизга меҳнат қилиб мол топгудек куч-қувват ато қилди. Бироқ, нега энди шу куч-қувватни адолат учун сарф



қилмаймиз? Бу куч-қувватни ўрнини топиб сарф қилсин деб илм берди, буни ҳам уқимаймиз. Уқисак-урган-сак — уқадиган, тушунадиган ақл-фаросат берди, ким билсин, буни қаёққа йўқотганимизни?.. Эринмай меҳнат қилса, ҳормай-толмай изланса, топган-тутганини тадбир билан харж этса — ким бой булмайди дейсиз? Биз буларни уйламаймиз. Бор билганимиз: бировдан қўрқитиб олсак, бировдан ялиниб олсак, бировдан аздаб олсак, — мана, бизнинг мудаомиз!

Бу — худодан сўраш эмас. Бу — обрусини, орини сотиб, тиланчилик, талончилик қилиш демақдир. Майли, шундай қилиб ақл топдинг, мол топдинг, бойидинг, дейлик. Энди ана шу бойлигингни сарф қилиб, илм топишинг керак. Борди-ю, ўзинг ўқий олмасанг, бола-чақанг, уқисин. Илмсиз охират ҳам йўқ, дунё ҳам. Мен умримда ҳеч қачон, гарчанд итлик қилиб булса ҳам, мол топиб, одамгарчилик йўлида сарфлаган бирорта инсонни учратмадим. Ҳаммаси ҳам молни ит азобидида топади-ю, итлик қилиб айрилади. Ўлганида эса, азоб-уқубат, огир меҳнат изи, қайгу-ҳасратдан бошқа ҳеч нарса ортқизиб кетмайди. Борида “Бойман!” деб мақтанса, йўғида “Менинг пешонамга ҳам илгари мол битган эди”, деб мақтанади. Ниҳоят, гадо булиб қолгач, хайр-садақа сўрашга, тиланчилик қилишга тушади.

* * *

...Илм урганишда мудом собит туриш керак. Агар кимда-ким илм урганишда собит булмай, шу билганим етади деб, билганига қаноат ҳосил қилса, худо ургани шу. Ўзинг қилган тоат-ибодати ҳам охиратда қабул этилмайди. Агар кимда-ким иймоннинг қандай мустаҳкамланиши ва қандай заифланишини билмаса, у ҳолда унинг бошига салла ураб, биродар аталиб, руза тутиб, намоз ўқиб юриши — бари беҳуда. Бу — худди қалин тўламай туриб сепини сўрагандек бир гап. Парвариш, покизалик, ростгўйлик бўлмаган жойда иймон ҳам булмайди. Чин


ихлос билан ўз-ўзини парваришлаб турмайдиган, динга жони ачимайдиган кишининг иймони собит эмас.

* * *

Иймон деган нарсани Оллоҳ таборак ва таолонинг шак-шубҳасиз бирлиги ва мавжудлигига, пайгамбаримиз саллоллоҳу алайҳи вассаллам воситасида юборган оятларига бўйсуниб, инонмоқ деб тушуниш керак. Иймон икки турли бўлади. Биринчиси — бирор нарсага иймон келтирганда, аввало, шу нарсанинг барҳақ, мавжуд эканига иймон келтирувчи шак-шубҳа қилмаслиги, уни ақли билан исбот қилиб бериши ва шу тушунчасида барқарор туришдир. Буни иймони солим деймиз. Иккинчиси — китобдан ўқиб ёки муллалардан эшитиб иймон келтирмоқ ва шу ишончда муқим турмоқдир. Иймонли одам агар биров ўлдирман деб қўрқитса ҳам ва бу йўлда бошига минг хил балони тўнкарса ҳам кўнглига шубҳа солмай, иккиланмай, иймон-ишончини мустаҳкам тутмоғи лозим. Буни иймони тақлидий деймиз.

Бундай иймонни басаломат сақлаш учун киши довурак, узига ишонган, асаблари мустаҳкам бўлиши лозим. Энди, иймони солим деган кишиларимиз илмсиз бўлса, иймони тақлидий деган кишиларимизнинг сўзида қарор булмаса; ё алданганга ё йўлдан оздирган ва ёки нафс балосида бирор манфаат ахтариб, оқни қора, қорани оқ, ростни ёлгон, ёлгонни рост деб қасам ичадиган кишиларга нима дейсиз? Худойи таоло бундайлардан узи асрасин! Аммо, юқорида баён қилганимиз икки турлидан бошқа иймон йўқ, буни билиш зарур. Иймонга шак келтирган бандаларни Оллоҳ таоло авфу этмайди ва пайгамбаримиз ҳам унга шафқат қилмайди, бу мумкин ҳам эмас. “Қилич устида шарт йўқ”, “Худойи таолонинг кечмас гуноҳи йўқ” деган қалбаки мақолларга сўянган бандаларнинг башараси қурсин!

Хайрулла
ИСМАТУЛЛА



БИР ХОЛ САВДОСИДА БОШЛАНГАН ТАРИХ

Мухтарам тахририят ходимлари!

Мен 1990 йил 26 августдан буён АҚШнинг Индиана университетида дарс бериб келяпман. Чарғаш йўқ, лекин Ватанни, унинг ҳашаматли биноларини, оддий дегасини, одми кийининан инсонларини, илми ва банкҳоқ қишлоқ болаларини соғиндим. Иш кўп: ҳар ҳафтада беш кун — тоқ кунлари икки соат, ҳуфт кунлари бир соат дарс бераман. Бошқа пайтларда кутубхоналарда бўлман. Бу ерда тарихимиз, фаннимиз, адабиётимиз, маданиятимизга оид, мен шу вақтга қадар билмаган китоблар юзат кўп. Дуненинг ҳамма бурғидан керакли китоблар келтириб берилади. Шуниси бизга ўршаганларга жуда маъқул.

Бу хатни ёзишдан мақсад шуки, журналга бир мақола юборяпман. Лоқим топсанмиз, топ эгарсимиз.

Хурмат ила

Блумингтон, 1995 йил 4 май

Хайрулла ИСМАТУЛЛА

Оврупо тарихий манбаларида Соҳибқирон Амир Темурнинг буюк шоир Ҳофиз Шерозий билан учрашгани тўғрисида бир талай маълумотлар мавжуд. Чунончи, атоқли инглиз шарқшуноси Артур Арберри уша учрашувни бундай баён этган:

“Амир Темур Курагон даврида Шерозда ҳаёт жонланиб, аҳоли ҳимояга олингач, шаҳарнинг бир кунжида истиқомат қилувчи Ҳофиз Шерозийнинг муборак исми шарифи ҳам барча қатори солиқ туловчилар руйхатига битиб қўйилган экан. Солиқ тулашга қурби етмаган шоир Турон султониға мурожаат этиб, муҳтождикдан шикоят қилган ва солиқдан озод этишини утиниб сўраган.

Табиийки, бу фурсатда Ҳофиз газаллари Соҳибқирон салтанатининг барча қишлоқ ва кентларида овоза булиб кетган эди. Шубҳасизки, Амир Темурдек маърифатли ҳукмдор ҳам улардан баҳраманд бўлган. Шу боис, буюк султон буюк шоирнинг илтижосига жавоб тариқасида мана бундай лутф этган:

*“Агар он турки Шерозий бадаст орад
дилм муро,
Ба холи ҳиндияш бағшам Самарқанду
Бугсарофо.*

Бу байт ила бошланувчи газални Сиз битган эмасмусиз?! Бир қора хол учун Самарқанд билан Бухорони ҳада этишга қурби этган эр хонавайрон булурму эркан?!”

Бу гузал лутфга шоир Ҳофиз бундай деб жавоб айтган: “Амирим, мана шундай қуличилик туфайли мен шу қуйга тушиб қолдим-да”.

Бундай ҳозиржавоблик Амир Темурга хуш ёққан ва у шоирга марҳамат кургизиб, уни барча солиқлардан озод этиш ҳақида фармон чиқарган экан.

Соҳибқирон Амир Темур билан Ҳофиз Шерозий суҳбати айнан қайси йилда кечгани Оврупода чоп этилган тарихий манбаларда аниқ қайд этилмайди. Бир талай тарихий асарларда бу учрашув 1392 мелодий йилда (795 ҳижрий) содир булган, деб курсатилса, яна бошқаларида 1387 мелодий йилда (790 ҳижрий), деб қайд этилади.

Инглиз тадқиқотчиси Клементе Р. Марқхам Амир Темур тарихи баён қилинган “Темурбек ҳаётига кириш” номли тадқиқотида мана бундай маълумотларни

баён этади: “1387 йилда Темур гузал Шероз шаҳрига келганида буюк форс шоири Ҳофиз билан суҳбат курди. Шу воқеадан икки йил утгач, Ҳофиз дунедан куз юмди... 1392 йилда Амир гузал Шероз шаҳрига яна ташриф буюрди. Аммо бу сафар узоқ қола олмади. Чунки илк сафарига суҳбатидан баҳраманд булгани сўфий шоир Ҳофиз (бу вақтда) боқийлик сари юз тутган эди”.

Ҳофиз Шерозийнинг вафот этган йили манбаларда турлича — гоҳ 1388, гоҳ 1389, гоҳ 1391, гоҳ 1394 мелодий йилларда деб тахмин этилган. Фикримизча, чиндан ҳам бу икки буюк инсон — буюк салтанат соҳиби Амир Темур ҳамда буюк шеърият соҳиби Ҳофиз Шерозий учрашуви Амир Темур Шерозта илк бор қадам қуйган 1387 мелодий йилда содир булган эса ажаб эмас.

Аниқ бир маълумотнинг йўқлиги, бу суҳбатга гувоҳ булганлар бирор бир хотира қолдирмагани боис, мазкур учрашувни айрим тадқиқотчилар латифа сифатида ҳам талкин этадилар.

Рус шарқшуноси Василий Бартольд Амир Темур форс шоирини билганидан шаҳодат берувчи ҳеч бир далил йўқ, деб, ул зотнинг Ҳофиз Шерозий билан ҳамсуҳбат булганидан шубҳаланади: “Сам Тимур, по-видимому, не интересовался поэзией, ни турецкой, ни даже персидской; нет никаких указаний на то, чтоб он знал персидских поэтов, если не считать анекдотического рассказа о встрече его с Хафизом, может быть в 1387 г.”

Бартольд домла шу тариқа, катта шарқшунос олим булишига қарамай, Шарқ шеъриятини, хусусан, Алишер Навоий ижодини тузукроқ урганмаганини фош этиб қўяди. Ҳолбуки, ҳазрат Алишер Навоийнинг “Мажолисун-нафоис” тазкирасида “шеъриятга кизиқмаган” Амир Темур ҳақида мана бундай маълумот берилади: “Мулук шажараларининг бустони ва салотин гавҳарларининг уммони, хоқони жаҳонгири Соҳибқирон, яъни Темур Курагон... агарчи назм айтмоққа илтифот қилмайдурлар, аммо назм ва насрни андоқ хуб маҳал ва мавқеъда уқибдурларким, анингдек бир байт уқигони минг яхши байт айтгонча бор”.

Амир Темур билан Ҳофиз Шерозий учрашуви талай тарихий китобларда қайд этилгани боис, буюк форс шоирининг “Агар он турки Шерозий бадаст орад дили муро” мисраси билан бошланувчи газали XVIII-XIX асрларда Фарбий Оврупо мамлакатларида овоза булиб, турли шоир-

лар уни англиз, немис ва бошқа тилларга утирган ҳамда шу газалга тақлидан шеърлар, назиралар яратган.

Оврупо шеър шайдолари ёрнинг яноғидаги бир ҳол эвазига нафақат икки машҳур шаҳарни, балки бугун борлиқни бериб юборишни ҳам табиий ҳол ҳисоблаганлар.

Чунончи, англиз шоири Гертруд Белл мана бу сатрларни битган (шеърлар сузма-суз таржима қилинди):

*Оҳ, Шерозинини туркий қизи!
Қалбимни қўйинини олсан эди,
Яноғинидаги холини уғун
Бухоро ва Самарқандни берафдим.*

Бошқа бир англиз шоири Валтер Леаф шу мавзуга бағишланган шеърда бундай ёзди:

*Агар Шероз ўлкасинини ўша туркий
қизи бу қўйинини олса эди,
Ўша қора ҳол уғун Бухоро шаҳри ва
Самарқанд менини қалиним бўларди.*

Маълумки, буюк немис шоири ва файласуфи Йоҳанн Волфганг Гете ёши олтимишдан ошгач, Шарқ шеърятини ургана бошлаган. 1814 йилда танишлари унга Ҳофиз Шерозий газалларининг немисча таржималарини курсатган. Ҳофиз ижоди Гетени узига ром этган.

Бир тасодиф туфайли уша йили Гете 30 ёшли Марианна исмли гузал аёлни севиб қолади. Оврупо тадқиқотчиларининг маълумотига қура, 1815 йил кузидан бошлаб яратилган ва кейинчалик “Ғарбу Шарқ девони” деб тартиб берилган лирик шеърлар — Гетенинг Марианнага бағишлаб ёзилган асарларидир. Гете “Девон”ида Марианна Зулайҳо тимсолида ифола этилади.

Гетенинг “Ғарбу Шарқ девони” ун икки нома — “Муганийнома”, “Ҳофизнома”, “Ишқнома”, “Тафқир — Тафаккурнома”, “Ранжнома”, “Ҳикматнома”, “Темурнома”, “Зулайҳонома”, “Соқийнома”, “Масалнома”, “Форсийнома” ва “Чулд — Жаннатнома”дан иборатдир.

1814-16 йилларда яратилган илк ун бир нома 1819 йилда босилиб чиққан.

“Девон”нинг ун иккинчи номаси 1820 йилда ёзилиб, 1826 йилда чоп этилган.

Гете “Девон”идаги бир нома (“Темурнома”) Амир Темурга бағишланган бўлса-да, бу тупламнинг бошқа номаларига, масалан, “Ранжнома”, “Зулайҳонома”га мансуб шеърларда ҳам Амир Темур сиймоси қайд этилган.

“Девон”нинг “Ранжнома” бобини Гете муқаддас Қуръон ҳақидаги шеър билан якунлаб (“Оҳ, муқаддас Қуръон! Оҳ, абадий сокинлик!”), “Пайгамбар сузлайди” ва “Темур сузлайди” деб сарлавҳа қўйилган олти ва тўрт мисралик шеърлар билан якунлайди.

“Зулайҳонома”га мансуб бир шеърда Гете севгилисини шу қадар улуғлайдики, у бамисоли фақат Соҳибқирон Амир Темур саройига ярашади. Шоир бу гузалга фақат Бадахшон зеб-зийнатларини Бухоро, Самарқанд неъматларини раво қуриб, бундай дейди:

*Сизнинг ўрниниз — Темур
салтанатинда.*

*Ўзини саройи...
Бадахшон лағзу ёқутлари, сийм — зарлари
Ва Каспий (денгизи) ферузалари...*

*Қуёшли ўлка — Бухоронини
Балдек тоғли мевалари
Ҳам бетиним ашғор айтувчи
Самарқандинини шимшоҳи яфроклари
Бўлусидур Сизга муртабир.*

Гете ижоди тадқиқотчилари бир масала — нега Гете Ҳофиз Шерозий ижодига ихлос қуйиб, дафъатан “Темурнома” деган асар ҳам яратгани сабабини четлаб утадилар. Бунга XIX аср Оврупо тарихидан жавоб топилса ажаб эмас.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида бугун Оврупонини ларзага келтирган Франция инқилобини совуққонлик билан қарши олган Гете XIX аср бошида Наполеон ҳужумидан хароб бўла бошлаган Оврупонини қуриб, умидсизликка тушади. Немис шоири Оврупо воқелигидан маънавий озик, руҳий мадад топа олмади. Бу давр воқелиги Гетега даҳшатли бўлиб қуринган эди. Шоир “Фауст”нинг биринчи қисмини тугатиб, иккинчи қисмини ҳали бошламаган пайтлар эди. Мана шундай

бир паллада Шарқ фалсафаси, унинг мистикаси, суфийлик тариқати Гетени мафтун этди. Шарқ фалсафаси буюк шоирнинг қовжираган орзу-умидларига озиқ берди. У қалбини қийнаётган саволларга Шарқ мистикасидан жавоб ахтаришга киришди. Шарқ шоирлари газалларидаги суфиена фикрлардан у узига малҳам қидирди. Улар тимсолида эса узига суҳбатдош топди.

Гетенинг Соҳибқирон Амир Темур тимсолига мурожаати, аслида, унинг орзу-

*Севимлим урун қалин бўлса,
Мен ҳаёт иккиланиб ўтирардим?*

*Лек (ҳар қандай) шох (ҳам) эиқна
бўлади.*

У барга шаҳарларни ҳадя этарми эди?!

Улуғ ва доно бўлганида ҳам

У (шох) бизнинг (фақат) севи билан



*Шарқ мистиксининг юзидати тоғлари
Самарқанду Бухоро минбарлари*

умидларини пучга чиқарган, Оврупони ҳаробага айлантирган жаҳонгир Наполеон сиймосига мурожаати рамзидир. Бу — “Қизим, сенга айтаман, келиним, сен эшит” тарзидаги шарқона бир гапдир.

“Девон”нинг “Зулайхонома” бобига мансуб бир шеър Амир Темур билан Ҳофиз Шерозий суҳбатидан таъсирланиб яратилгандир. Унинг мазмуни мана бундай:

*Алар қурликдан у арзимас шаҳарлар:
Балх, Бухоро, Самарқанд*

яшашимизни биларми эди?!

*Шоҳларга бундай пеша (севи билан яшаш)
етдир.*

*Сен эса ўз ҳадяларинини эркин тортиқ,
эти оласан!*

*Шундай нозанин сенинг
эҳтиросини экан,*

*(Демак) сен-да мен каби (ишк)
гадосидурсан.*

“Девон”даги “Темурнома” боби фақат икки шеър — “Қиш ва Темур” ҳамда “Зулайхога”дан иборат.

“Зулайхога” шеъри шоирнинг севгилиси Марианнага бағишланган. Унинг сўнги туртлигида Темур салтанати қаламга олинади.

“Қиш ва Темур” шеъри 33 мисрадан иборат. Назаримизда, у мавзу ва шакл жиҳатидан оригинал асар ҳисобланмайди.

Маълумки, тарихчи Аҳмад ибн Арабшоҳ хотираларининг охири бобларида Амир Темур оламдан қуз юмган қахратон қиш дақиқаларини ута қахрли, истехзоли руҳда баён қилган, Гете Ибн Арабшоҳ маълумотларини шеърий қолипга солган, холос. Шу боис, “Қиш ва Темур” шеърининг руҳи Ибн Арабшоҳ баёни руҳидан деярли фарқ қилмайди.

“Қиш ва Темур” шеърининг сўзма-сўз таржимаси бундай:

*Хуллас, қудратли, қазабнок қиш
Уларни (Темур ва унинг одамларини) ўраб олди.
У совуқ нафаси билан,
Совуқ шамол, қазаби билан
Пастга тушди ва улар ўртасига ўрнашди.
Темур қошига суғрилиб келиб, дағдага билан унга (Темурга) деди:
— Аста-секин
Сенин суғронларини эсиб ўтмоқда, Золим.
Қишлар қалбини ендирдиш ушун сен етқан оловлар
узюфроқ давом этармикан?!
Сен ўшал ёмон руҳларга қўшил
Ва билмилки, мен ўша руҳларнинг яна бириман.
Сен қарибсан, мен-да қаридим!
Биргаликда иккимиз юртлар ва инсонларга илиқлик бахш этмадик.
Сенин сангатиини Мароникси каби! Мен — Сатуфрман,
Ёмонлик юлдузлари...
Бизнинг бирлашишимиз — ёмонлик юлдузларининг қўшилиғидир.
Сенин сангатиини (инсонлар) қалбин маҳв этиш бўлса,
Менин нафасим сеникидан совуқроқдир.
Оллоҳ хоҳласа, менин қўнларим бундан ҳам совуқ бўлади.
Оллоҳ ҳақи, мен сенга сира ердам бермайман.
Оллоҳ эшитсин тақлифларимни!
Арсалнинг совуғига, эй қариб-қартайиб қолган, ҳел доғра ишқидир.
Юрагинида ёниб ётган оташ аланмаси
Бизнинг декабрь (қиш) алдида ҳел нарсадир.*


“Қиш ва Темур” шеъридаги Амир Темур тимсоли асли қиш ойлари Россияни эгаллай олмай, қўшинидан ажралиб катга талофат курган ва Гете мазкур асарларини ёзаётган пайтда Эльбада тутқунликда яшаган Наполеон Бонапарт шахсига шаъма эди.

“Қиш ва Темур” асарининг мавзуини, тадқиқотчи А. Рожеро далолатига, Гете Ибн Арабшоҳ хотираларининг лотин тилидаги нашридан олган.

Гете асарларини синчилаб урганиш шуни курсатадики, немис шоири Амир Темур шахси, фаолияти ва салтанати тарихи билан юзаки таниш булган. У мавзуга оид бир-икки тарихий манбаларни билган, холос. Ҳатто, Амир Темур туғрисида ўша давргача

Шарқ турмуши либосида талқин этилган.

Гете “Фауст” асарини машҳур инглиз адиби Христофор Марло драмасидан илҳомланиб ёзган эди. Бироқ, у “Темурнома” сани яратаётганида Марлонинг Амир Темур сиймоси акс этирилган ва бутун Оврупода талай йиллар шов-шувга сабаб булган улмас асари тажрибасидан фойдаланмаган. Амир Темурни давлат арбоби сифатида буюк итальяян



Шарқисўрғуннинг юзидики улмаи Самарқанду Оврупо минорлари


немис тилида чоп этилган асарларни ҳам тулиқ урганиб чиқмаган. Бунинг боиси шуки, Гетенинг мақсади Амир Темурнинг асл сиймосини яратиш булмаган. У Амир Темур тимсоли воситасида замондошлари булмиш Оврупо қиролларига, биринчи галда, ўзи хушламайдиған Наполеонга муносабат билдиришни истаган.

Йоҳанн Гетенинг “Ғарбу Шарқ девони”га мансуб асарларда, хусусан, Амир Темурга оид шеърларда XIV аср Шарқ ҳаёти ва буюк турк султони сиймоси эмас, балки XIX аср Оврупо воқелиги

мутафаккири Макиавелли каби тадқиқ этиши учун Гете тамоман бошқа йудан бориши лозим эди.

Оврупонинг бошқа адиблари Амир Темур сиймосини яратишда Гете йулидан бормадилар. Эдгар По шеърларида, Саундерс, Попл, Роу драмаларида, Ҳандел, Гаспарини, Зиани операларида ушбу буюк зот сиймосидаги турли жиҳатларни тасвирлашга эришдилар.

Амир Темур сиймоси гавдалантирилган бу асарлар Оврупо маданиятининг ажралмас қисми булиб қолди.



Муборак нур. Одилбек Бобожон асари

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия. Чингиз Аҳмаров асари.



ЧИНГИЗ АХМАРОВ. ЗУЛФИЯ (масштаб)

ҚУТЛУҒ ҒИЛҒА ҒИЛҒАҒЛАР

ХАЙРЛАШИБ

Ўзини сўгла, шу қора кўзлар
Ўнутарми шу ўралишни?
Шунга ўсиб ништар кимликлар
Кўрганмикин шу ўзал турини?

Ёниб турган олов дудоклар
Бошқа лабга бўлганмикин банд?
Юракларинини ўйнаши ҳел бир
Бўлганмикин шунгалик баланд?

Ўнутмасман сени ҳел қалон,
Юрагимда қоларсан абад,
Сен қоларсан мен билан мангу,
Юрагимга ошно бўлган дард!

Сўрогим шу: қора кўзларинини
Ўқолмасин сира вафоси.
Бошларга тушмасин ҳел қалон
Шу кўзларинини ҳижрон ҳафоси.

Сен қоларсан бу ерда глмиз,
Мен бўларман ҳамон дарбадар.
Қуёш урқларга боптунига,
Ой айланиб ўттунига қадар.

Хайр сизга, икки оху кўз!
Хайр, йўлдош, хайр, ошно!
Хайр сизга, эй икки юлдуз,
Хайр сenga, эй азим дунё!

Евгений БЕРЕЗИКОВ

ЯНГИ ДАВР САСИ

Дунё сиру синоатга тўлиқ. Аммо инсон янада сирлироқдир. У ақлли, фаҳм-фаросатли; олам биноси қандай барпо этилганини тушунади-ю, бироқ нима мақсадда яралгани, ҳаётининг маъноси нимадан иборат эканини ҳануз англаб етган эмас. Инсон токи олам, жамики мавжудот яхлит вужуд тарзида Оллоҳ таоло иродаси ила яратилганини, табиатнинг туб қонуниятлари ва оламдаги бор зарра ва жисмлар ана шу қонуниятлар асосида яшашини билиб олмас экан, бу ҳол, назаримда, яна давом этаверади.

Мазкур қонуниятлар аввало физикавий категория бўлиб, инсон уни тажриба туфайли англаб етган ва унга озми-кўпми риоя қилиб яшамоқда. Бир мисол: одам олов нима эканини яхши билади ва шунинг учун ундан узоқроқ туради, борди-ю, жуда яқин келса бирор жойи куйишини сезади. Шу боис, маълум масофадан нари ўтмайди. Аммо, табиатда физикавий қонуниятдан ташқари руҳ қонунияти ҳам борки, у оламнинг энг буюк қонуниятидир. Оллоҳ таоло ушбу қонуният асосида физикавий ҳаракатларни бошқариб туради. Инсон бу қонуниятни баъзан инкор этиб, оловга яқин боради... Ахир, руҳ қонунияти ҳам физикавий қонуният каби илоҳийдир. Чунки табиатдаги жамики нарсаларнинг ижодкори Оллоҳдир. Демак, Оллоҳ — ҳаётдир. Руҳ эса, фикрлайдиган тирик энергетик субстанцияки, у жонли вужуднинг қон-қонига сингиб кетган. Инсон шу мавжудотнинг энг мукаммалидир.

Шу ўринда табиий савол тугилади: Оллоҳнинг инсонни яратишдан кўз-

лаган мақсади нима эди? Бу саволга бундай жавоб бериш мумкин: Оллоҳ таоло бандалари назари билан ўз-ўзига разм солмоқчи бўлган. Маънан юкसाқ, фаҳм-фаросатли, хаёлотли кенг, яралиш ва атроф-муҳит моҳиятига, фазовий космогониянинг (осмон жисмлари, уларнинг пайдо бўлиши ва ўзгариши) бутун кўлами, жумладан, Яратгувчисининг моҳиятига ета оладиган шундай онгли мавжудот бўлмаганида эди, олам ўта сокин ва зерикарли бўларди. Оллоҳ инсондан, инсон воситасида дунё — ўз кашфиётидан завқ олади.

...Бир космик йил 12 юлдуз туркумига, яъни буржга бўлиниб, Қуёш системаси, жумладан, бизнинг сайёрамиз ана шу буржларга галма-гал кириб чиқади. У буржлар қуйидагилардир: Далв, Ҳут, Ҳамал, Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадди. Қуёш системаси ҳар бир юлдуз туркумида 2129 йил туради.

1948 йилда бизнинг Қуёш системаси коинотнинг бояги улуг қонуниятига асосан Жадди буржидан Қавс буржига қараб йўналди. Энди барча сайёралар, жумладан, ер янги бир юлдуз туркумига кириб келмоқда. Ҳўш, бундан қандай хулоса чиқармоқ керак?

Қуёш системаси бир туркумдан иккинчи туркумга ўтаётган пайтда барча сайёралардан таралаётган энергоқим янги юлдуз туркуми сари интилади. Ана шу даврда табиатда анча ўзгариш сезилади. Илгари шундай ҳолат содир бўлгани исботланган. Энергоқим кучи ва ўзгариши туфайли бундан 60 минг йил бурун улкан динозаврларга қирон етган.

Олимлар бу ҳолни эътироф этсаларда, аммо уларнинг қирилиб кетиш сабабларини етарлича изоҳлаб берган эмас. Ёки бундан 12 минг йил бурун мамонтларнинг ер юзидан битта қолмай қирилиб кетганини эслайлик. Яна, бундан 10 минг йил бурун Оллоҳнинг иродаси билан Нух пайгамбар одамларни тўфон балосидан сақлаб қолганини ёдга олайлик.

Қуёш системасининг навбатдаги ўзгариши аини кунларда содир бўлмоқда. 1948 йилда одамлар акселерация (ўсиш, ривожланиш жараёнини тезлаштириш) деган тушунчага тўқнаш келди. 50-йиллардаги болаларнинг бўйи ота-оналариникидан беш-олти, ҳатто ўн сантиметргача узун бўлган. Башарият тарихида бундай ҳол илк бор ўшанда юз берган. Борди-ю, акселерация ҳодисаси, айтайлик, XVIII ёки XIX асрда юз берганидами, ҳозирги одамларнинг бўйи қарийб тўрт метрнинг нари-берисидан бўларди.

Акселерация айнан 50-йилларда, Қуёш системаси Қавс туркуми сари ҳаракат қилаётган пайтда бошланди. Чунки ҳар бир космик давр одамларга таъсир ўтказиши. Бизга халқ оғзаки ижоди намуналари, хусусан, эртаклардан маълумки, бир вақтлар ер юзидан бўйи беш метргача етадиган ламурайлар яшаган. Ундан сўнг девлар, циклоплар (грек афсоналаридаги бир кўзли девсимон паҳловон), ўрмон одамлари дунёга келган. Атлантларнинг бўйи эса уч метргача етганидан ҳам хабаримиз бор. Эпос, Аполлон, Прометейларнинг кучи ва улканлиги-чи! Хўш, улар қаёққа гойиб бўлди?

Космик илмларнинг хулосасига қараганда, Қавс туркумида одамларнинг бўйи иккию йигирма ва уч метр атрофида бўлар экан. Улар гўзал, самимий, хушчақчақ, яъники Оллоҳнинг ҳақиқий фарзандлари бўлармиш.

50-йилларда нафақат одамлар, балки бор мавжудот шакл-шамойилида ўзгаришлар юз берди. Шу боис,


60-йилларда “ҳароратнинг ялпи кўтарилиши” деган истилоҳ пайдо бўлди. Жадди буржидан энергоқим емирилиши ҳамано барча сайёралар, жумладан, Ернинг молекуляр ҳолати ўзгара бошлади. Ялпи ҳарорат кўтарилиши тушунчаси шу тарзда пайдо бўлган.

Оврупода кейинги йилларда ҳаво ўзгарди. Ҳарорат икки ярим даража кўтарилди. Минтақамизда ҳаво аста-секин ўзгариб бораётганини биз ҳам кузатиб турибмиз.

70-йилларда фанда “озон туйнути” деган ибора пайдо бўлди. Олимлар бу туйнук Жанубий қутбда пайдо бўлганини аниқлаган эди. Озон туйнути — ўзига хос ҳимоя қалқони. Унинг кенгая бориши минг йиллар бурун рўй берган жараёнлар қайталанганидан огоҳ этмоқда.

Япон олимлари шу йилнинг январь ойида озон туйнути Шимолий қутбда пайдо бўлганини айтди. Оврупонинг кўп мамлакатларида бу йил ақл бовар қилмас тошқинлар бўлгани, Шарқий Оврупо ва Сибирда қишда ҳаво ҳар йилгидан 10-15 даража иссиқ бўлгани бежизга эмас. Об-ҳаво бизнинг минтақамизда ҳам ўзгариб бормоқда. Бу йил 3 февралда кун бирданига 20 дақиқага узайди. Агар у ўртгача бир дақиқадан узайиб боришини эътиборга олсак, бу катта ўзгариш экани аён бўлади.

Бундай ўзгаришлар фақат Ерда эмас, бошқа сайёраларда ҳам рўй бермоқда. “Труд” газетасининг бу йилги 30 март сонидан бир қизиқ мақола чоп этилди. Унда мана бундай сатрлар бор: “Шу кунларда америкалик олимлар “Хабл” сайёраларо метеорологик йўлдош кузатувида якун ясади. Бири 1976 йилда Марсга қўнган, иккинчиси орбитада қолган “Викинг” фазо кемалари маълумотлари таҳлил қилинганда, Марс атмосферасидаги об-ҳаво бундан йигирма йил олдингига қараганда совуқроқ, очиқроқ ва қуруқроқ экани маълум бўлди. Бундан йигирма йил олдинги



Мақола муаллифи Евгений Березиков (ундан иккинчи) муқаддас қадамжолар зиёратида

чанг-тўзондан ном-нишон ҳам йўқ. Ўтган ўн йилликда ҳаво булутли бўлгани кузатилди, эндиликда эса сайёранинг экваториал қисмида булутлилик янада ошиб кетди. Марс атмосферасида озоннинг ҳаддан ташқари кўплиги “Хаббл” телескопи очган илмий шов-шувлар сира-сидандир. Биз эса Ер атмосферасида унинг қатлами камайиб бораётгани, ҳатто озон туйнути пайдо бўлганидан ташвишдамиз. Марсда озон қатлами кейинги йигирма йил ичида уч баробар ошган!”

Бундай ўзгаришлар бошқа сайёраларда ҳам содир бўлмоқда. Уша мақолада яна бундай сатрлар бор:

“Бизнинг яқин қўшниларимиздан, Марс ва Ерга нисбатан Қуёшга янаям ёндош бўлган Венера атмосферасида, бундан йигирма йил олдин олинган “Пионер” фазовий зонди маълумотлари билан таққосланганда, икки окисли олтингугуртнинг анча камайиб кетгани аниқланган. Буларнинг ҳаммаси сайёрамизда вулқоний фаолликнинг сусайганидан далолат беради”. Биз бундай далилларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Зеро, фазовий жараёнлар чинакамига улкан ва қонуний аҳамият касб этаётир.

Қуёш системасида тадрижий ўзгаришлар юз бериши, назаримда, муайян қонуният билан боғлиқ ва улар сайёранинг янги бир ҳолатга кираётгани белгисидир. Ана шунда эртак ва афсоналарда айтилган Ер — шарга ўхшаш думалоқ, ясси, у ҳўкизнинг шоҳида туради, ҳўкиз эса балиқ устида туради каби гаплар тўтри эмасмикан, деган хаёлга борасиз. Балки бир вақтлар шундай бўлгандир ҳам. Чунки жамики мавжудот ўзгаради, ўсади, ривожланади. Эндиликда биз Ер ҳақиқатан ҳам айлана, у Қуёш системасининг таркибий қисми эканини яхши биламиз. Энг муҳими, Қуёш — Оллоҳнинг кўзидир. Чунки буржлар орасида Қуёшга монанд сайёра йўқ. Оллоҳ ҳам одамларни бошқа бир сайёрада эмас, айнан Ерга яратди. Энди эса инсониятнинг ривожини учун янги давр келмоқда. Инсон янги шароитда ўзини қандай тутишини теран англаб етмоғи керак.

Оллоҳ инсонни яратганидан буён талай пайгамбарларни юборди. Бундан етти минг йил аввал Иброҳим алайҳиссалом одамларни худо йўлига чорлади ва ўгли Исмоил билан Маккада Байтуллоҳни барпо этди. Сунг ҳинд заминига, одамларни ҳалоллик ва покликка даъват этиб, Рама ва Кришна деган пайгамбарлар келди. Будда ва Ахура Мазда бу дунёда яхшилик билан ёмонлик бақамти яшашини, яхшилик ҳамиша

ёмонликдан устун келишини айтиб, пайгамбарлик вазифасини бажарди. Аммо одамлар яқдил бўлолмади. Икки минг йил аввал Оллоҳ таоло Исо пайгамбарни вакил этиб, одамлар орасига йўлади. У макруҳ ишларга қўл урмаслик ва Оллоҳ йўлига кириб, бу дунё неъматларидан татишни тарғиб этди, ўзаро муруватли бўлишга чақирди. Бироқ, одамлар унинг айтганларига ҳам амал қилмади. Аксинча, уни чормихга тортидилар.

610 йилда Оллоҳ таолонинг иродаси билан инсонлар сарвари Муҳаммад алайҳиссаломга янги дин китоби — Қуръони карим нозил бўлди. Кунларнинг бирида ҳазрат Жаброил уни ибодат қилаётган пайти еттинчи осмонга олиб чиқди. Яратганнинг ўзи унга юдузлардан тортиб, жаннату жаҳаннам — жамики оламини кўрсатди. Расулulloҳ Ердан бошқа жойлардаги ҳаётни томоша қилдилар. Ул табаррук зот агар инсон Оллоҳ йўлидан чекинмаса, унинг барча жонбахш неъматларидан баҳра топиши ва Оллоҳ васлига етиши мумкин эканига иқрор бўлдилар.

Кўриб турибмизки, яратган эгамиз, Ерга неча бор пайгамбарларини юбориб, одамларни эс-хушларини йиғиб олишга чақирди. Муҳаммад алайҳиссалом — энг сўнгги пайгамбардир. Шундай экан, энди янги дин пайдо бўлмайди. Бунга зарурат ҳам йўқ. Оллоҳ сўнгги китоби — Қуръони каримда бу дунёда ўзимизни қандай тутишимиз зарурлигини очиқ-ойдин тушунтириб берган.

Шуни қайд қилмоқ керакки, кейинги ўн йилларда Қуёш системаси янги бир ҳолат — Қавс буржига, янги бир энергооқимга кираётган пайтда Ерда, ҳатто маънавиятимизда ҳам жиддий ўзгаришлар юз бера бошлади. Оқибатда одамлар ўзини окультизм, магия, йог ва бошқа кўплаб рост ва ёлгон диний оқимларга ура кетди. Кўҳна тарихдан аёнки, дунёнинг турли бурчида аҳён-аҳён сохта пайгамбарлар пайдо бўлиб

туради. Улар Оллоҳга шак келтириб, ўзларини пайгамбар атаб, сизу бизни тўғри йўлдан оздиришга уринади. Мусо пайгамбарга тушган китобда ана шундай кимсалар ҳақида уларнинг қилмишига қараб ўзингиз баҳо берасиз, қани, улар сизни Оллоҳ ҳузурига олиб борармикан ё шайтон йўлига, дейилади. Шу йилнинг баҳорида Японияда пайдо бўлган “Аум синрикьё” оқими намоёндаларининг Токио метросидаги хатти-ҳаракатини бир эслаб кўрайлик. Айданган одамлар ана шу фожеий воқеадан сўнг дарҳол ақл-хушини йиғиб олиб, қаёққа бораётганини ўйлаб кўрган бўлса ажаб эмас. Асл дин одамларга асло ғам-кулфат келтирмайди. “Аум синрикьё” оқими раҳнамоси Асаҳара хатти-ҳаракатини охирачни яқинлаштириш деб оқламоқчи бўлди.

Шу ўринда Қуръони каримнинг “воқеа” сурасидаги мана бу оятлар ёдга тушади: “Сизларни биз ўзимиз яратдик-ку! Энди сизлар (охиратда яна қайта яратишга қодир эканимизни) тасдиқ этмайсизларми?! Сизлар тўкадиган маний — уруғ ҳақида ҳеч ўйлаб кўрдингларми? Уни сизлар (комил инсон қилиб) яратурмисизлар ёки биз яратувчимизми?! Сизларнинг ўрталарингиздаги ўлимни ҳам биз белгилаб қўйгандирмиз (яъни, сизларга ҳаётни ҳам, ўлимни ҳам биз берурмиз) ва биз (сизларни вафот топдириб, ўринларингизга) сизларга ўхшаганларни алмаштириб қўйишга ҳамда сизларни ўзларингиз билмайдиган ҳолат-суратда қайта пайдо қилишга ҳам ожиз эмасдирмиз”. Оллоҳ бешинчи ирқ дунёга келишидан далолат беради, лекин уни қандай қиёфада яратади — ўзига аён.

Ўйлайманки, бу ерда изоҳ ортиқча. Оллоҳ Муҳаммад пайгамбар мисолида одамлар бундан кейин қандай йўлдан юриши, ўзини қандай тутиши зарурлигини аниқ кўрсатган. Бизни охирадан қутқарадиган йўл — Оллоҳ йўли. Оллоҳ шу пайтга қадар бандаларини, агар улар тан ва нафсини

поклаб, бу йўлга соф ният ила кирган бўлса, оғир ва машаққатли пайтда ёлғиз қолдирмаган. Бугун минг-минглаб одамлар фаришталар, руҳлар кўмагида Оллоҳдан янги энергоқим шароитида ўзини қандай тутиш кераклигини сўрамоқда. Улар қайси дин вакили бўлишидан қатъи назар, Оллоҳнинг назари, пайгамбарлар қадами теккан жойларни зиёрат этмоқда. Демакки, улар

аниқланган. Шу боис, одамлар мудом муборак гўшаларни зиёрат этади. Ўтган йил Қуддуси шарифга қилган зиёратим чоғида мен ҳам шундай ҳолни бошдан кечирдим. Қуддуси шариф — дунёдаги энг табарруқ шаҳарлардан биридир. Айнан шу ерга яқин Тува водийсида Мусо пайгамбарга “Таврот” нозил бўлган, салкам икки минг йил бурун Исо алайҳиссалом эзгулик йўлида чормихга



Уч муқаддас эътиқоднинг бешиги бўлмиш Қуддуси шариф — одамзодни илоҳий-руҳий камолотга етказган табарруқ замин.

тозариш ва тўғри йўлга киришни истамоқда. Негаки, шу йўлгина Оллоҳ ҳузурига элтади. Тўғри, дунёда динлар талай, Оллоҳ ҳузурига етишнинг йўллари ҳам кўп. Лекин — эътиқод битта! Худо ҳам битта! Фақат У яратувчидир ва ягонадир. Мана шу жиҳатдан қараганда, барча чин, эътирофга сазовор динлар одамларни меҳр-муҳаббатли бўлишга, покликка ундаган.

Илмда худо назари тушган, пайгамбарлар қадами теккан жойларда куч-қувват — энергия бисёрлиги

тортилган ва Оллоҳ ҳузуридан паноҳ топган. Байтул муқаддас — буюк уч масжиддан бири шу ерда. Муҳаммад салоллоҳи алайҳи васаллам еттинчи осмон — меърожга айнан мана шу ердан кўтарилганлар.


Қуддуси шариф — уч диннинг маркази. Шунинг учун ҳам бу ерда одамлар оқими узилмайди. Зиёратчилар Сулаймон пайгамбар қабри, яҳудийларнинг бош қалисоти деворлари тагида кўзёш тўкадилар, Исо пайгамбар чормихга тортилган Голгоф тоғини, Муҳаммад пайгамбар самога


парвоз этган муқаддас гўшани зиёрат қиладилар. Мен ҳам худди шу ерларни тавоф этиб, янги бир руҳий қувват олдим. Зеро, чин дилдан тоат-ибодат қилган банданинг илтижолари ҳамиша ижобат бўлган. Оллоҳ ўзига содиқ бандасига мудом ёрдам берган.

Қуддуси шарифда Исо пайгамбар шогирдлари — авлиё Пётр, авлиё Яков, авлиё Иоанга қандай қилиб янги қиёфага кирганини кўрсатган эди. Шу боис, кейинроқ авлиё Павел, биз ўлмаймиз, биз янги бир қиёфага кирамиз, деб айтган. Олти аср ўтиб, Муҳаммад пайгамбар ҳам айнан шу ердан самога парвоз этганлар ва тўғри йўлдан борса, бандаси нури ҳидоятга етишажагини исбот қилганлар.

Қуддуси шарифда одам янги қиёфа, янги руҳга эга бўлар экан. Айнан шу ерда Оллоҳ таоло камина қулига инсониятнинг янги қиёфаси — олтинчи зотини намойиш этди. Бу одам гўзал, хуштабассум, бўйи икки ярим метрлар чамасида эди. Бақувват, қизгиш тусли бу одамни кўрганимда дафъатан ўзимни йўқотиб қўйдим. Ақл-ҳушимни йигиб олгач, дарров уни матога туширдим. Оллоҳнинг бу ноёб мавжудотини кўриш ҳар қандай одамни ҳам масрур этарди.

Қуддуси шариф зиёрати мени яна бир жиҳати билан хурсанд қилди: мен қайси бир масжид, калисо ё насронийлар черковига кирмайин, диний ажратишларни кўрмадим. Қайси тил ва қайси диний таомилда илтижо қилмайин, мудом ёлғиз Худони алқадим. Инсониятнинг келажаги ҳам, борар йўли ҳам ягонадир. Оллоҳ таоло сизу биз билмайдиган ажиб бир ҳикмат-ла бу уч динни бир жойда яратган бўлса не ажаб?! Не бўлса-да, бизларни ўз паноҳингда асрагил, ё Оллоҳ! Ҳузурингга элтажак йўлдан бораётганларга ўзинг мададкор бўл! Фақат сенинг йўлингда нури ҳидоят топгаймиз!





КАМЫШЪ АБИЪ БАШЪ

Фозил ОТАХЎЖАЕВ

КАМОЛОТ БЕШИГИ

Оила — жамиятнинг бир бўлаги, Бинобарин, у қанча мустақкам бўлса, жамият ҳам шунча тез юксалади.

Мамлакатимизда йигирма уч миллион аҳоли яшайди. Унинг эллик икки фоизи хотин-қизлардир. Шунингдек, юртимизда уч ярим миллион оила мавжуд. Ҳар йили 234 минг янги оила ташкил топиб, етти юз ўн минг бола дунёга келмоқда. Ватанимиздаги ҳар бир оилада ўртача беш-олти жон истиқомат қилади. Кўп болалилик — ўзбек оиласининг алоҳида белгисидир. Бизда кўп болали оилалар сони бошқа минтақалардагига нисбатан анча зиёд. Жами оилаларнинг ўн икки фоиздан кўпроғи беш ва ундан ортиқ болалидир, қишлоқ жойларда эса бу йигирма фоизни ташкил этади. Республика раҳбарияти, хусусан, Президентимиз Ислам Каримов мамлакатимиз аҳолиси таркибига хос бу хусусиятни теран англаган ҳолда мустақил миллий сиёсатнинг бош тамойилларидан бири аҳолининг эҳтиёжманда қисмини, жумладан, кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоялаш эканини мудом таъкидлаб келмоқда. Айниқса юртбошимизнинг оила ҳақидаги мана бу фикрлари эътиборга лойиқдир: “Оила — жамиятнинг негизи. Бизнинг мамлакатимизни ҳам катта бир оила деб тушуниш мумкин ва лозим. Бунда узаро ҳурмат ва тартиб бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан эзгулик билан меҳроқибат курсатмаса, яхши ва муносиб тарзда яшаш мумкин эмас. Оила турмуши ва виждон қонунлари асосида қурилади, узининг кўп асрлик мустақкам ва маънавий таянчларига эга бўлади, оилада

демократик негизларга асос солинади, одамларнинг талаб-эҳтиёжлари ва қадриятлари шаклланади. Ўзбекларнинг аксарияти ўзининг шахсий фаровонлиги тўғрисида эмас, балки оиласининг, қариндош-уруғлари ва яқин одамларининг, қўшилларининг омон-эсонлиги тўғрисида гамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражада маънавий қадрият, инсон қалбининг гавҳаридир”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида давлатнинг оилага муносабати аниқ ва лўнда ифодасини тошган. Хусусан, Асосий Қонуннинг 63-моддасида “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга”, деган қоида мавжуд. Бинобарин, оила тўғрисида гамхўрлик инсонпарвар-демократик давлатнинг муҳим хусусиятларидан биридир.

Истиқлол шарофати ўлароқ кейинги йилларда мамлакатимизда икки ярим миллион оила илк бор ер участкалари олди. Томорқанинг ўртача ҳажми йигирма сотихдан ошди. Энди уни чорак гектарга етказиш назарда тутилмоқда.

Юртимизда фаолият курсатаётган “Болалар”, “Маҳалла”, “Наврўз”, “Экосан”, “Орол”, “Соғлом авлод учун” каби жамғармалар турли-туман хайрия тадбирлари воситасида оилаларнинг камол топишига ҳисса қўшиб келаётир.

1994 йилнинг биринчи октябридан Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутунлай янги шакли — эҳтиёжманда оилаларга ҳар ойда бериладиган моддий ёрдам тури жорий этилди.

Олимларнинг фикрича, оилавий ҳаёт

инсон учун энг мақбул турмуш тарзи экан. Қадимги Шарқда Ёлғиз киши одам саналмаган. Италиялик мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, бутун ҳар беш нафар овруполикдан биттаси уйқу-сизликдан азоб чекади. Сабаби — Ёлғизлик!

Бахт деган гулнинг замини — оиладир. Буюк рус мутафаккири Лев Толстой айтганидек, ўз уйида бахтли бўлган одамгица бахтлидир.

Мана, энди биз тамоман янги жамият — демократик тараққиёт йўлига қадам қўймоқдамиз. Бинобарин, оиланинг иқтисодий, ижтимоий, демографик, психологик ва ҳатто жинсий ҳаётига оид масалаларни қайта назардан ўтказиш талаб этилмоқда.

Инсонпарвар жамиятда мулкӣ бўлмаган оилавий-шахсий муносабатлар — белгиловчи, мулкӣ муносабатлар эса буйсунувчи — ҳосила мазмунга эга.

Шундай қилиб, оила ҳуқуқи — никоҳ тузиш ва никоҳни бекор қилиш тартиби ва шартлари; эр-хотин, ота-она билан болалар ўртасидаги шахсий ва мулкӣ муносабатлар; фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, бола асраб олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатлар; фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тарзини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар йиғиндидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси оила ҳуқуқининг асосий тамойиллари қуйидагилардир:

- оила жамият ва давлат муҳофазасида;
- барча фуқаролар — жинси, ирқӣ, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг;
- аёл билан эркак оилада тенг ҳуқуққа эга;
- фақат якка никоҳликни тан олиш ва уни мустаҳкамлаш учун ёрдам бериш;
- ихтиёрий ва эркин никоҳ;
- давлат назорати асосида никоҳдан эркин ажралиш;
- давлат оталик, оналик ва болаликни муҳофаза этади ва уларнинг манфаатларини ҳар тарафлама ҳимоя қилади;
- болаларни миллий истиқлол мафкура-си асосида тарбиялаш ва бошқалар.

Республика Конституцияси 63-моддасининг 2-қисмига биноан, "Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади". Оила қуришнинг бирдан-бир асоси — қонуний никоҳдир. "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси"нинг 16-моддасида инсоннинг эркин никоҳдан ўтиш ҳуқуқи хусусида шундай дейилган: "Балогатта етган эркак ва аёл, ирқӣ, миллати ёки динидан қатъи назар, ҳеч бир чеклашсиз никоҳдан ўтиш ва оила қуриш ҳуқуқига эгадир. Улар никоҳдан ўтаётган чоғда, никоҳда бўлган вақтда ва никоҳ бекор қилинаётган пайтда ҳам бир хил ҳуқуқлардан фойдаланади".

Жуфт бўлиб яшамоқ — ҳаёт суннатидир!

Ҳазрат пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шундай деганлар: "Эй йигитлар! Қайси бирингиз турмуш қуришга қодир бўлиб, имкон топсангиз, тезда уйланинг, чунки уйланиш инсон кўзини поклагувчи чироқ, яъни у номаҳрамларга қараб гуноҳга ботишдан сақлайди ва ёмон, бемаза йўлга кириб кетишдан асрагувчи асосий чорадир. Кимки уйланишга қодир бўлмаса, рўза тутсин, чунки рўза инсоннинг шаҳвоний нафсини кеткизур".

Никоҳ воситасида, шаръий йул билан жуфт бўлиб яшаш — ахлоқий поклик ва соғлиқ гарови, жамият мустаҳкамлиги асосидир.

Фикримизча, мамлакатимиз демократик муносабатлар йўлига кириб бораётган ҳозирги даврда оилани янада мустаҳкамлаш ва унинг ижтимоий аҳамиятини ошириш учун никоҳ-оила муносабатларини тартибга солишга қаратилган янги ҳуқуқий меъёрларни шакллантириш зарур. Хусусан, никоҳ ва оила тўғрисидаги қонунларда маҳаллий шароит ва миллий анъаналар эътиборга олинishi лозим. Исломи ахлоқ талабига кўра, эри вафот этган ёки никоҳи бузилган аёл "идда" муддати ўтмагунча бошқанинг никоҳига ўта олмаган. Бордию шу муддат мобайнида аёлни ҳомиласи йўқлиги маълум бўлса, у эрга тегишга ҳақли бўлган. Агарда у ҳомиладор бўлса, бола тугилиб, нифосдан пок бўлганидан кейингина турмушга

чиқишга рухсат этилган. Мана шу қайдани амалдаги Оила кодексига жорий этиш лозим. Чунки қайта турмуш қураётган аёл, дунёвий ахлоқ нуқтаи назаридан ҳам, ҳомиладор бўлмаслиги лозим. Мабодо у ҳомиладор бўлиб, тўйдан сўнг ҳеч қанча ўтмай тугиб қўйса, бу ҳол янги оиладаги муносабатларнинг бузилишига сабаб бўлиши мумкин.

Франциянинг Фуқаролик кодексига оталик тўгрисигаги шубҳани бартараф этиш мақсадида, турмушидан ажраган ёки эри ўлган аёл 300 кундан кам бўлмаган муддат мобайнида турмушга чиқмаслиги қайд этилган.

Айрим тугруқхоналаримизда то ҳануз янги тугилган чақалоқни бир-икки кундан кейингина она қўлига бериш тартиби — одати сақланиб келяпти. Унгача эса чақалоқ ҳамма оналардан “соғиб олинган” сут билан боқилади. Бу нохуш ҳолга чек қўйиш фурсати етди. Чунки боягидек вазиятида соғлом онадан тугилган чақалоқ баданида иллати бор аёлнинг сутини истеъмол қилиб қўйиши ҳеч гап эмас-да! Яна бир нозик жиҳати — гўдак тугруқхонада сутини эмган аёлни фарзанди билан келажакда билиб-билмай турмуш қуриб қўйса нима бўлади?! Қадимда кўкалдошлар ўзаро оила қурмаган. Шу боис, бундан буён бегона гўдакни эмизган аёлнинг насл-насаби, исми шарифи ва манзили гўдакнинг онасига расман ёзиб берилиши шарт. Бу тадбир миллат наслини тоза сақлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Хуллас, қадимий кўкалдошлик анъанаси қонунан расмийлаштирилиши ва никоҳ масаласида эътиборга олинishi лозим.

Мамлакатимизда аёлларни огир меҳнатдан бирйўла озод этиш, улар учун қисқартирилган иш ҳафтаси белгилаш борасида доимий гамхўрлик қилинмоқда. Бу масалага доир махсус қонун қабул қилинса, гоят савобли иш бўлур эди. Аёл киши кўпроқ оилавий юмушлар билан шугулланиб, хонадонимизга файз бериб турганига нима етсин!

Тараққий этган давлатларда ўғил болаларни моҳир касб эгаси, жасур инсон, қизларни эса оқила уй бекаси қилиб тарбиялашга муҳим эътибор берилди. Биз ҳам энди ёшларимизга

ахлоқ, ҳуқуқ ва тиббиётдан маълумотлар бериб, никоҳ тўгрисигаги қонунларни, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бориш каби ота-боболаримиздан мерос анъанани янада камол топтиришимиз зарур.

Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 19-моддасида яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ тақиқланади. Никоҳ учун масъул кишилар оила қурмоқчи бўлган ёшларнинг ўзаро қариндошчилик алоқалари бор-йўқлигини сўраб-суриштириши, бордию улар қариндош чиқиб қолсалар, бундай никоҳ нораво экани тўгрисида тушунтириш бериши шарт.

Никоҳ ва оила кодексининг ушбу моддасига зарур ўзгартиришлар киритилиб, ака-ука ҳамда опа-сингилларнинг фарзандлари ўртасида ўзаро никоҳ ман этилса, шунингдек, фарзандликка олинган болаларнинг ҳам бир-бири билан оила қуриши тақиқланса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Никоҳ ва оила кодексининг 240-моддасида белгиланганидек, никоҳни қайд этиш идораси янги оила қурувчилар бир-бирининг тан сихатлигидан нечоғлиқ хабардор эканини сўрайди. Фикримизча, бу расмий қоида ўзгартирилиши лозим. Негаки, шу кунга қадар бўлажак куёвнинг қаллигидан ва ёки қаллиқнинг куёвдан “Сизнинг касал-пасалингиз йўқми?” деб сўрагани тажрибада кузатилган эмас. Зеро, бундай “текширув” бизнинг мусулмонча ахлоқимизга ҳам, инсоний севги, пок муҳаббат қадриятларига ҳам, икки инсон ўртасидаги самимий ишонч руҳига ҳам мос эмас. Шу боис тиббиёт муассасалари никоҳдан ўтувчиларнинг аризалари ва уларнинг хоҳишига кўра, тиббий кўрик ташкил этиши ва бу кўрик натижаси ҳақида уларга ҳужжат бериши мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда буюк боболаримиздан мерос кўҳна наслимизни асраш ва янада камол топтириш йўлида беқийёс ишлар қилинаётгани барчамизга маълум. Муҳаббат бешиги — оила мустаҳкамлиги бу борадаги интилишларнинг янада самаралироқ бўлишига хизмат қилаши шубҳасиз.

Дунё адабиётининг энг сара намуналари мутолаасидан фикр равшан шоршиб, кўнгли шиниклашади. Маърифатли инсон ушундан кўра мароқлироқ машғурот бўлмаса керак.

Журнал таърифияти ҳали она тилимизга ўтирилмаган ўзгал ва нуфусликмат бадий асарларни топ этиб боришни режалаштириган. Буюк француз адиби Ги де Мопассаннинг аслиятдан ўтирилган "Ўлиб тирилган" новелласи — бу йўлдан дастлабки таърифба. Бу — ёзувчи таваллудининг 145 йиллигига журналнинг камтафни шухраси ҳамдир.



Ги де МОПАССАН

ЎЛИБ ТИРИЛГАН

Новелла

Дам олиш уйининг муҳташам емакхонаси кечки овқатга оши-қаётган хўрандалар билан аста-секин тўлмоқда эди. Курортлар ва дам олиш уйларида шундай бир эрмак бор, кечки овқат маҳали ҳамманинг кўзи кираверишдаги эшикни кузатиш билан банд бўлади: янги келганларга баҳо берилади, уларнинг кимлигию касб-кори нима экани тахмин қилинади.

Алқисса, ўша оқшом биз ҳам янги қиёфаларни кутмоқда эдик.

Кирганлар икки киши бўлиб, гайриоддий қиёфали эркак — ота ва аёл — қиздан иборат эди. Уларни кўришим билан кўз олдимга Эдгар Понинг қаҳрамонлари келди. Эркак ниҳоятда новча, қадди бир оз эгик, сочлари ҳали ёш кўринадиган қиёфасига ярашмаган даражада оппоқ эди. Унинг йигирма икки-йигирма

бешларга бориб қолган қизи ҳам ўта қотма, лекин паст бўйли, чеҳраси ҳоргин ва синиққан эди. Қизнинг ранглар юзида гўзаллик асарлари кўзга ташланарди. Унинг бу ерга даволаниш учун келганига ҳеч бир шубҳа йўқ эди.

Ота-бола менинг қаршимдан жой олдилар.

Стол атрофида ўтирар эканмиз, эркакнинг қандайдир гайритабиий, асабий ҳаракатлари диққатимни тортди. Ҳар гал бирор нимани олишдан аввал унинг қўли ҳавода галати доиралар чизарди. Бу ҳол бир неча бор қайтарилгач, мен зада бўлгандек, кўзимни олиб қочдим.

Жувоннинг овқат пайтида чап қўлидаги қўлқопни ечмагани ҳам эътиборимни жалб этди.

Овқатдан сўнг хиёбонда сайр қила бошладим. Ўша оқшом ҳаво ниҳоятда дим эди. Мен салқин хиёбоннинг у бошидан-бу бошига бориб келмоқда эдим. Ногаҳон, бояги ота-боланинг қаршимдан аста юриб келаётганларини кўрдим. Йўлларимиз тўқнашгач, дам олиш уйларидаги таомилга кўра, улар билан қайта саломлашдим.

— Авф этасиз, тақсир, — деди саломимга алик олиш учун тўхтаган ота. — Малол келмаса шу атрофдаги сайр қилиш учун қулайроқ, хушманзара ерни кўрсатиб юборсангиз...

Уларни ўртасидан кичик бир ирмоқ оқадиغان водийга таклиф қилдим.

Кетаётиб, турган гапки, курортларнинг фойдаси ҳақида сўзлашиб бордик.

— Асти қўяверасиз, — деди у. — Қизгинамнинг галати касали бор. Бир қарасангиз, ўз-ўзидан асабийлаша бошлайди. Бир қарасангиз, юраги санчийди ёки жигаридан шикоят қилади. Бугун, масалан, ошқозоним оғрияпти, деб нолияпти... Шунинг учун бу ерларга келиб қолдик. Фикримча, ҳаммаси асабдан бўлса

керак. Ҳар ҳолда бу нарса мени жуда изтиробга солади.

Эркакнинг асабий хатти-ҳаракатларини эсладим.

— Балки бу ҳол ирсий дарднинг асоратидир? Асабларингиз жойида эканлигига ишончингиз комилми?

У хотиржам жавоб берди:

— Мени айтяпсизми?... Йўқ-э... асабларим доимо мустаҳкам бўлган. — Кейин сўзида давом этди: — Ҳа-я! Сиз бирор нарсага қўл чўзганда бармоқларим асабий қалтирашига ишора қиляпсиз, чоғи? Бу ҳол жуда оғир кўргиликни бошимдан ўтказганимдан кейин пайдо бўлган. Қизгинамни тириклайин ерга кўмиб қўйганимни тасаввур қила оласизми? “Наҳотки!” дея олдим ҳайратга тушиб.

— Қулоқ солинг, — деди ҳамроҳим. — Воқеа бундай бўлган...

Кейинги вақтларда Жюльеттанинг юраги тез-тез безовта қиладиган бўлиб қолган эди. Умидимни деярли узиб қўйган эдим. Кунларнинг бирида уни бадани совиган, жонсиз аҳволда кўтариб келдилар. Қизгинам боғда сайр қилатуриб йиқилиб тушган экан. Шифокор ўлим ҳолатини қайд қилди. Тобутни Лотарингия қишлоқларидан биридаги қабристонга элтиб, оилавий хилхонамизга қўйдик.

Қизимни ўзига атаб тиктирилган никоҳ қўйлагида, ўзим унга совга қилган биллагузуклар, маржонлар ва узукларини тақиб тобутга солган эдик. Қабристондан қайтгандан кейинги аҳволимни тасаввур қилиш қийин эмасдир. Ахир, қизалогимдан бошқа ҳеч кимим йўқ эди. Хотинимнинг вафот этганига кўп бўлган.

Шундай қилиб, ярим телба аҳволда, ёлғиз юриб уйга қайтдим. Нафақат бирон бир ҳаракат қилишга, ҳатто фикрлашга ҳам ҳолим келмай ўзимни ўриндиққа ташладим.



Жюльеттани кийинтиришда менга кўмаклашган, анча ёшга бориб қолган хизматкорим Проспер оёқ учида ҳузуримга кирди ва:

— Хўжайиннинг кўнгиллари бирор нимани тусайдими? — деб сўради. Бош чайқаб “йўқ” деган бўлдим. Проспер чиқиб кетди.

Қанча вақт ўтганини билмайман. Хона совиб кетган, каминдаги ўт ўчиб бўлган, деразага совуқ шамол ҳамла қилмоқда, мени эса алақандай

қўрқув қамрай бошлаган эди.

Яна талай фурсат ўтди. Кўзларим ҳамон очиқ, аъзои баданим мадорсиз, руҳим сўник эди. Тўсатдан кўча эшикнинг қўнгироғи чалинди. Угирилиб соатга қарадим. Соат миллари тунги иккени кўрсатиб турарди. Бемаҳалда ким келган бўлиши мумкин? Қўнгироқ яна икки марта чалинди. Чамаси, эшикни очишга хизматкорларнинг юраги бетламади. Ёниб турган шамни қўлимга олиб,

пастга тушдим.

Шаҳд билан эшикни очган эдим, кўзим қоронгиликда арвоҳга ўхшаб турган оқ шарпага тушди.

— Ким у? Сиз... ким бўласиз? — дедим тутилиб.

“Менман, ота”, деган овоз келди.

Ақддан оздим шекилли, деб ўйладим ва қўлим ҳали сиз кўргандек асабий қалтираб кетди. Ўшандан бери бу қилиқ мени тарк этмайди.

— Қўрқманг, ота, — деди шарпа. — Мен ўлмаган эканман. Қўлимдаги узукларни олиш мақсадида ўғрилар бармоғимни кесишибди, қон оқа бошлаб, ҳушим ўзига қайтибди.

У чиндан ҳам бошдан-оёқ қонга беланиб турарди.

Эс-ҳушимни бир оз йиғиб олгач, ишониб-ишонмай қизимни хонамга олиб кириб, ўриндиққа ўтқаздим. Ўчоққа қайта ўт ёқиш, чой дамлаш

ва табиб чақириб келиш каби юмушларни буюриш учун қўнгироқ чалиб, Просперни чақирдим.

Эшиқдан кирган Проспер қизимни кўриб, ҳайратдан донг қотиб қолди ва чалқанчасига ағдарилиб, шу заҳотиёқ жон берди.

Хилхонага кирган, тобутни очиб, қизимни жароҳатлаган кимса Проспер бўлиб чиқди. Ишончимни буткул қозонганига амин бўлиб, ҳеч ким шубҳа қилмайди, деб ўйлаган чоғи...

Ҳамроҳим сўзини тугатиб, жим қолди.


Сокин ва кимсасиз водийга қоронги туша бошлаган эди. Бу гайриоддий кимсалар — бир ўлиб тирилган қиз ва хатти-ҳаракатлари галати асабий ота билан ёнма-ён турарканман, хавотирга ўхшаш аллақандай туйғуни ҳис қилдим.

“Қандай даҳшат!” дея олдим, холос. Шундан кейин биз орқага қайтдик.

Француз тилидан
Шоазим МИНАВВАРОВ
таржимаси



Алмишёр НАВОИИ




ШИРИНИНИНГ МАҚЛУБИ

Анини ҳамди била бу номаи дард
 Ки солди даҳр афо ханимои дард.
 Ки, яғни мен — Заифи хаста ҳондин,
 Маломат қалғасиға побондин
 Саннаким, қалғани ўлмиш кўҳи андуҳ,
 Ғаму дарду фиғоқини кўҳ то кўҳ.
 Недуғ аҳвалини, эй Зофи ғарибим,
 Висолим давлатидин бенасибим?
 Чекардин ғам тоин ҳолини неғуқдуғ,
 Ёу юқдин ҳисми ёуи нолини неғуқдуғ?
 Каттик, ғурбат афо ҳолини не эркин?
 Алик, ғуғқатда аҳвалини не эркин?
 Фирок, иғра неғуқдуғ ҳисми Зофини,
 Не яғлиғ тўғмонуғ ўт иғра тоғини?
 Солим фикрида тунлар айласанг пей,
 Қораруғми ҳаҳонини тун киби ҳей?
 Қошим меҳробини ёд айлаган дам
 Анин ойдек бўлуғми қаматини ҳам?
 Қўзум фикри иғинна солса қайғу,
 Бало ҳар иғшадин тунен қилуғму?
 Не бўлмай эрди ғарҳи зуғмпеша
 Мени сендин ҳудо қилмай ҳамеша,
 Хиромини боғи иғлодош ўлсам эрди,
 Суқуғини вақти кўрлош ўлсам эрди.
 Қуеш яғлиғ бўлуғ кундуғ қаринини,
 Бўлиб тун сая яғлиғ ҳамнишинини,
 Шикан кирса қариниға кийнасидин,
 Чикорсам эрди киртик иғнасидин.
 Авз сунсанг, бўлуғ ғамдин ҳарошини,
 Мудом ўлса эди қўғиниғда бошини.
 Қўруғ хору ҳас ўғриғида, ниҳоний
 Солим бирла суғурсам эрди они.

Демон, мендин сенини дардин эруф кам,
Сенини ҳам кўпдурдур дардин, менини ҳам,
Вале юз муниа дарди тоза бирла,
Ғаму андуҳи беандоза бирла,
Чу дарду ғубатинини ед этармен,
Ҳазин жонимга юз бедод этармен.
Аларин бўлголи ишқини асири,
Ўтар афлоқдин оҳим нафири,
Даме хуш урмадим афюн иинда
Даме хуш бўлмадим хиҷрон иинда.
Олиб душман сипоҳу афсаримни,
Қилиб тороқ муҳку кишваримни.
Мену хайлим неғўқим бури манҳус.
Бўлуб бир юр аро тоғ ифра маҳбус.
Мунииндек мулкнини шоҳу фақири
Бўлуб бошдин—оёқ душман асири.
Шушунлар қилиб жонин таслим,
Қушунларни ҳар дам ўштуруб бим.

Булар — эли менини ишқим ишидин,
Қулоғим елқибон эл қармишидин.
Қилиб жонимга қасд элдин уетим,
Ўғуб Бону уетидин ҳаётим.
Вале юз муниа меҳнат бўлса эрди,
Не юз, минн муниа шиддат бўлса эрди,
Сени кўрсам эрди ногоҳ—ногоҳ,
Ғамим ишқ эрди, биллоҳ, сурма биллоҳ.
Бу дам ҳамқим фиғоқининини ўлубмен,
Юз иландин ҳам ортуқроқ бўлибмен.
Ҳаётим — вақтинча урғинд иландур,
Ўғинд — ул раҳмати жовид иландур.
Алар ҳажринида юз ил нуссакашмен,
Алар вақтин урғинд бўлса — хушмен.
Шавабқуз утки, бу ошуртанома
Ки, бу ошурта қилди нақш хома,
Ўғуб маъмуриндин олгани ҳисобин,
Қарам анлаб ийборайсен жавобин
Қим, ул ҳар ғамда бўлган хирзи жоним,
Балоу нуссадин хатти амоним.
Чу бўлсан ҳалима олоҳу аглам,
Жавобин ҳам ийбор, валлоҳу аглам.



Наполеон БОНАПАРТ

(1769—1821 йиллари яшаган
француз императори)

ЖОЗЕФИНАГА МАКТУЪ

1796 йил 3 апрель

Менини яккаю ягона Жозефинам¹, сендан ийроқда мени бутун дунё йўлу биебон каби туролади, мен унда елтизман... Сен менини фақат қалбимни эмас, балки бутун борлигимни маллагансан. Сен менини ягона фикру ҳаялимсан; одамлар деб аталган зерикарли ҳонзоглаф ҳонимга текканда, ҳаятни лағнатлашга тайёр тулган ютмда қўлимни кўксимга кўяман: у ерда сенини суфрагини ўрнашан, мен унга тикиламан; муҳаббат мен уғун мутлақ бахтодир... Сен қандай сеҳр-ҳоду билан бор хоҳиш-иродамини ўзинга банд қилдинг, менини бутун руҳий ҳаятимни танҳо ўзинга қарата олдинг? Жозефина уғун яшамок! Мана, менини ҳаятимнинг тарихи...

Сенини севтиндан лаззатланмасдан ўлиш — дузах азоби, бу — бутунлай маҳв бўлишнинг ҳаққоний пимсалидир. Шакдир ҳаятнинг машаққатли йўлини бирғалиқда босиб ўтишни раво кўрган менини яккаю ягона ерим, сенини қалбини менидан беғона бўлган кун дунё мен уғун бутун ҳожибасини, ўзгалтишни иўқотади.

¹ Жозефина — Наполеоннинг рафиқаси.



АРАСТУ БИСОТИДАН

Хар қайси онда давлатнинг бир бўлагидир.

Хар қандай санъатнинг, жумладан, тарбия санъатининг ҳам мақсади — инсонга табиат ато этмаган нарсаларнинг ўрнини тўлдиришдан иборат.

Хатти-ҳаракат — назария билан амалиётнинг мужассамидир.

Барчага дўст бўлган киши — аслида ҳеч кимга дўст эмас.

Дўст — икки танада яшайтган битта жон.

Билим бобида жуда илгарилаб кетиб, маънавият бобида ортада қолган одам олдинга эмас, орқага қараб кетаётган бўлади.

Тенгсизлик ҳукм сурган жойда ҳеч нарсани тенг бўлиб бўлмайди.

Шу пайтга қадар дарвешлик хусусиятларидан холи бирон бир буюк ақл соҳиби бўлмаган.

Ҳеч нарсa мурувват, эзгулик сингари тез эскирмайди.

Меъёрини билиб ҳазиллашган кишигина зуккодир.

Заковат — билимли шижоат.

Санъат — даҳо билан безовта

табиатдан туғилади. Чунки уларнинг бири — ижодий йўналиш беради, иккинчиси — шижоат бахш этади.

Жиноятга баҳона керак, холос.

Ҳамма нарсанинг кулгили томонини қидириш — майдалик белгиси. Чунки кулгили нарса ҳар доим юзада бўлади.

Тенглик — дўстликнинг жонидир.

Мулоҳаза гоҳида саломатликка зарар келтиради.

Ақлли одам яхши нарсанинг орқасидан эмас, ёмонликдан асрайдиган нарсанинг кетидан қувади.

Дўстлар бизга қандай муносабатда бўлишини истасак, ўзимиз ҳам уларга шундай муносабатда бўлишимиз керак.

Олдин маълумотларни тўлаб, кейин уларни фикрга боғлаш керак.

Билимнинг илдизи аччиқ, лекин меваси ширин.

Эзгулик ҳақида мулоҳаза юритишнинг ўзи — эзгулик деган гап эмас.

Ҳаддан ташқари бежирим сўз кишининг феъл-атворини ҳам, унинг фикрини ҳам қўлиб ташлайди.

Қадим Юнонистоннинг буюк мутафаккирларидан бири, Афлотуннинг шогирди, Искандар Зулқарнайннинг устози Арасту (милоддан илгариги 384-322 йилларда яшаб ўтган) дунё тафаккур илмида катта ўрин тутади. Унинг ҳикматлари неча асрларки, қимматини йўқотмай келади. Эътиборингизга улардан айримларини ҳавола этаймиз.

S U M M A R Y

P

people's poet of Uzbekistan Erkin Vakhidov: "We with you do not comprehend really in full what Motherland is and God forbid to comprehend it ever. For only those unfortunate who are separated from their Motherland fully comprehend what it is". (From the conversation "Let good intentions be your companion").

I

In his article "A World Appeared on One Territory", Azamat Zie, a historian, analyses the socio-political situation arose within the great borders of the former USSR after the collapse of the "Union", reflects on efforts on the way to an economic integration of the newly independent states, on the future of the Commonwealth of Independent States.

I

In the article "Authority of a Leader", by Gulom Gafur, a kandidat of philology, the art of leadership is reflected upon. The author draws attention to the experience of our ancient forbears in the field of guiding people at the present time of restoration of our national values.

I

In poet Mukhammmad Yusuf's verses love is sang. The main traits of the poet's lyric hero are comprehending of the world in an Uzbek way, courage, generosity, frankness.

U

Ukyery Magasaki: "The fate of every Japanese depends on his personal efforts, so from the very school time the belief in himself is fully formed in him and gradually becomes even stronger. For this reason we all believe firmly that we can reach a better future only through our good working." (From the conversation between ambassador extraordinary and plenipotentiary of Japan in Uzbekistan Ukeru Magasaki with Sirijiddin Azizov, an expert on Japan).



In his article "Family is a Symbol of Motherland", Anvar Zie, a member of Parliament of Uzbekistan, reflects on driving forces of combined efforts on the track of realizing the single idea, the single goal of our compatriots, of forming the "Motherland a Common Family" feeling among the citizens, on the experience of Europe and America in this field.



The writer Utkur Khashimov: "In order not to be hungry tigers eat deers but they do not kill each other. In order not to be hungry deers eat greens but they do not kill each other. People eat both deers and greens and even kill tigers just for fun... and then kill each other. "Long live" the "Crown of Nature!"



Haikh Aziziddin Nasafky: "... they say you are a small man (imsoni sugro) and a small world (olami sugro) whereas the whole world is a great man (insoni kurbo) and a great world (olami kurbo). Hey, dervish, you are a small man, while the whole world is a great world". (From the treatise "Zubdatul-Khakiyik" (The Cream of Truth).



Here is some information in European historic sources about a meeting between Sokhibkiron Amir Temur and the great poet Khafiz Shiraziy... A ghazal by the great Persian beginning with a hemistich "If that Shiraziy Turk beauty takes my heart" had become known in Western European countries in XVIII-XIX centuries and various poets not only translated it into English, German and other languages but wrote many imitations". (From the article "A Story Started From a Passion For a Birth-mark", by Khairulla Ismatullaev, a literary critic)



In the article "The Voice of a New Age" Evgeniy Beresikov, a writer, mazes on the fact that the role of religious and spiritual values in the development of Mankind is being increased and the changes in the material and spiritual world are the evidence of the beginning of a new age in the fate of Mankind.



Нашр курсаткичи: 75350
Баҳоси келишилган нарҳда.

2.95

ТАФАККУР

Tafakkur

